

**МАДАНИЙ-ОММАВИЙ
ТАДБИРЛАРНИ
ТАШКИЛЛАШТИРИШНИНГ
ЗАМОНАВИЙ МЕТОДИКАСИ**



- ❖ ЎзДСМИ хузуридаги Тармоқ маркази
- ❖ “Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш” йўналиши
- ❖ Доцент Рустамов Ваҳобжон

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган
ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчи: ЎзДСМИ “Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш” кафедраси доценти Рустамов Ваҳобжон

Тақризчилар: ЎзДСМИ “Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш” кафедраси мудири, доцент в.б. Шодиев Хамза

Ўқув -услубий мажмуа ЎзДСМИ Илмий методик Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган
(2020 йил “29” январдаги 1-сонли баённома)

МУНДАРИЖА

I.	ИШЧИ ДАСТУР.....	4
II.	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	13
III.	НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	17
IV.	АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	69
V.	КЕЙСЛАР БАНКИ.....	110
VI.	ГЛОССАРИЙ.....	115
VII.	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	123

I. ИШЧИ ДАСТУР

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

“Маданий-оммавий тадбирларни ташкиллаштиришнинг замонавий методикаси” модули ҳозирги кунда таълимнинг замонавий методлари, ахборот коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган. Маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан, шунингдек анъанавий ва замонавий дирижёрлик асарларидан ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ижрочилик малакаларини шакллантириш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Маданий-оммавий тадбирларни ташкиллаштиришнинг замонавий методикаси” модулининг мақсади:

Маданий-оммавий тадбирларнинг ташкил этишнинг жамият тараққиётидаги ўрни ва роли, тадбирларни ташкил этишда замонавий технологиялардан фойдаланиш, тадбирлар драматургиясини яратиш, хужжатли ва маҳаллий манбаларни бадиийлаштириш, тадбирларни ташкил этишнинг аввалги ва замонавий ҳолатини солишириш орқали унинг ҳозирги кунда қай даражада таълим тизимида ўрганилаётганлиги мисолида янги замонавий шакл ва услубларни амалиётга татбиқ этиш ва бошқаларни қўллаш учун педагог кадрларни тайёрлашдан иборат.

“Маданий-оммавий тадбирларни ташкиллаштиришнинг замонавий методикаси” модулининг вазифалари:

- мамлакатимизда ташкил этилаётган маданий тадбирларнинг дунёда барқарор тараққиётни таъминлашдаги ўрнини кўрсатиш;
- маданий-оммавий тадбирларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари, педагогик аспектлари, ёшлар тарбиясига таъсири ҳақидаги маълумотларни бериш;
- Ўзбекистон ҳудудида ташкил этиладиган маънавий-маърифий тадбирлар, уларнинг турлари, ташкил этиш кскллари, сахналаштириш жараёнлари билан танишиш;
- маданий-оммавий тадбирларни ташкил этиш билан боғлиқ халқаро ва миллий қонунчилик, хуқуқий-норматив ҳужжатларни ўрганиш;

- маданий-оммавий тадбирларни ташкил этишнинг таълим муассасаларида ўрганилиши ва олий таълим тизимида уларни ўтказиш учун педагог кадрларни тайёрлашни таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, қўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Маданий-оммавий тадбирларни ташкиллаштиришнинг замонавий методикаси” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

маданий-оммавий тадбирларни ташкил этишнинг ўзига хослиги, мазмун, моҳиятини;

- тадбирларни ташкил этишнинг хориж ва Ўзбекистонда қабул қилинган қонун хужжатлари ва хуқуқий-норматив хужжатларни;
- маданий-оммавий тадбирлар турларини, саҳнага кўчириш усулларини;
- маданий-оммавий тадбирларда қўлланиладиган усул, воситалар ҳамда ташкил этиш услубиётини;
- тадбирларни ташкил этишнинг таълим муассасаларида ўрганилишига қаратилган мақсад ва вазифаларни **билиши** лозим.
- маданий-оммавий тадбирларни драматургиясини яратиш;
- хориж мамлакатлари ва Ўзбекистонда ўтказилаётган маданий-оммавий тадбирларни қиёсий таҳлил қила олиши;
- маданий-оммавий тадбирларни ўтказишда санъат турларидан фойдаланиш;
- мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишлардан таълим жараёнида талabalарни хабардор қилиш;
- маданий-оммавий тадбирларни мақсадли ташкил этиш, талabalарнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларнинг маънавий дунёсини бойитиш, эстетик эҳтиёжларини қондиришга қаратилган тадбирларда иштирок этиш орқали жамиятнинг фаол инсонига айлантириш, уни таълим тизимига татбиқ этиш **қўникмаларига** эга бўлиши лозим.

- маданий-оммавий тадбирларни ташкил этишда анъанавий услуг ва тажрибаларни қўллаш ҳамда педагогик фаолиятга татбиқ этиш;
- маданият ва санъат соҳасини бошқариш, маданий тадбирларни ташкил этиш ва шунга тегишли соҳаларни ўзлаштиришда зарур бўлган услубий ва ўкув қўлланмаларини яратишда унумли фойдаланиш;

- маданий-оммавий тадбирларни ташкил этиш борасидаги илғор тажрибаларни ўрганган ҳолда ўз педагогик фаолиятига татбиқ эта билиш;
- тадбирларни ташкил этишда замонавий техник воситалардан фойдаланиш;
- хорижий давлатларда маданий-оммавий тадбирларни ташкил этишнинг таълим тизимида ўзлаштирилиши бўйича амалга оширилган тажрибаларни ўқув жараёнига татбиқ этиш;
- таълим муассасаларида ва таълим жараёнида тадбирларни ташкил этиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.
- маданий-оммавий тадбирларни ташкил этишнинг моҳиятини тушунган ҳолда уни таснифлай олиш;
- маданий-оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўзлаштиришдаги анъанавий услубларни таълим тизимига татбиқ этиш;
- тадбирларни ташкил этиш услубларини талабаларга сингдириш;
- маданий-оммавий тадбирларни ташкил этишнинг таълим тизимида ўрганилиши борасида илғор маҳаллий ва хорижий тажрибалардан фойдаланган ҳолда машғулотларни ташкил этиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Маданий-оммавий тадбирларни ташкиллаштиришнинг замонавий методикаси” модули мазмуни ўқув режадаги “Маданият ва санъат соҳасида креатив тадбиркорлик”, “Арт менежмент” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласи.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар олий таълим муассасаларида маданий-оммавий тадбирларни ташкил этишнинг замонавий услублар билан бойитилган ҳолда амалда қўллаш ва талабалар билимини баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат			
		Жами	назарий	амалий	кўчма
1.	Мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотларда маданий-оммавий тадбирларни ташкил этишнинг аҳамияти.	2	2		
2.	Илфор хорижий давлатларнинг турдош олий таълим муассасаларида амалга оширилаётган маданий – оммавий тадбирларни ташкиллаштиришнинг замонавий назарияси ва амалиётини таълим тизимига тадбиқ этиш.	2	2		
3.	Маданий дам олиш тадбирларини ташкил этишнинг ўзига хослиги. Маданий-оммавий тадбирларни ташкил этишда ташкилотчилик қобилиятининг шакллантириш тамойиллари.	2		2	
4.	Маданий-оммавий тадбирлар – инсонлар бўш вақтини мазмунли ўtkазишга қаратилган фаолият	4		2	2
5.	Педагогик аспект тушунчаси. Тарбиявий тадбирлар. Тарбиявий жараёнлар	2	2		
6.	Маданий-оммавий тадбирлар - тарбия воситаси сифатида. Маданий-оммавий тадбирларда педагогик жараёнлар. Маданий-оммавий тадбирларда педагогик жараёнлар.	4		2	2
7.	Тадбирларда саҳна кўринишларини тайёрлаш усуллари. Маданий-оммавий тадбирлар сценарийси, режиссураси ва ташкилий жараёни. Майдонларда тадбирларни ўtkазиш методикаси.	4	2	2	
Жами:		20	8	8	4

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда маданий-оммавий тадбирларни ташкил этишнинг аҳамияти (2 соат)

Мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда маданий-оммавий тадбирларни ташкил этишнинг аҳамияти. Мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар таснифи. Республикаизда ўтказилаётган маданий- маърифий тадбирлар таҳлили.

2-мавзу: Илғор хорижий давлатларнинг турдош олий таълим муассасаларида амалга оширилаётган маданий – оммавий тадбирларни ташкиллаштиришнинг замонавий назарияси ва амалиётини таълим тизимиға тадбиқ этиш (2 соат)

Илғор хорижий давлатларнинг турдош олий таълим муассасаларида амалга оширилаётган маданий – оммавий тадбирларни ташкиллаштиришнинг замонавий назарияси ва амалиётини таълим тизимиға тадбиқ этиш. Илғор хорижий тажрибалар. Ўзбекистон Республикаси Миллий маданият концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги Қарори. Ўзбекистон Республикаси хукуматининг маданият, санъат, маънавият соҳаларига оид Қарор, фармон ва бошқа меъёрий хужжатлари.

3-мавзу: Педагогик аспект тушунчаси. Тарбиявий тадбирлар. Тарбиявий жараёнлар (2 соат)

Педагогик аспект тушунчаси. Тарбиявий тадбирлар. Тарбиявий жараёнлар. Маданий-оммавий тадбирларда педагогик тамойилларнинг кўлланиши. Тадбирлар турлари. Тарбиявий тадбирларни ташкил этиш хусусиятлари. Оммавий-маданий тадбирларда тарбиявий мавзулар талқини.

4-мавзу: Тадбирларда сахна кўринишларини тайёрлаш усуллари. Маданий-оммавий тадбирлар сценарийси, режиссураси ва ташкилий жараёни. Майдонларда тадбирларни ўтказиш методикаси (2 соат)

Тадбирларда сахна кўринишларини тайёрлаш усуллари. Маданий-оммавий тадбирлар сценарийси, режиссураси ва ташкилий жараёни. Майдонларда тадбирларни ўтказиш методикаси Сахна кўринишларини тайёрлаш усуллари. Тадбирлар драматургиясини яратиш. Сценарий

тушунчаси. Инсценировка. Маданий оммавий тадбирларда режиссура санъати ва актёрлик маҳорати.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Маърузадан сўнг режалаштирилган мавзулар маданий-оммавий тадбирларни ташкил этишни ижодий ва ташкилий жараёнларини қамраб олади. Бунда тингловчилар мустакил равишда, шунингдек педагог томонидан таклиф этилган йўналиш бўйича амалий топшириқларни бажарадилар. Топшириқ ёзма, савол-жавоб тарзида ёки амалий ижро ёки бошқа шаклда бажарилиши мумкин.

Амалий машғулотлар аудиторияда тингловчиларга машқлар, тренинглар, оғзаки ёки ёзма шаклда ташкил этилиши мумкин. Он-лайн шаклда ташкил этилган дарсларда ZOOM иловаси орқали турли топшириқларни бажариш орқали бажарилади. Амалий машғулотлардаги режалаштирилган масалалар педагог томонидан маҳсус тайёрланган тарқатма материаллар, ёзма манбалар, қўшимча воситалар, шунингдек аниқ бир мавзу бўйича тингловчилар иштирокида ижодий иш тайёрлаш асносида ҳам ташкил этилиши мумкин.

1-амалий машғулот: Маданий дам олиш тадбирларини ташкил этишнинг ўзига хослиги. Маданий-оммавий тадбирларни ташкил этишда ташкилотчилик қобилиятигининг шакллантириш тамойиллари. (2 соат)

Маданий дам олиш тадбирларини ташкил этишнинг ўзига хослиги. Маданий-оммавий тадбирларни ташкил этишда ташкилотчилик қобилиятигининг шакллантириш тамойиллари. Мазкур мавзу юзасидан тадбирларни ташкил этишнинг ўзига хослиги, манбалардан тўғри фойдаланиш. Ижодий ва ташкилий ишлар уйғунлигига эришиш. Профессионал жамоалардан ўхшаш ва фарқ қиласиган жиҳатларни аниқлаш. Маданий тадбирларни ташкил этишда ташкилотчилик қобилиятини шакллантиришга оид аниқ машқлар, тренинглар ўтказиши.

2- амалий машғулот: Маданий-оммавий тадбирлар – инсонлар бўш вақтини мазмунли ўтказишига қаратилган фаолият (2 соат)

Маданий-оммавий тадбирлар – инсонлар бўш вақтини мазмунли ўтказишига қаратилган фаолият. Тингловчиларга маданий-оммавий

тадбирларни ташкил этиш асослари, бўш вақт тушунчаси ҳақида тушунтирилади. Маданий тадбирлар инсонларнинг маънавий, эстетик эҳтиёжларини қондиришга, бўш вақтларини мазмунли ўтказишга қаратилган фаолият эканлиги ҳақида сўз боради. Бунда тингловчилар мустақил равишида бўш вақтни мазмунли ўтказишга қаратилган тадбирлар сценарийсини яратиб, режа тузадилар, репитицияларни ташкил этадилар. Мамлакатимиз тараққиётида долзарб муаммолар ечимини топишда маданий-оммавий тадбирларни ташкил этиш орқали эришиш йўллари изланади.

3-амалий машғулот: Маданий-оммавий тадбирлар - тарбия воситаси сифатида. Маданий-оммавий тадбирларда педагогик жараёнлар. Маданий-оммавий тадбирларда педагогик жараёнлар. (2 соат)

Маданий-оммавий тадбирлар - тарбия воситаси сифатида. Маданий-оммавий тадбирларда педагогик жараёнлар. Маданий-оммавий тадбирларда педагогик жараёнлар. Аввалдан режалаштирилган ҳолда педагог томонидан ҳар бир тингловчига маданий-оммавий тадбирлар режаси, дастури ва сценарийси тузилади ва таҳлил қилинади. Тингловчилар ўзлари танлаган ёки педагог томонидан берилган мавзуга оид манбалардан фойдаланишини ўрганадилар. Берилган мавзу бўйича тақдимотлар тайёрлайдилар. Гурӯхли ижодий ишларни ҳам ташкил этиш мумкин.

4-амалий машғулот: Тадбирларда саҳна кўринишларини тайёрлаш усуллари. Маданий-оммавий тадбирлар сценарийси, режиссураси ва ташкилий жараёни. Майдонларда тадбирларни ўтказиш методикаси (2 соат).

Тадбирларда саҳна кўринишларини тайёрлаш усуллари. Маданий-оммавий тадбирлар сценарийси, режиссураси ва ташкилий жараёни. Майдонларда тадбирларни ўтказиш методикаси. Тингловчилар педагог томонидан берилган мавзулар бўйича саҳна кўринишини тайёрлашда иштирок этадилар. Сценарий яратиш бўйича барча жараёнлар, яъни манбаларни тўплаш, бадиийлаштириш, бадиий безаш, таклифнома ва дастурлар тайёрлаш ва ҳ.к), инсценировка қилиш усуллари ўрганилади. Тайёр бўлган материални саҳнага кўчириш усуллари (режиссураси) устида иш олиб борилади. Тингловчилар майдон томошаларининг ўзига хослиги, драматургияси, композицион тузилиши ҳақидаги маълумотларга эга бўладилар, ташкиллаштириш қонуниятларини ўрганадилар.

КҮЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-күчма машғулот: Маданий-оммавий тадбирлар – инсонлар бўш вақтини мазмунли ўтказишга қаратилган фаолият.

Маданий-оммавий тадбирлар – инсонлар бўш вақтини мазмунли ўтказишга қаратилган фаолият. Маданий-оммавий тадбирлар - тарбия воситаси сифатида. Маданий-оммавий тадбирларда педагогик жараёнлар. Маданий-оммавий тадбирларда педагогик жараёнлар. Тошкент театрлари, маданият марказлари ҳамда олий таълим муассасаларида ўтказилиши тавсия этилади. Бунда тингловчилар ташриф буюрган муассаса, у ерларда мавжуд ҳаваскорлик жамоалари фаолияти билан танишадилар, ўтказилган тадбирлар тахлил қилинади, ҳамкорликда ижодий жараёнларда иштирок этадилар.

2-күчма машғулот: Маданий-оммавий тадбирлар - тарбия воситаси сифатида. Маданий-оммавий тадбирларда педагогик жараёнлар. Маданий-оммавий тадбирларда педагогик жараёнлар.

Маданий-оммавий тадбирлар - тарбия воситаси сифатида. Маданий-оммавий тадбирларда педагогик жараёнлар. Маданий-оммавий тадбирларда педагогик жараёнлар. Тошкент театрлари, маданият марказлари ҳамда олий таълим муассасаларида ўтказилиши тавсия этилади. Бунда тингловчилар ташриф буюрган муассаса, у ерларда мавжуд ҳаваскорлик жамоалари фаолияти билан танишадилар, ўтказилган тадбирлар тахлил қилинади, ҳамкорликда ижодий жараёнларда иштирок этадилар.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш), кўчма машғулотлар;
- давра суҳбатлари (муаммо ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

ІІ. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Ақлий хужум (брейнсторминг – миялар бўрони) – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Методнинг мақсади: ақлий хужум вақтида тингловчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қиласи) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

Ақлий хужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникумаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.


Тўғридан-тўғри жамоали ақлий хужум – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гурӯҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

Оммавий ақлий хужум – микро гурӯҳларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

Ҳар бир гурӯх ичидаги умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

Намуна: Гурӯхга муаммоли вазият берилади, мисол учун оркестрни ташкил этувчи колективдаги психологик вазият ёмонлашиб, конфликт чиқадиган даражага етиб келган. Муаммони ҳал қилиш бўйича жамоали ақлий хужум, иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилиши ташкиллаштирилади.

Бу фикрлар танқид қилинмасдан, улар орасидан энг самаралиси, мақбули, яъни вазиятни нормаллашувга олиб келиши мумкин бўлган фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.



«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод

дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибida қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“ФСМУ” методи

F

- фикрингизни баён этинг

C

- фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг

M

- кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг

U

- фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

“Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизимини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш қўнимларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу ёки бирор бир картина юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштиради ва гурух аъзоларини ўз фикрлари билан гурухдошларини танишириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гурух баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишини топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гурухлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва тингловчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуийиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гурух баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гурух хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшиллади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гурух хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-МАВЗУ

Мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда маданий-оммавий тадбирларни ташкил этишнинг аҳамияти (2 соат).

РЕЖА

1.1. Мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда маданий-оммавий тадбирларни ташкил этишнинг аҳамияти.

1.2. Мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар таснифи.

1.3. Республикаизда ўтказилаётган маданий- маърифий тадбирлар таҳлили.

Таянч иборалари ва сўзлар: Маданият, санъат, маданий тадбирлар, ижтимоий – иқтисодий ислоҳатлар, маданият марказлари, оммавий томошолар, байрамлар, театр ва кино санъати, режиссёрлик, актёрлик фаолиятлари, сценарие, режа.

1.1. *Мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда маданий-оммавий тадбирларни ташкил этишнинг аҳамияти.*

Мамлакатимизда инсонларнинг маънавий камолоти масалаларига давлат даражасида эътибор қаратилиши – жамият тараққиётининг асосий мезонларидан бири сифатида намоён бўлганлигида ўз аксини топмоқда. Юртимизда мустақиллик шамоллари эса бошлаган даврдан бошлабоқ, олиб борилаётган барча иқтисодий, сиёсий жараёнларнинг асосида ҳам маънавий-маърифий, аҳлоқий ва тарбиявий ишларнинг ҳамоҳанглигини кузатиш мумкин. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, маданият ва санъатга алоқадор бўлган соҳаларда юрт тинчлиги, Ватан равнақи, комил инсон каби тушунчалар талқини муҳим ижодий ва ташкилий жараёнларни қамраб оладики, унда маданият ходимлари, санъат соҳаси вакиллари зиммасига катта маъсулият юкланди. Аҳолини маънавий камол топтириш, маданий билимларини ошириш, уларни пок ва ҳалол яшашга чақириш, мустаҳкам эътиқодга эга бўлиш, ўзи яшаб турган замин учун фидойи бўлиш каби хусусиятларни шакллантиришда маданий тадбирлар ташкилотчиларига алоҳида билим, кўникма, маҳорат ва меҳнат талаб қилинади.

Маданий тадбирларни мураккаб ижтимоий воқелик сифатида қараш мақсадга мувоғиқдир. Ижтимоий воқелик сифатида маданий тадбирларнинг ўзига хослиги шундаки, у инсоният авлодларининг меҳнати ва билимларини

ўзига сингдириб олади, сақлайди, доимий бойитиб боради ва уларни келгуси авлодларга етказиб беради. Шахсга индивидуал таъсир қилиш билан бир қаторда, уларнинг ижтимоийлашувига ҳам ижобий таъсир кўрсата олади. Мана шундай улкан ишларни амалга оширишда маданий тадбирларни ташкил этиш ва бу орқали ёшларни тарбиялаш –ҳозирги куннинг долзарб масалалариданdir.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган давлатимиз сиёсатида ҳам маънавий-маърифий фаолиятга алоҳида ўрин ажратилганлиги қувончли ҳолдир.

Давлатимиз раҳбари қайси вилоят, туман ва шаҳарларга боришларидан қатъи назар, биринчи галда албатта маданият ва санъат муассасаларига ташрифини кузатиш мумкин.

Инсон тарбиясида, уларнинг бўш вактларини мазмунли ўтказиш, уларга маънавий билим бериш, ахборотлар доираси, дунёқарашларини кенгайтириш, маънавий ва эстетик эҳтиёжларини қондиришда маданий тадбирларни ташкил этишга эҳтиёж сезилади. Бунинг учун маданият ва санъат соҳаси ходимлари, тадбир ташкилотчиларидан тадбирларни ташкил этишнинг назарий ва амалий жиҳатларини пухта билиши талаб этилади.

Мазкур фан тингловчиларга маданий-оммавий тадбирларни ташкил этишнинг назарий ҳамда амалий жиҳатларини ўргатиш билан бир қаторда, уларга ҳар хил мавзудаги тадбирлар учун сценарий ёза олиш, саҳналаштириш қонуниятларини ва тадбирларни мақсадли ташкил эта олиш қобилиятини шакллантириб, ижод сари йўллайди. Бунинг учун тингловчиларда тадбирлар драматургиясини яратиш тамойилларини ўрганиш, яъни сценарий ёзиш, уни саҳналаштиришни билиши, режиссура соҳасини ўзлаштиришни асосий мақсад қилиб қўймоқ мақсадга мувофиқдир. Чунки, маданий-оммавий тадбирларда шахс ўз инсоний фазилатларини шакллантира бошлайди, яширин, бетакрор, индивидуал хусусиятлари, қобилиятларини кашф этади, уларни ўстиради ва ривожлантириб боради, жамият, ҳаёт билан мулоқотга киришади. Ундан ташқари, маданий тадбирлар миллий қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар асосида вужудга келган бўлиб, ҳар бир одамни меҳр-шавқатли, меҳр-оқибатли бўлишига даъват этади, ер юзида барқарорлик, бирдамлик ва ахиллик табиатини уйғотади, халқларнинг маданиятларини ўзаро бирлаштиради, бойитади, инсонларнинг миллати, тили ва динидан қатъий назар, халқларни бир-бирига яқинлаштиради. Бир сўз билан айтганда, шахснинг маънавий юксалиши унинг ижтимоий фаоллигини оширади ва жамият тараққиётини тезлаштиради.

“Инсонлар онгода маънавий-маърифий, аҳлоқий, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган тушунчаларини кенгайтириш, жамиятнинг фаол аъзосига айланиш,

Ватанин севиши, тинчлик, мустақилликнинг қадрига етиш каби қадриятлар - маданий -оммавий тадбирларни ташкил этиш орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Дарҳақиқат, “маънавиятни юксалтириш шу куннинг долзарб вазифаларидан бири. Келажак пойдевори бўлмиш ёшлар қалби ва онгига бой маънавий меросни сингдириш асосида баркамол авлодни шакллантириш эса ундан ҳам долзарброкдир”¹. Чунки Ватанимиз келажаги, халқимиз олдида турган улкан мақсадларга эришиш, аввало ёшларимизга, уларнинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етишишга боғлиқдир”². Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, комил инсон тарбиясидаги маънавий-маърифий, ахлоқий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигига эришишда мазкур модуль катта ёрдам бериши мумкин.

Республикамиизда фаолият юритаётган барча ташкилотларда у ёки бу шаклларда маданий-оммавий тадбирлар ўтказилади. Маданий-оммавий тадбирлар фақатгина маданият ва санъат масканларида эмас, балки бир неча йиллардан буён фаолият кўрсатаётган моддий ёки номоддий ишлаб чиқаришда, турли корхона, завод ва фабрика, маҳаллалар, бир сўз билан айтганда, инсонлар меҳнат қилаётган турли ташкилотларда ҳам ташкил этилади. Тадбирнинг қандай ташкил этганлиги даражасидан қатъи назар, бунда инсонлар уюшқоқлик билан бирлашадилар, ҳамфикр бўладилар, турли санъат намуналаридан баҳраманд бўладилар, бир-бирларини хурмат қилиб, қадрлайдилар, дам оладилар. Тадбирда иштирок этганлар эса эртанги кунига, келажакка ишонадилар, муваффакиятлар сари интиладилар.

Давлатимиз томонидан чиқарилаётган маданият, санъат, таълим, тарбия масалаларига оид қарор, фармон ва бошқа хужжатларни тарғиб қилиш, мазмун-моҳиятини англаш, жамоани эътиборига ҳавола этиш, уларнинг онгига таъсир қилишда кўпроқ маданий-маърифий тадбирларни ўтказишга эҳтиёж сезилади. Баъзи инсонларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан, ҳукуматимиз халқимизнинг яхши яшашлари, давлатдан рози бўлишлари, уларнинг фаровонлиги учун барча шарт-шароитларни яратиб беряётганлигидан бехабар эканлиги ёки ношукурлиги, ҳар бир шу юртда яшаётган фуқароларнинг юртимиз тараққиётига ҳиссаси борлиги, тинчликнинг қадрига етиш, жаннатмакон юртда яшаб, ишлаш, ижод қилиш “роҳат” эканлигини англатиш – тарғибот, тушунтириш ишларини самарали олиб боришни тақозо этади. Бундай ишларни албатта маданий тадбирларни ташкил этиш орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

¹ B.Sayfullayev, V.Rustamov. Madaniy tadbirlarni tashkil etish. Toshkent,2016, 49b

² To‘plam. “Ma’naviyat –jamiat taraqqiyotining bosh mezoni”. T., 2011, 342-bet.

1.2. Мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар таснифи.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда маданий-оммавий тадбирларни ташкиллаштириш –ушбу фаолиятни тез тараққий этишига таъсир кўрстади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ юртимизда маънавиятни юксалтиришга катта эътибор берилиши бежиз эмас. Чунки, иқтисодий ривожлантириш, мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакатни жаҳон сиёсати саҳнасига олиб чиқиш каби вазифаларни маънавиятни юксалтирунган туриб амалга ошириш мумкин эмас. Зеро, баркамол авлодни тарбияси ҳам бундай улуғ мақсадларга эришишнинг асоси ҳисобланади. Ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга нисбатан ҳурмат руҳида ва ахлоқ қоидалари асосида тарбиялаш, ёш авлодда ҳаётга қатъий ишонч ва қарашни, менталитетимизга ёт бўлган заарли таъсир ва оқимларга қарши тура олиш қобилиятини ривожлантириш барча педагоглар ва маданий-маърифий ишлар мутассадиларининг асосий устувор вазифалардан ҳисобланади. Шу жиҳатдан ҳам баркамол авлод тарбиясида маданий тадбирларнинг ташкил этишни мақбул усулларидан фойдаланиш, маданий тадбирларда тарбиявий аҳамиятга эга бўлган манбалар ва усулларни маҳорат билан қўллай олиш, инсонлар онгига таъсир қилиш, бир сўз билан айтганда, комил инсон тарбиясига қаратилган барча жараёнлардан максимал фойдаланиш – ушбу фаннинг мазмунини белгилайди. Тадбирларни ташкил этиш, унинг драматик асоси бўлмиш сценарийсини яратиш, саҳналаштириш, томошабинга татбиқ этиш ва тарбиявий асосларга йўналтириш, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган манбаларни қўллай олиш, одоб, ахлоқ, жамият тараққиёти масалаларига онгли ёндошиш, уларни билимли, илмли қилиш, маънавият билан қуроллантириш, комил инсонни тарбиялашга қаратилган вазифалар- маданий-оммавий тадбирларни маҳорат билан ташкил этилишига асос бўла олади.

“Фуқароларни маънавий камол топтириш, кишиларнинг бўш вақтини сермазмун ўтказиши, маънавий бойитиши, аҳолини маданий, маърифий, ижодий, хордикий фаолиятлари учун шарт-шароитлар, имконият ва қулайликлар яратиш, жойларда халқ маданиятини тараққий эттириш ва ривожлантириш каби мақсад ва вазифаларни ўзида қамраб оладиган маданий-оммавий тадбирларни ташкил этиш масалалари”³ мазкур фанни ўқитишида асосий эътибор қаратиш лозим бўлган вазифалардир.

³ V.Rustamov. Ssenariynavislik mahorati”. Toshkent, 2017,6b

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси”нинг устивор йўналишларида ҳам айнан инсонларнинг манфаатлари учун хизмат қилиш, уларнинг эҳтиёжларини қондириш муҳим стратегик масала сифатида қаратилганлиги бу соҳаларда ҳали қилиниши лозим бўлган ишларнинг кўплигидан далолат бериб туриди. Ундан ташқари “Маданият ва спорт тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисидаги” Қарорда ҳам айнан манашу соҳаларда қилиниши лозим бўлган ишлар ҳақида сўз боради.

Тадбирларни ташкил этиш асосан маданият марказларида ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки, маданият марказлари аслида ҳалқни, маҳаллани бир-бирига жисплаштирувчи маскан сифатида фаолият кўрсатиши лрзим. Айнан шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги “2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 178-сон қарори - маданият ва аҳоли дам олиш марказларини фаолиятини янада яхшилаш, марказларнинг моддий-техник базасини такомиллаштириш, жойларда мақсадли, тарбияга йўналтирилган маданий тадбирларни ташкил этишга қаратилганлиши лозим эди. Аммо, бу хужжатларда белгиланган вазифалар охирига етказилмаганлиги боис, бу хужжат ўз кучини йўқотди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 31 майдаги ПҚ-3022 сонли Қарорида: “Аҳоли, хусусан, ёшларнинг маданий савиясини юксалтириш, уларни миллий ва умумбашарий маданиятнинг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш, шу асосда маънавий етук, баркамол шахсларни тарбиялаш, ёш истеъдод эгаларининг қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқариш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, маданият ва санъат соҳасини бошқаришда эскича усуллар сақланиб қолаётгани, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича комплекс ёндашувнинг этишмаслиги, маданият муассасаларининг фаолиятини ташкил этиш, аҳолига маданий хизмат кўрсатишда оқсоқликка йўл қўйилаётгани, аксарият жойларда маданият ва санъат масканларининг моддий-техника базаси бугунги кун талабларига жавоб бермаслигини қайд этиш зарур. Айниқса, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлашда мавжуд талаб ва эҳтиёжларни ҳисобга олмаслик, уларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш борасида пухта тизим яратилмагани маданият соҳасида ягона давлат

сиёсатини самарали амалга ошириш, бу йўналишдаги устувор вазифаларни тўлиқ бажариш имконини бермаяпти”⁴.

Дарҳақиқат, мазкур хужжатда қайд этилганидек, маданият ва санъат муассасаларининг фаолиятида ўзига хос камчиликларни бартараф этиш – ушбу соҳа бўйича илмий изланишлар, янгича ёндошув, амалий тажрибалар, ишлаб чиқариш билан интеграциялаш, инновациялар қилишни тақозо этади. Мазкур хужжат “мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилишнинг бугунги янги босқичида маданият ва санъатнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ошириш, ёш авлодимизни миллий ва умумисоний қадриятлар, она-юрга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида”⁵ тайёрланган бўлиб, маданият ва санъат соҳаси тараққиётида муҳим рол ўйнайди.

Юқорида қайд этганимиздек, мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасига оид 40 га яқин Қарор хужжатлари ишлаб чиқилган бўлса, уларнинг 30 дан ортиғи сўнгги икки йилга тўғри келади. Демак, бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ушбу соҳа ходимларининг олдида ҳали жуда кенг кўламли ишларни амалга ошириш, соҳа бўйича илмий изланишлар олиб бориш, таълим-тарбия, маданият, санъат соҳасининг инсон тафаккурини яхшилик томонга йўналтиришда ҳали олдинда қилиниши лозим бўлган ишларнинг кўплигидан далолат беради.

Мазкур модуль орқали тингловчиларнинг маданий-оммавий тадбирларни ташкил этиш, ўтказиш, уларнинг бу соҳа бўйича дунёқарашларини кенгайтириш, саҳнавий дидини ўстириш, тафаккурини ривожлантириш, мустақил равишда тадбирларни ташкил эта олиш, саҳналаштириш қобилиятига эга бўлиш, режиссёрлик қобилиятини намоён қилиш, саҳна қонуниятларини билишни назарда тутилади.

Маданий тадбирларни ташкил этишнинг амалий жиҳатлари, унинг тарбия воситаси сифатидаги вазифалари, билимларининг мукаммаллашиб боришида ва унинг кейинги касбий фаолиятида тутган ўрни - ушбу фаннинг нақадар муҳим аҳамиятга эгалигидан далолат беради.

Комил инсон, баркамол авлод тарбиясида маданий-оммавий тадбирларнинг роли бениҳоядир. Маданий тадбирлар ҳақида умумий тушунчалар, уни ташкил этиш, саҳналаштириш ишлари, унга ижодий ёки педагогик нуқтаи назардан ёндошиш, унинг инсон тарбиясида тутган роли ва бошқа масалалар жуда кўп тадқиқотчиларни ўзига тортган. Аммо, бир нарсани

⁴O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Madaniyat va san’at sohasini yanada rivojlantirish va takomillashtirishga doir chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi 2017 yil 31 maydagi PQ-3022 sonli Qaroridan.

⁵O‘sha manba.

Эслатиб ўтиш жоизки, собиқ иттифоқ даврида ёзилган бир қанча манбалардан бошқа бу соҳа, яъни маданий тадбирларга оид бўлган ўзбек тилидаги манбалар жуда кам. Профессор У.Қорабоевнинг “Маданий тадбирлар”, “Бадиий оммавий тадбирлар” китобида бу мавзуларга оид маълумотларни топиш мумкин. Маданий тадбирларнинг асл моҳиятини, тадбирларнинг генезиси ҳакидаги маълумотларни Б.Сайфуллаев томонидан яратилган “Томоша санъати тарихи ва назарияси (Т., 2014), М.Умаровнинг “Эстрада ва оммавий томошалар тарихи” (Т., “Янги аср авлоди”, 2009), тадбирлар драматургияси бўйича Х. Мухаммаднинг “Сценарийнавислик асослари” (Т., Фан ва технология, 2008), саҳналаштиришга оид манбаларни эса Б.Сайфуллаев ҳамда Ж. Маматқосимовлар ҳаммуаллифлигида яратилган “Актёрлик маҳорати” (Т. Фан ва технология, 2012) каби қўлланмалардан топиш мумкин. Ундан ташқари, бу мавзуларга оид Б.Сайфуллаев ва В.Рустамовлар ҳаммуаллифлигида яратилган “Маданий тадбирларни ташкил этиш маҳорати”, В.Рустамовнинг “Сценарийнавислик маҳорати” каби манбаларда ҳам бу соҳалар бўйича етарлича манбалар берилган.

Янги педагогик ва инновацион технологияларга таянган ҳолда талабаларда ижодий ва ташкилотчилик дунёқарашини шакллантириш, бойитиши, уларнинг тадбирларни ташкил этиш ва ғоявий йўналтириш бўйича тафаккурини ривожлантириш, тадбирларни ташкил этишни таркибий қисмлари соҳаси бўйича билимлар бериб, тадбирлар драматургиясини яратиш ва саҳналаштириш маҳоратини ўрганишда унинг мазмунини очишга ёрдам бериш мазкур модулнинг мазмунида ўз аксини топади.

Мамлакатимизда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган 5 та ташабbus, янги қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун, Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар Стратегиясида белгиланган вазифаларни амалий ижросини таъминлашда маданий-оммавий тадбирларнинг ҳам роли бениҳоядир.

Қолаверса, ИХ-ХИИ асрлардаги буюк Уйғониш - **биринчи Ренессанснинг** юзага келиши натижасида бутун жаҳон илм-фани тараққиётига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшган, бутун дунё тан олган аллома-бобокалонларимиз, “Ислом маданиятининг олтин асри” ҳисобланган бу даврда бутун дунё ислом оламининг фахри ва ғурурига айланган уломаларимизнинг мерослари, XV асрга келиб Буюк Амир Темур бобмизнинг илм-фан ва маданиятни қўллаб қувватлаши натижасида юзага келган иккинчи уйғониш даври-**Иккинчи Ренессанснинг бошланиши**, бу даврда илм-фан ва маданиятнинг дунё саҳнасига чиқсан буюк тарихчи олимлар, шоирлар, мусаввир, мусиқашунос, созандা каби ўнлаб ижодкорлар фаолияти ҳакидаги маълумотлар ҳам муҳимдир. Бугунги кунда буюк аждодларимизнинг муносиб

авлоди бўлиш, Уйғониш даври - **Учинчи Ренессанс** пойдеворини яратилаётганлиги, бунда шу заминда яшаётган барча инсонларнинг қўшаётган ҳиссаси муҳимдир.

Хозирги кунда Республикаизда мамалактимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий жараёнларга халқимиз эътиборига етказиш, уларни шу фаолиятларда фаол иштирок этишини таъминлаш, айниқса бу ишларда ёшларнинг фаоллигини ошириш, Президентимизнинг Янги Ўзбекистонни барпо этишдаги энг асосий омиллардан бири мактаб эканлиги, ўқитувчиларимизнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, ёшларимизни илм-фанга йўналтириш, унга эришиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилган бир қанча вазифаларни белгилаб берганликлари ҳамда Уйғониш даври-Учинчи Ренессанснинг пойдеворини қуриш умуммиллий ғоя даражасига кўтарилиши ҳақидаги фикрларини тарғиботи айнан турли маданий-оммавий тадбирларни ташкил этиш асносида ўтказилмоқда.

Бунга мисол тариқасида маданий-маърифий тадбир доирасида Давлатимизда ривожланиб бораётган иктисодий ҳудудлар, саноат корхоналари, маданий турмуш тарзи ҳақидаги видеоролик ҳамда шоир Э.Воҳидов қаламига мансуб “Инсон қасидаси” номли шеърининг ўндан ортиқ давлатнинг эл суйган санъаткорлари томонидан ўз миллий тилида куйланган қўшиғи намойиш этилиши ҳам мамлакатимизнинг нуфузини белгилайди.

1.3. Республикаизда ўтказилаётган маданий- маърифий тадбирлар таҳлили.

Маданий-маърифий фаолият назариясини ўзлаштиришда уларнинг моҳияти ва ижтимоий-маданий ҳаётда тутган ўрнини билиш муҳим бўлганидек, маданият ва санъат соҳаси фаолиятини режалаштиришда соҳанинг ишлаш тамойиллари, ўзига хос хусусиятлари ва вазифаларини илмий асосда ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Мустакиллик республикамиз маданий-маърифий муассасалари зиммасига бўш вақт шароитида ижтимоий-маданий фаолиятнинг моҳиятини ифодалайдиган ва унинг йўналиши, мазмуни ҳамда шаклларини белгилайдиган энг умумий қоидаларни – маданий-маърифий фаолият тамойилларини шакллантириш имконини ҳам берди.

Маданий-маърифий фаолиятнинг ўзига хос тамойиллари уларни ташкил қилишда йўл-йўриқлар кўрсатадиган асосий манба ҳисобланиб, улар қўйидагилардан иборатdir:

- ҳаётийлик;
- оммавийлик;

- ихтиёрийлик;
- илмийлик.

Ҳаёт билан, мустақил давлатимизни ривожлантириш амалиёти билан ҳамоҳанглик, бунинг учун кишилар олдида турган вазифаларнинг моҳиятини тушунтириш, уларни мустақилликни мустаҳкамлаш ва келажаги буюк давлат яратишдаги тарихий ролини англаш руҳида тарбиялаш маданий-маърифий фаолиятнинг ҳаётийлигидан дарак беради.

Маданий-маърифий фаолиятнинг ҳаётийлик тамойили аниқлик ва мақсадга йўналтирилганлик хусусиятларини ҳам ўз ичига қамраб олади. Бу шуни англатадики, маданият муассасасидаги ҳар бир тадбир муайян хусусиятга эга бўлиши ва мустақиллик даври талаблари билан боғлик ҳолда аниқ ифодаланган мақсадга эга бўлиши керак. Шунингдек, у ўзининг бутун табиати ва мазмuni билан ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантиришни рағбатлантиради, инсонга ўз қобилияти ва талантини намоён қилиш, ривожлантириш учун кенг имконият беради, инсон ҳаётига ранг-баранглик киритади. Табиат билан мулоқотда бўлишига ёрдамлашади.

Маданий-маърифий фаолиятнинг оммавийлик тамойили бир қатор ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли вазифаларни бажаради, яъни омманинг ижтимоий-маданий ижодиётини ҳамда ижтимоий фаоллигини ривожлантиради, оммавий мулоқотда бўлишни ташкил этади ва шулар асосида жамоатчилик фикрини шакллантиради. Шахсга таъсир этиш нуқтаи назаридан оммавийлик тамойилининг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, ҳар бир киши маданий-маърифий тадбирларда фақат томошабин ёки кузатувчи сифатида эмас, балки рўй бераётган ҳодисаларнинг фаол қатнашчиси, ўз қарашларини исбот қилувчи шахс сифатида иштирок этиши мумкин. Шу билан бирга оммавийлик тамойили инсонга ижтимоий жиҳатдан ўз-ўзини намоён қилиш имконини ҳам яратади.

Маданий-маърифий муассасалар инсонни ихтиёрий асосларда, унга доимий ҳурмат ва ишонч руҳида ижтимоий-ижодий фаолиятга тортади. Маданий-маърифий фаолият ҳамма вақт тўла ихтиёрийлик тамойиллари асосида қурилади. Агар меҳнат жамоаларида инсоннинг фаолияти баъзан соғ моддий сабабларга қўра белгиланса, маданий-маърифий фаолиятда, биринчи навбатда, фаолиятнинг мазмунига қизиқиши асосида намоён бўлади. Бошқача айтганда, маданий-маърифий муассаса жамоаси шахснинг маънавий-ижодий қобилиятини намоён қилиш ва ривожлантириш учун эркинлик беради. Бу тамойилнинг аҳамияти маданий-маърифий муассасага қатнашнинг ихтиёрийлиги, у ёки бу маданий-маърифий уюшмаларда иштирок этишни тан олиш билан чекланиб қолмайди. Ихтиёрийлик маданий-маърифий

муассасалар томонидан таклиф қилинадиган қўплаб фаолият турларидан бирини эркин танлаб олиш имкониятини акс эттиради ва шахснинг бўш вақт шароитида ўз ижтимоий-маданий фаолиятининг мазмунини ўзи томонидан белгилаб олишини ифодалайди.

Хозирги замон маданий-маърифий ишлари кўламининг муттасил ошиб бориши ва мураккаблашуви ундан турли соҳаларнинг ўзаро алоқасини, илмий асосда марказлашган, режали бошқарувни талаб этади. Илмийлик тамойили маданий-маърифий фаолиятнинг қўзга кўринган тамойилларидан бири ҳисобланади. У маданий-маърифий фаолиятда тарбия жараёнининг мақсади, мазмуни, шакли ва услубарини қўллашни, бир-бирига яқин фанлар – педагогика, психология, санъатшунослик, эстетика, иқтисодиёт ва бошқарув назариясининг ютуқларидан фойдаланишни талаб этади.

Илмийлик тамойили бир қатор белгиларда намоён бўлади. Улар орасида объективлик белгисига биринчи ўринни ажратиш мумкин. Маданий-маърифий ишлар тарбиявий таъсир кўрсатиши керак бўлган объектигининг ҳақиқий ҳолати ва бундай таъсир кўрсатишнинг реал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, умуман жамият ва алоҳида шахс ривожланишининг объектив қонуниятларини билиб олиш ва улардан оқилона фойдаланиш асосида курилиши лозим ва шундай бўлиши керак.

Илмийлик воқеалар, фактлар ва уларнинг моҳиятини очишни, ижтимоий ҳаётнинг реал манзарасини ва унинг ривожланиш жараёнларини, ижтимоий тараққиётнинг боришини белгилаб берадиган кучларни аниқлаш имконини беради. Воқеликни қабул қилишнинг тасодифий таъсирларининг олдини олиш ва бизни ўраб турган дунё ҳақида чинакам илмий тасаввурни пайдо қилиш маданий-маърифий фаолиятнинг муҳим вазифаси ҳисобланиб, илмийлик тамойили шахс дунёқарашини шаклланишини кучайтиришга катта ҳисса қўшади.

Маданий-маърифий фаолиятнинг тамойиллари бир-биридан алоҳида ҳолда мавжуд булмайди, улар яхлит тизимни ташкил этади ва уларнинг ҳар бири бўш вақт шароитида омманинг ижтимоий-маданий фаолиятида ягона жараённинг ажралмас қисмини ифодалайди. Маданий-маърифий фаолиятнинг тамойиллари ижтимоий-маданий фаолиятнинг мавжуд қонуниятларини акс эттиради ва барчаси биргаликда маданий-маърифий ишларнинг характеристи, мазмуни ва шаклларини белгилайди. Бу тамойиллардан бирининг бўлмаслиги умумий бир бутунликни, яъни режалаштиришнинг бузулишига олиб келади.

Маданий-маърифий фаолият аҳолининг дам олишини ташкил қилиш, оммага ахборот ва билим бериш, оммани ҳаваскорлик ижодиётига жалб қилиш каби вазифаларни ҳам бажаради.

Демак, маданий-оммавий тадбирларни тайёрлашда маданий-маърифий фаолиятнинг ўзига хос ташкилий хусусиятларига мурожаат этиш муҳим ўрин тутади. Чунки ҳар хил маданий-маърифий фаолият шаклини ташкил қилишда бу вазифалардан бирдек фойдаланилмайди. Баъзи шаклларда қўпроқ ахборот берилади, баъзилари, асосан, дам олиш учун хизмат қиласди, бошқалари қўпроқ маданий-ижодий жараёнга қатнаштиришга ёрдам беради.

Маданий-маърифий фаолиятни ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятини билиш шу соҳага оид билимларни конкретлаштиради, уларни эгаллашга аниқлик киритади тадбирлар моҳияти ва хусусиятини тўларок ёритиб беришга ёрдам беради.

Маданий-маърифий фаолиятдаги тадбирларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири у бир марта ташкил қилиниб, асосан, бир марта намойиш қилинади. Агар спектакллар, кинофильмлар тайёрланганидан сўнг юзлаб марта намойиш қилинса, маданий-маърифий муассасалардаги тадбирлар, асосан, такроран қўйилмайди. Маданий-маърифий фаолият тадбирларининг деярли ҳаммаси худди шу хусусиятга эга. Фақат бадиий тарғибот-ташвиқот жамоалари, баъзи мавзули концерт дастурлари бир марта тайёрланиб, ҳар хил жойларда бир неча марта намойиш этилиши мумкин. Улар маълум вақт мобайнида (масалан, маълум мавсумда, иш жараёнида, яъни пахта, ғалла йиғим-теримида) бир неча марта намойиш қилиниши мумкин. Лекин маълум муддатдан сўнг, албатта бошқа янги дастур тузишга тайёргарлик қўрилади.

Агар театрда қўйилган пьесани яна бир неча йилдан кейин қайтадан саҳналаштириш мумкин бўлса, маданий-маърифий муассаса тадбирларида бу ҳолат такрорланмайди. Бирор тадбир сценарийси схемасини иккинчисига қўллаш мумкин эмас. Ҳар қандай янги сценарий янги тузилишни, янги меҳнатни талаб қиласди.

Маданий-маърифий фаолиятнинг яна бир хусусияти улар, асосан, маҳаллий аҳоли учун, уларнинг реал ҳаётидан олинган материаллар асосида тузилади. Тадбирларнинг бош қаҳрамони сифатида муайян жойда меҳнат қилиб, маҳаллий аҳоли орасида намуна бўлаётган кишилар намоён бўлади. Масалан, «Хотира ва қадрлаш куни»га бағишланган байрамни олайлик. Бунда маҳаллий жойда яшайдиган уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийларининг кўрсатган жасоратларига асосий урғу берилиши керак. Уруш қаҳрамонларининг ўз сўзларини эшлиши тадбирни жонлантиради ва таъсирчанлигини оширади.

Маданий-маърифий фаолиятнинг навбатдаги хусусияти шундан иборатки, уларда жуда кенг кўламда таъсирчан воситалар бирлаштирилади. Тадбирлар реал ҳаётнинг ўзини ташкил қилиши билан бирга, ундаги муҳим

воқеаларни ўз мазмунига сингдиради. Уларнинг моҳиятини очиш ва аҳамиятини ёритиш учун таъсирчан воситаларга мурожаат қилинади. Тадбирда мазмун маълум бир композицион тузилиш ҳолатига келиши учун ундаги барча баён қилиш ва таъсирчан воситалар ҳам бир-бирлари билан бирлаштирилади, уйғунлаштирилади. Акс ҳолда тадбирнинг мазмuni пуч, шакли эса самарасиз бўлиб қолиши мумкин.

Маданий-маърифий муасассаларда уюштириладиган тадбирларни оммавий деб аташнинг боиси шундаки, у омма учун уюштирилади ва омманинг иштирокида ўтади. Агар театр, кино ҳамда телевизорда асар қатнашчилари ва томошабинлар ўртасида кўринмас «девор» мавжуд бўлиб, омма факат томошабин ролини бажарадиган бўлса, маданий-маърифий муассаса тадбирларида эса омманинг актив иштироки кўзда тутилади. Албатта, тадбирларда ҳаммани бирдай фаол қатнаштириш қийин. Унинг асосий қатнашчилари олдиндан белгилаб қўйилган бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг аъзолари ҳамда сўзга чиқадиган кишилардир. Лекин тадбир ташкилотчиси бу асосий қатнашчилар билан кифояланиб қолмасдан, балки оммани ҳам фаоллаштириш, тадбир иштирокчисига айлантириш йўлларидан фойдаланмоғи лозим. Бунинг учун тадбир иштирокчилари ўртасида оммавий ўйинлар, қўшиқлар, савол-жавоблар каби маҳсус тадбирлар уюштириш мақсадга мувоғик. Юқорида қайд этилган фикрлардан кўриниб турибдики, маданият ва санъат соҳаси фаолиятини режалаштириш ва ташкил этишда соҳанинг ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

Назорат топшириயлари

1. Таълим ва тарбия жараёнида тадбирлар ролини кўрсатинг.
2. Ижтимоий – иқтисодий ислоҳатларда маданий тадбирларнинг ўрни ҳақида сўзлаб беринг.
3. Маросим тадбирлари нима?

2-МАВЗУ: Илғор хорижий давлатларнинг турдош олий таълим муассасаларида амалга оширилаётган маданий – оммавий тадбирларни ташкиллаштиришнинг замонавий назарияси ва амалиётини таълим тизимига тадбиқ этиш (2 соат).

Режа

2.1. Маданий – оммавий тадбирларни ташкиллаштиришнинг замонавий назарияси ва хорижий тажрибалар.

2.2. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг маданият концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги Қарори, маданият, санъат, маънавият соҳаларига оид Қарор, фармон ва бошқа меъёрий хужжатлари.

Таянч сўз ва иборалар: Маданий – оммавий тадбирлар, сценарий, хорижий тажрибалар, санъат ва маданият, замонавий назария, маданият марказлари, театр ва кино санъати.

2.1. Маданий- оммавий тадбирларнинг ташкил этишини хорижий тажрибалари.

Маданий тадбирларни ташкил этиш бўйича хорижий тажрибалар ҳақида сўз борганда, Ўзбекистонда олиб борилаётган маънавий-маърифий тадбирлар давлат даражасида ташкил этилаётганлиги ҳақида юқорида қайд этиб ўтган эдик. Қиёслаш нуқтаи назардан оладиган бўлсак, Ўзбекистон шароитида олиб борилаётган ва ўтказилаётган тадбирларнинг асосий мақсади, тарбия, маънавият ривожига, давлатимиз тараққиётига ҳисса қўшишга қаратилганлигидир.

Ушбу мавзу доирасида манбалар танлаш, маъруза тайёрлаш жараёнида қўйида номлари келтирилган манбалардан фойдаланишда шу нарсага амин бўлдикки, жуда кўп шу соҳага оид адабиётларда **хорижий тажрибаларини ўрганиш масалалари**га катта эътибор берилганлиги эътиборимизни қаратди.

Ҳаттоки, алоҳида олинган мамлакатларнинг маданий соҳаларини таҳлил қилиш бўйича ҳам адабиётлар мавжуд экан. Масалан, “Канадская культура в глобальном мире”(Культура в современном мире: опыт, проблемы, решения: Науч.-инф. сб. Вип.5.-М.,2002), Далла Бернардинанинг “Отдых молодежи и проведение летних праздников в Великобритании, Франции и Италии” (Ла натуре сауваге эт сес сонсомматеурс: Ле Гаме Фаир // Этхнологиэ франсаисе. 2001) каби адабиётлар шулар жумласидандир.

Ҳақиқатдан ҳам жуда кўп манбаларда ривожланган давлатларнинг тажрибасини ўрганиш, улардаги энг мақбул томонларини олиш ва амалда кўллаш масалаларига жуда катта эътибор берилганлиги Ўзбекистондаги хар бир соҳани ўқитишга жиддий ёндошиш кераклигини англашмоқда.

Хорижда маданий тадбирларни ташкил этишда 2 та асосий тушунча кўлланилади. Биринчиси, “хордиқ” (досуг) ва иккинчиси “рекреация” тушунчалариdir. Бунга учинчи фикрни ҳам боғлаш мумкин, яъни даромад топиш.

Кўп холатларда бу иккита тушунча бир хил маънода ишлатилади. Аслида, хордиқий жараёнлар кўпроқ тижорат –кўнгилочар мақсадларга, умумий маънода олиб қараладиган бўлса, “чет элларда маданий тадбирларни асосан хордиқий-рекреацион мақсадларга қаратилганлиги, “рекреация” эса тижорат мақсадида эмас, балки ижтимоий характерга эга эканлиги билан ажralиб туради”⁶.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкин:

Биринчидан, хориж тажрибасини ўрганиш учун аввало чет тилини ўрганиш;

Иккинчидан, шу соҳа бўйича аниқ маълумотларга эга бўлиш ва уни таққослай олиш қобилиятига эга бўлиш;

Учинчидан, юксак салоҳиятга, катта тажрибага эга бўлган, тан олинган давлатларнинг мактабларни танлай олиш;

Тўртинчидан, хориж тажрибасини зўрма-зўраки тиқишириш эмас, унинг афзалликларини исботлаган ҳолда, қўллаш учун асослаш асносида ёндошиш мақсадга мувофиқдир.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёвнинг 2020 ийл 16 апрелдаги ПҚ-4680-сон “Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарорида “нуфузли хорижий олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда салмоқли илмий нашрлар эълон қилиш, «устоз-шогирд» анъаналари асосида иқтидорли талабалар, магистрантлар, докторантлар ёки ёш профессор-ўқитувчилар билан ҳаммуаллифликда юқори импакт-факторли халқаро журналларда илмий мақолалар чоп этиш, профессор-ўқитувчиларни рағбатлантириш тизимини жорий этиш каби масалаларнинг кўриб чиқилиши шу соҳа тараққиётида муҳим рол ўйнади.

Шиддат билан ривожланиб бораётган даврда мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар қўлами кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг сайи-ҳаракатлари, ташабbusлари билан юртимиз ҳаётида мисли кўрилмаган даражадаги тараққиётнинг поғоналарини кўриб гувоҳи бўлиб турибмиз. Инсонларнинг тинч-ҳотиржам яшashi, уларнинг манфаатларини

⁶ Е.Г.Доронкина. «Организация досуга за рубежом». Культурно-досуговая деятельность; Учебник / Под ред. А.Д. Жаркова и В.М.Чижикова. - М: МГУК, 1998. -С.430-454)

ҳимоя қилиш, юртимизни жаҳон аренасига чиқариш, обрўйини кўтариш, Президентимизнинг таъбирлари билан айтганда, “халқни рози қилиш” йўлида қилинаётган барча ишлар, ислоҳотлар жамиятимиз тараққиётида муҳим стратегик масала сифатида қаралмоқда. Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар Стратегиясида белгиланган бешта устивор йўналишлари мазмунида ҳам шу юртда яшаётган халқимизнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш, уларнинг фаровон турмуш тарзини яхшилаш, юртимизнинг жаҳон ҳамжамияти олдида нуфузи, обрўйини ошириш ва бошқа масалалар турибди.

Бундай улуг ишларни амалга оширишда олий таълим тизимида маънавий-маърифий фаолият муҳим ўрин тутади.

Хўш, шундай экан, маънавий-маърифий фаолият деганда нимани тушунамиз?

Маънавий-маърифий фаолият – бу инсонларнинг маънавий, маърифий, ахлоқий қарашларига оид тушунчаларни қамраб оладиган жараёнлардан ҳисобланиб, аниқ режа асосида ўтказиладиган тадбирлар асносида амалга ошириладиган ишлар мажмуасидир.

Хориж мамлакатларида амалга ошириладиган маънавий-маърифий ишлар соҳасини қиёслайдигвн бўлсак, Ўзбекистонда маънавий-маърифий ишларга жуда катта стратегик масала сифатида қаралиб келинмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг деярли кўпчилиги Республикаизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг орзу-истакларига монанд таълим тарбиянинг ҳам назарий, ҳам амалий муаммоларини миллий қадриятлар асосида тўғри ҳал этишга қаратилган, десак муболага бўлмайди. Баркамол авлод, комил инсон, ёш авлод тарбияси каби вазифалар айнан маънавий-маърифий фаолиятни ташкил этиш орқали амалга ошириладиган жараёнлардир. Бу жараёнларнинг барчасининг марказида “ИНСОН”нинг туриши, бу фаолиятни янада фаоллаштириш, жадаллаштириш ва эътиборни кучайтиришни тақозо этади. Айниқса, ёшлар тарбиясида бу фаолиятнинг муҳимлигини унутмаслигимиз лозим. Зеро, юртбошимиз айтиб ўтганлариdek, “баркамол авлодни шакллантириш, ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларни олиб борилаётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш⁷ каби масалалар маънавий-маърифий соҳа ходимлари олдидаги катта маъсулият юклайди. Хориж, айниқса Гарбда бу фаолиятга кўнгил очиш, бўш вақтлардан унумли фойдаланиш, катта

⁷O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Yoshlarni ma’naviy-axloqiy va jismoniy barkamol etib tarbiyalash, ularga ta’lim-tarbiya berish tizimini sifat jihatidan yangi bosqichga ko’tarish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 14.08.2018 yildagi PQ-3907-sonli Qaroridan

даромадга эга бўлиш, каби мақсадларни олдига қўйган ҳолатларда намоён бўлади.

Ёш авлодни тарбиялаш, уларнинг шахсини ҳар томонлама камол топтириш, жамиятнинг фаол аъзосига айлантириш барча таълим муассасалари ходимлари, профессор-ўқитувчиларининг, тарбиячиларнинг зиммасига юклатилган. Олий таълим тизимида талаба ёшлар ўртасида олиб бориладиган фойдаланиш, уларни қизиқтирган муаммо, таклифлар, лойиҳалар устида ишлашларида тўғри йўлланмалар бериш муҳимдир.

Маънавият бевосита маърифат тушунчаси билан узвий боғлиқдир. Чунки, билиш орқали жуда қўп муаммоларни бартараф қилиш мумкин. Манбаларда “марифат” тушунчаси билиш, билим, маълумот, таниш, танишиш маноларини билдиради, деб берилган. Дарҳақиқат, унинг маноси билимдир. Атама сифатида эса у таъбиат, жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги турлитуман билимлар, маълумотлар мажмуасини билдиради. Маърифат дегани билимли, муайян соҳада маълумоти бор, дегани бўлиб, инсонпарварлик маънавияти заминидагина ўз моҳиятига эга бўлади. Кишиларнинг билимини, маданияти оширишга қаратилган таълим –тарбияга ҳам маърифат деб ҳам қаралади. Бу сўз илм-у урфон маъноларида ҳам ишлатилади.

Маърифат тушунчаси кенгроқ маънода қўлланилиб, билим ва маънавиятни ёйиш ва юксалтиришнинг ҳамма турлари ва соҳаларини ўзида мужассам қилган.

Бу икки сермазмун тушунчаларнинг бирга қўлланиши эса бу таълимтарбия масалаларининг барча жиҳатларини, одоб, аҳлоқ, тарбия, ўқиш, билим олиш, ўрганиш, мутолаа қилиш, илмли бўлиш, жамиятга нафи тегадиган инсон бўлиш ва ҳ.к. каби қарашлар, фикрларни ўзида қамраб олади.

Шу боис ҳам, Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий соҳалар қаторида маънавий-маърифий ишларга ҳам алоҳида ўрин берилган. Нафақат таълим муассасаларида, балки, мамлакатда фаолият юритаётган барча ташкилот ва муассассаларда маънавий-маърифий ишлар бўйича мутассадилар ўз фаолиятларини бажариб келмоқдалар.

Хориж тажрибаларининг афзал томонларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Давлатимиз раҳбарининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сонли қарорида “ёшларда соғлом дунёқараш, жумладан, китобхонлик кўнижмасини шакллантириш, интернет, ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш маданиятини ошириш, уларда ғоявий ва ахборот

хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш⁸ масалаларига алоҳида эътибор бериб, бу боради қилишимиз лозим бўлган ишлар ҳақида йўл-йўриқлар, кўрсатмалар бериб ўтдилар.

Мазкур хужжатнинг мантиқий давоми сифатида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга қўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 14.08.2018 йилдагит ПҚ-3907-сонли Қарори ҳам айнан ушбу фаолиятни тараққий эттиришга катта туртки бўлди. Мазкур Қарорда ушбу фаолиятни сифат босқичига қўтариш борасида жуда кенг таҳлилий маълумотлар, топшириқ ва вазифалар белгиланган. Бунда ёшларни мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш, “Ватанга содиклик ва унинг тақдири учун дахлдорлик ҳиссини сингдиришга, уларда ёт фоя ва қарашларнинг салбий таъсирига нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантириш⁹, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ўқитувчи ва мураббийларнинг ижтимоий мавқеини ошириш каби муҳим масалалар кўриб чиқилган бўлиб, уни амалга ошириш механизmlари кўрсатиб берилган.

Маънавий-маърифий ишларни шундай ташкил этиш керакки, талабалар ўзлари қизиқиб, ўзларининг ташаббуслари билан, ҳоҳлаб тадбирларга кирсиллар. Талабаларнинг тадбирларга қатнашишни ҳоҳламасликларини қуидаги сабабларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

- 1.Берилаётган маълумотларнинг янги эмаслиги;
- 2.Аксарият тадбирлар мазмуни, ундаги иштирокчиларини бир хилликлари;
3. Тадбирлар сценарийсининг мукаммал эмаслиги;
- 4.Маънавий-маърифий ишлар ташкилотчиларида бадиий дид, сахна маданияти ҳамда сахна қонун-қоидаларини билмасликлари, ташкилотчилик қобилиятининг йўқлиги;
- 5.Тадбирда ташкилий ва ижодий ишлар уйғунлиги йўқлиги;
- 6.Қизиқарли мавзулар танланмаганликлари;
- 7.Маърузачининг (агар давра сухбати бўлса) аудиторияни бошқара олмаслиги;
- 8.Тадбирларга керакли контингентларни жалб қилинмаганликлари;

⁸ “Ma’naviy-ma’rifiy ishlar samaradorligini oshirish va sohani rivojlantirishni yangi bosqichga ko’tarish to ‘g‘risida”gi 2017 yil 28 iyuldagli PQ-3160-sonli qaroridan.

⁹O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Yoshlarni ma’naviy-axloqiy va jismoniy barkamol etib tarbiyalash, ularga ta’lim-tarbiya berish tizimini sifat jihatidан yangi bosqichga ko’tarish chora-tadbirlari to ‘g‘risida”gi 14.08.2018 yildagi PQ-3907-sonli Qaroridan

9. Тадбир ўтадиган пайтни (вақтни) нотўғри белгилаганликлари ва шунга ўхшаш бир қанча муаммолар мавжудлиги маънавий-маърифий ишларимиз самарадорлигига эришишга ҳалақит беради.

Режалаштирилган ва ўтказилиши керак бўлган маънавий-маърифий ишларнинг асосий вазифаси – миллий ва дунё маданиятларининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш, ўсиб келаётган ёш авлодни, замонавий ёшларни маънавий тарбиялаш, миллатига, тарихига, инсониятга бўлган хурматни уйғотиш ва сақлаш ҳисобланади. Зотан, ҳалқларнинг ўзига хослиги ва бетакрорлигини сақлаш, тарихан шаклланган қадимий миллий маданиятлар, санъат ва ҳалқ ижодиёти, юз йиллар давомида таркиб топган миллий анъана ва урф-одатларнинг ўзаро яқинлашуви ва бирбирини бойитиши учун, дунёда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат мухитини қарор топтириш учун маънавий-маърифий ишларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, маънавий-маърифий фаолиятда талаба ўз инсоний фазилатларини шакллантира бошлайди, яширин, бетакрор, индивидуал ҳусусиятлари, қобилиятларини қашф этади, уларни ўстиради ва ривожлантириб боради, жамият, ҳаёт билан мулоқотга киришади. Мураккаб ижтимоий воқелик сифатида бу тадбирларнинг ўзига хослиги шундаки, у инсоният авлодлариниг меҳнати ва билимларини ўзига сингдириб олади, сақлайди, доимий бойитиб боради ва уларни келгуси авлодларга етказиб беради.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, масалан, Россия Федерациясида амалга ошириладиган жуда кўп маънавий-маърифий (маданий) тадбирлар реакреацион характерга эга, яъни чарчокни чиқаришга қаратилган. Шу боис ҳам маданият ва санъат институтларида “маданий-ҳордиқий фаолият”, яъни (досуговая деятельность” тушунчаси кўпроқ ишлатилади. Шу боис бўлса керак, РФ жуда кўп манбаларда маънавий-маърифий эмас, айнан маданий-ҳордиқий фаолият (культурно-досуговое деятельность) деб берилган. Маданий ҳордиқ – бу - инсонларнинг интеллектуал ва маънавий даражасини оширишга қаратилган фаолият, саёҳатга чиқиш, дам олиш, музей ёки театрга бориш, бўш вақтда дам олиш, боғда сайр этиш, концерт ёки фильм томоша қилиш, ресторонларда, кўнгил очар базмларда қатнашиш ва бошқаларни тушуниш мумкин.

Маданий ҳордиқ – инсонларнинг маданий, маънавий, эстетик эҳтиёжларини қондиришга қаратилган фаолиятдир, десак хато қилмаган бўламиз. Одамнинг ўзига ёқкан ишни қилиши, ўзига маъқул бўлган фаолият билан шуғулланиши ва ўзи ҳоҳлаганча дам олиши ҳам ҳордиқий эҳтиёжларини қондириш тушунчаси билан ҳамоҳангдир. Маданий дам олиш инсоннинг бўш вақтдан оқилона фойдаланган ҳолда кенг дунёқарашга эга

бўлишда маънавий - эстетик жиҳатдан камол топишида, жисмоний соғлом бўлишида муҳим омиллардан ҳисобланади.

Жуда кўп ҳолларда, маънавий-маърифий фаолият ҳақида сўз борганда, уни жуда тор маънода қўллаб келинади. Маданият ва ахоли дам олиш марказлари, маданият ва истироҳат боғларида ёки бирон-бир ташкилотда ўтказилган тадбирларни хронологик маълумот сифатида жуда кўп маротаба эшитамиз. Аниқ фанлар, масалан, математика, физика ёки техникага оид билимлар аниқ ҳисоб-китоб, рақамлар ёки ишлаб чиқарилган буюм (предмет)лар билан белгиланади. Аммо, маънавий-маърифий соҳа инсонларнинг “юраги, қалби, онги” билан ишлайдиган соҳадир, десак ҳато қилмаган бўламиз. Шу жиҳатдан олиб қараладиган бўлсак, ҳукуматимиз талабларидан келиб чиқиб қарайдиган бўлсак, маънавий-маърифий соҳаларга тор эмас, кенг маънода қарашиб мақсадга мувофиқдир. Битта тадбирни ўтказган билан инсон ўзгариб ёки тарбияланиб қолмайди. Бунинг учун тизимли ишларни амалга ошириш зарур.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур йилнинг 14 август куни имзолаган “Ёшларни маънавий-аҳлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №3907-сонли Қарори айнан ушбу масалаларнинг ижросини таъминлашга қаратилган муҳим хужжатлардан бири десак, муболага бўлмайди. Мазкур хужжатда ушбу соҳадаги камчиликлар рўйи-рост кўрсатилиб, унда ёшларда ёт ғоя ва салбий қарашибларга нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар етарли даражада самара бермаётганлиги, давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг бу жараёнлардаги функцияларини суст даражада бажарилаётганликлари, жойларда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга қаратилган шарт-шароитларнинг ҳанузгача яратилмаганликлари, ўқитувчи ва мураббийларнинг ижтимоий мавқеини пасайиб кетганлиги, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизимининг бугунги кун талабига мутлақо жавоб бермаслиги, ёшларнинг олий таълим муассасаларига қамраб олиниш даражасининг пастлиги ва бошқа муаммолар ҳақида батафсил тўхталиб, унинг ечимлари ҳақида аниқ вазифалар белгилаб берилганлиги ушбу соҳа ривожига туртки бўлиши табиий.

Шўролар даврида ҳам маънавий-маърифий ишлар (у даврларда маданий-оқартув ишлари дейилган) деган тушунча қўлланилган. Аммо бу тушунчалар мазмунан бошқа мақсадлар учун хизмат қилганлиги ҳаммамизга аён. Ўрта Осиёning моддий ва маданий бойликлари ўша даврлардаги Шўроларнинг асл мақсади бўлиб, ўзбек халқини саводсиз қилиб, улардан факат меҳнатидан (ишчи, малай сифатида) фойдаланишни мақсад

қилишганлиги манбалардан аён. Билимли, маърифатпарвар, олимларимизни эса бирин-кетин қатағон қилиб, жамиятни “тозалашган”. Бундай тозаланишлар ўзбек халқига жуда қимматга тушган. Бунда айнан маънавий-маърифий ишларимиз ҳам кимларнинг мағкурасига хизмат қилганлиги, кимларни улуғлаганлигига намоён бўлганлигини айтиб ўтиш осон эмас. Тоталитар тузум шароитида инсон маънавияти, руҳий олами, миллий-ахлоқий қадриятлар тўғрисида фикр юритиш мутлақо мумкин эмас эди. Мустақилликдан кейин биз барча миллийлигимизга хос бўлган қадриятларни тиклаш баробарида миллий маънавиятимиз, миллий ўзлигимизни ҳам қайта тиклашга эришдик. Шундай бўлса-да, истиқлолнинг илк йилларида иқтисод пароканда бўлган, халқнинг турмуши бениҳоя оғирлашган бир пайтда инсонларнинг руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мағкуравий, ғоявий, информацион хуружларни ўз мақсадларини амалга оширишга киришди. Турли тарафдан ёт оқимларнинг халқимиз, айниқса ёшлар онгига ва дунёқарашига тажовуз қилиш ҳолатлари рўй берди. Бу, ўз-ўзидан маълумки, юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигига путур этишига, қанчадан-қанча бегуноҳ инсонларнинг ҳаёти издан чиқишига олиб келди.

Мустақиллик шарофати билан бундай номаъкулчиликларга барҳам берилди. Маънавият ва маърифат тушунчаси ҳаётимизга бирламчи масалалардан бири сифатида намоён бўла бошлади. Бугун истиқлолга эришганимиздан буён чорак аср ичида барча ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳалар қаторида маънавий соҳада ҳам улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда десақ, муболага бўлмайди. Айниқса, Президентимиз Ш. Мирзиёев томонидан маънавиятга юксак эътибор қаратилаётганлиги, қайси соҳада бўлишидан қатъий назар маънавиятни, касб маънавиятини биринчи ўринга қўйилаётганлиги эътиборга молик.

Ўзбекистонда таълим соҳаси тараққиётида ҳам хориж тажрибасидан унумли фойдаланиб келаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Замонавий таълимга хос муҳим жиҳатлардан бири – педагог фаолиятининг касб этишига эришиш саналади. Ривожланган хорижий мамлакатларда педагог фаолиятининг инновацион характер касб этишига эришиш масаласи ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб жиддий ўрганила бошлаган. Хусусан, X.Барнет, Ж.Бассет, Д.Гамилтон, Н.Гросс, Р.Карлсон, М. Майлз, А.Хейвлок, Д.Чен, Р.Эдем, Ф.Н. Гоноболин, С.М. Годнин, В.И.Загвязинский, В.А.Кан-Калик, Н.В.Кузмина ҳамда В.А.Сластенин каби тадқиқотчилар томонидан олиб борилган ишларда инновацион фаолият, педагогик фаолиятга инновацион ёндашиш, инновацион ғояларни асослаш ва уларни амалиётга самарали тадбиқ этиш, хорижий мамлакатлар ҳамда республикада яратилган педагогик инновациялардан

хабарор билиш орқали педагог фаолиятида улардан фаол фойдаланиш борасидаги амалий ҳаракатлар мазмунини ёритилган. Маалан, В.А.Сластенин инновацияни янгилик яратиш, кенг ёйиш ва фойдаланишга қаратилган мақсадга мувофиқ, йўналтирилган жараёни мажмуи деб билади. Муаллифнинг фикрига кўра ҳар қандай инновация янги воситалар ёрдамида ижтимоий субъектларнинг эҳтиёжини қондириш ва интилишларини рағбатлантириш мақсадини кўзлайди. Ҳар қандай инновацияда “янги”, “янгилик” тушунчалари муҳим аҳамиятга эга. Турли муносабат ва жараёнларга киритилаётган янгилик мазмунан хусусий, субъектив, маҳаллий ва шартли ғоялар тарзида намоён бўлади. Хусусий янгилик муносабат, объект ёки жараёнга тегишли элементлардан бирини ўзгартириш, янгилашни назарida тутади.

Хорижий мамалакатларнинг таълим тизими амалиётида шахс креативлик сифатларини шакллантириш ёки ривожлантиришга хизмат қиласиган кўплаб метод ва стратегиялар қўлланилади. Ушбу метод ва стратегияларнинг дидактик аҳамияти шундаки, улар талабаларни ўкув материаллари юзасидан чуқур ўйлашга мажбур қиласиди.

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, бугун жамиятимиздаги бирор бир соҳани маънавият ва маърифатдан ажralган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Зоро, жамият тараққиёти ва унинг истиқболини фақат қалби гўзал, руҳан пок ва маънавияти етук инсонларгина бунёд этишга қодир бўлади.

2.2. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг маданият концепциясини тасдиқлаши тўғрисидаги Қарори, маданият, санъат, маънавият соҳаларига оид Қарор, фармон ва бошқа меъёрий ҳуяжсанлари.

Мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан барча соҳада ҳаётга татбиқ этилаётган истиқболли лойиҳалар, жойларда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари халқимизнинг нафақат турмуш тарзини, балки дунёқарашини ҳам тубдан ўзгартирмоқда.

Бундай эзгу жараённи маданият ва санъат ривожига, ижод аҳлига кўрсатилаётган юксак эътибор мисолида ҳам кўриш мумкин. Сўнгти икки йилда мазкур соҳага тааллуқли 20га яқин Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Улар ижроси юзасидан саъй-ҳаракатлар олиб бориляпти. Президентимизнинг жорий йил 28 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ушбу жабҳадаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган муҳим ҳужжат сифатида алоҳида аҳамиятга эга.

Концепция беш бобдан иборат. Унда келгусида амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор устувор вазифалар белгилаб берилган.

Жумладан, маданият соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, тизимдаги муассасалар ҳуқуқий мақомини белгилаш, ижодкорларни ижтимоий ҳимоялашнинг ҳуқуқий базасини, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини яратиш, маданият ҳамда санъат муассасалари моддий-техник имкониятларини кенгайтириш кўзда тутилган. Шунингдек, соҳага ахборот-коммуникация технологияларини тўлиқ татбиқ этиш, халқаро фестиваль ва қўрик-танловларда чинакам истеъдод эгалари иштирокини таъминлаш, соҳага доир хорижий ташкилотлар билан ижодий ҳамкорликни йўлга қўйиш каби қатор чора-тадбирлар белгиланган.

Қарор асосида 2019-2020 йиллар Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида амалга оширилиши режалаштирилаётган чора-тадбирлар дастури, 2019-2022 йилларда янги қуриладиган, реконструкция қилинадиган, капитал таъмирланадиган ва тўлиқ жиҳозланадиган маданият марказларининг манзилли рўйхати ҳам тасдиқланди.

Албатта, буларнинг бари миллий маданиятимизни янада ривожлантириш Концепцияси мамлакатимиз маданий ҳаётида нақадар катта аҳамият касб этишини ифодалаб турибди. Зеро, у соҳада тўпланиб қолган жиддий муаммоларни бартараф этишда ҳам дастуриламал бўлади. Мисол учун, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган 1777 та маданият уйи ва клуб муассасалари негизида 2013 йилда ташкил этилган 894 та маданият ва аҳоли дам олиш марказларига айлантирилди. Бундан ташқари, Концепцияни амалга ошириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар дастурида Маданият вазирлиги ва “Ўзватосаноат” акциядорлик жамияти мутахассислари ҳамкорликда тайёрлаган, маданият марказлари мавжуд бўлмаган чекка ва олис тоғли худудларда истиқомат қилаётган аҳолига маданий хизматлар кўрсатишга мўлжалланган, маҳсус мусиқий ва техник ускуналар билан жиҳозланган ихтисослаштирилган “Автоклуб” транспорт воситаси 2019 йилда Навоий ва Андижон вилоятларига давлат бюджети ҳисобидан олиб берилиши режалаштирилган. Келгусида эса республикамизнинг барча худуди шундай автоклублар билан таъминланади.

Маданий хизматнинг бундай замонавий усули халқимиз маънавий-руҳий эҳтиёжларини тўлақонли қондиришда ўз ижобий натижасини бериши, шубҳасиз. Чунки автоклублар концерт-томуша фаолияти билан чекланиб қолмай, чекка худудлар аҳолисига китоблар, газета-журналлар етказиш,

таниқли ёзувчилар, шоирлар, театр арбоблари, сиёсий шархловчилар билан мулоқотлар, ижодий кечалар ташкил этади. Яна бир масала: шу пайтгача юртимизда мавжуд 894 та собиқ маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг 252 таси наридан-бери таъмирланиб, номигагина фаолият олиб боряпти. Қолган 642 тасида эса таъмирлаш ишлари деярли тўхтаб қолганди. Мусиқий чолғулар, овоз кучайтириш воситалари ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминлаш масалалари ҳам ачинарли ҳолатда. Қарорда ана шу муҳим ва ўта долзарб масалалар ечими ҳам ўз ифодасини топган.

Концепцияга биноан, 2019-2022 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 26 та маданият маркази янгидан қурилади, 45 таси реконструкция қилинади ва 76 таси капитал таъмирланади. Шундай қилиб, уч йил ичида 147 та маданият маркази зарур воситалар билан тўлиқ таъминланган ўз замонавий биносига эга бўлади. Қолганлари ҳам босқичма-босқич янгиланади, таъмирланади ва жиҳозланади. Шу билан бирга, қарорда Маданият вазирлиги томонидан анъанавий равишда “Халқ чолғулари ижрочилари”, Мукаррама Турғунбоева номидаги “Миллий рақс ижрочилари” ва Юнус Ражабий номидаги “Ёш мақом ижрочилари” республика кўриктанловларини ўтказиш, ҳар йили 21-27 март кунлари “Театр томошалари ҳафталиги”ни аҳоли учун бепул ташкил этиш, ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси обьектлари рўйхатидан Буюк Ипак йўлининг мамлакатимиздан ўтган қисмини “Ипак йўли: Зарафшон дарёси воҳаси” ва “Ипак йўли: Фарғона – Сирдарё ҳавзаси” номи ҳамда ўзбек халқининг кўхна ва бетакрор санъати намунаси бўлган Хоразм “Лазги”сини “Хоразм рақси – Лазги” номи остида ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига киритиш каби қатор вазифалар ҳам белгилаб қўйилган.

Юртимизда халқимиз маданиятини юксалтириш, санъатни янада равнақ топтириш борасида яратилаётган бекиёс имкониятларни санаб, адогига етиб бўлмайди. Буларни дилдан ҳис қилиб, теран идрок этишимиз жоиз. Зотан, асрларга татигулик бундай ибратли ишлар билан ҳар қанча ғуурлансак арзийди. Биздан талаб этиладигани эса миллий маданиятимизнинг янада равнақ топиши учун фидокорона меҳнат қилишдир. Чунки миллий маданияти юксак халқ жаҳон ҳамжамиятида мустаҳкам мавқега эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги “Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш, Ўзбекистон халқининг бой ва ўзига хос маданияти, санъати ва ижодини янада ривожлантиришни таъминлаш, аҳолининг кенг қатлами ўртасида маънан ва ахлоқан комил инсон

бўлишга ва соғлом турмуш тарзини юритишга интилишини рағбатлантириш каби эзгу мақсадларга йўналтирилган.

Хусусан, Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги негизида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси ва “Ўзбекрақс” миллий рақс бирлашмаси негизида Маданият вазирлиги ҳузурида «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси ташкил этилди.

Соҳа мутахассисларининг фикрига кўра, мазкур фармон маданият ва спорт соҳасида давлат сиёсати амалга оширилишини янги сифат даражасига кўтариш, жамиятда юқори маънавий ва ахлоқий муҳитни таъминлаш, халқимизнинг жисмоний ва ижодий фаоллигини ошириш, ёш авлодни маънан етук инсон қилиб тарбиялаш, Ўзбекистонимизни санъат ва спорт дунёсида юксак натижаларга эришишга қодир истеъдодли аҳоли яшайдиган ва юқори даражада ривожланган маданиятга эга мамлакат сифатида нуфузини мустаҳкамлаш учун катта имконият яратади.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий тармоқларида вужудга келган қийинчиликларга қарамасдан маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш, ушбу соҳадаги стратегик масалаларни ҳал этиш, айниқса, бошқарув тизимини тўғри йўлга қўйиш ва шу орқали мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, юқори малакали мутахассис кадрларни тайёрлаш, худудларда фаолият кўрсатаётган ижодий бирлашмаларнинг моддий-техник базасинини янада яхшилаш, ижодий ходимларни моддий ва маънавий қўллаб-куватлаш, уларни рағбатлантириш, уй-жой билан таъминлаш, иштимоий ҳимоя қилишга қаратилган фармон ва қарорлар тез муддатларда қабул қилиниб, ижроси таъминланмоқда.

Сўнги уч йил мабойнида соҳага доир 30 га яқин фармон ва қарорлар имзоланиб, миллий маданиятимиз тарихида оламшумул ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг “Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, “Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги, “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузурида Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон ва бастакорлари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг моддий-техник базасини

мустаҳкамлаш тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, “Ўзбекистон давлат филармонияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги каби қарорлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6000-сон Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4730-сонли қарори қабул қилинганлиги маданият ва санъат соҳаси учун дастурул амал бўлиб хизмат қиласиди.

Мазкур муҳим ҳужжатлар вилоят маданият бошқармаси ходимлари ҳамда вилоятдаги барча маданият ва санъат соҳаси вакиллари, ижод ахли томонидан жуда катта таассуротлар билан қарши олинди. Ушбу ҳужжатларда белгиланган вазифалар Маданият ва санъат соҳасининг барча йўналишларини тўлиқ қамраб олган.

Шунингдек 2020 – 2025 йиллар давомида мамлакатимизнинг ҳар бир туман ва шаҳрида Ўлкашунослик музейлари ташкил қилиниши белгиланди.

Мазкур эзгу ишлардан асосий мақсад ҳалқимиз онги ва қалбига маданият ва маънавият киритишdir. Санъатни севган юксак маънавиятли инсон эса буюк ишларни қилишга қодирдир. Ушбу фармон ана шу мақсадларга хизмат қиласиди.

Назорат топшириклари

- 1.** Маданий – оммавий тадбирларга оид илгор хорижий тажрибаларни кўрсатинг.
- 2.** Маънавий – миллий қадриятларни маданий – оммавий тадбирлар билан уйғунлиги ҳақида гапиринг.
- 3.** Маданий – оммавий тадбирларнинг замонавий назарияси ва амалиёти ҳақида сўзланг.

урно-познавательные программы для детей и подростков в парках США.

8. Ричон С., Ломбард М. Ле лухе данс тоус сес этатс / Преф. де Годет. - М.-Парис: Эсономиса, 1999. Качество жизни, отдых и развлечения в европейских странах.

3- мавзу. Педагогик аспект түшүнчеси. Тарбиявий тадбирлар. Тарбиявий жараёнлар (2 соат).

Режа:

- 3.1. Педагогик аспект түшүнчеси
 - 3.2. Тадбирлар турлари, тарбиявий тадбирлар ва тарбиявий жараёнлар.
- Тарбиявий тадбирларни ташкил этиш жараёнлари
- 3.3. Оммавий-маданий тадбирларда педагогик тамойилларнинг кўлланиши.

Таянч сўз ва иборалар

Инновация, тадбир ташкилотчилари, маданий – оммавий тадбирлар, педагогик технологиялар, таълим – тарбия, тарбиявий тадбирлар, томошабин, театр, саҳна кўриниши.

3.1. Педагогик аспект түшүнчеси

Ҳар бир тадбир ўзининг хусусияти жиҳатидан педагогик асосга эга. Чунки педагогика ҳам асосан тарбиявий жараёнларни бошқаради. Инсонларга таъсир қилиш, бола тарбияси, ибрат, маънавий озуқа, билимли – илмли бўлиш, устозларга, катталарга хурмат, кичикларга иззат, меҳр-оқибат ва бошқа барча шу каби түшүнчаларни педагогика соҳасида янада чукур ўрганилади. Маданий тадбирларда эса педагогик маҳоратни қўллаш катта самараларга эришишга йўл олчади. Машхур режиссёrlардан Немирович – Данченко режиссёри учта фазилати, яъни, режиссёр – ойна, режиссёр- педагог, режиссёр – ташкилотчи” эканлиги тўғрисида ёзиб ўтган. Айнан манашу фазилатларни маданий тадбирларни ташкил этиш жараёнларида қўллаш ҳам тадбирнинг салмоғини оширишга хизмат қиласди. Тадбир ташкилотчисининг таълим билан тарбия уйғунлигига эришишда унинг педагогик маҳорати ҳам катта рол ўйнайди. Режиссёрининг педагоглик фаолияти ҳақидаги унинг айтган фикрларидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, режиссёр – тушунтирувчи, у бошқарувчи ҳамда ташкилотчи ҳамдир. Маданият ходими ҳам айнан шу фазилатларни ўзида жо қилиши лозим.

Мазкур фан ўқитиши доирасида шуни ҳисобга олиш зарурки, театрларда профессионал актёрлар, ижодкорлар фаолият юритсалар, жойларда ўтказилган тадбирлар самараси халқ орасидан чиқкан иқтидорларнинг меҳнати натижасида кўринади. Бунинг учун тўғараклар ишини тўғри ташкил этиш, санъатни севадиган, иқтидорларни қўллаш, рафбатлантириш, тўғри йўлланма бериш каби ишлар маданият ва соҳаси вакиллари зиммасига катта

маъсулият юклабгина қўймасдан, уни амалга ошириш йўлида катта меҳнат қилишига тўғри келади. Тадбир ташкилотчиси ташкилотчилик, бошқарувдаги маҳорати, ижодий жараёнлардаги фаоллиги, педагогик қобилияти, муомала маданияти билан бошқалардан ажралиб туриши керак.

Аспект (лот. аспестус – тур) – ҳодиса, тушунча, истиқбол қараб чиқиладиган муайян нуқтаи назар, маънони англатади. А, нуқтаи назар, жиҳат, томон; масалан, масалани турли аспектларда (турли нуқтаи назарлардан, томондан) қараб чиқиш ёки бошқа аспектда; бошқа нуқтаи назардан (жиҳатдан, томондан) қарап каби мазмунларда қўлланилади.

Маданий тадбирларни ташкил этишнинг педагогик аспектлари деганда тадбирни ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари, ташкилотчининг нуқтаи назари назарда тутилиши мумкин.

Тадбир ташкилотчиларининг педагогик фазилатларга эга бўлиши жуда кўп масалаларни ҳал қила олади. Чунки, биринчидан, тўгаракка келган ҳар бир йигит-қиз шу ерда ўзининг ўрнини сезиши керак. Иккинчидан, тўгарак раҳбари ўзининг муомала маданияти, билими билан янги келган иштирокчининг дидига мос келиши керак. Учинчидан, маданият ва санъат соҳаси ходими билан иштирокчи (тўгарак қатнашчиси) ўртасида яхши, жиддий ва дўстона муносабат ўрнатилиши керак. Тўртинчидан, тўгаракка келган иштирокчи ҳар гал келгандা янги маълумотларга эга бўлиши керак. Бешинчиси, тадбир ташкилотчиси, тўгарак раҳбари бу қатнашчиларни ўтказиладиган тадбирнинг фаол иштирокчиларига, ташкилотчиларидан бирига айлантиришга муваффақ бўлишларига эришиш лозим.

Жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми ва ҳаётий зарурати, таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Бугунги кунда мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, янги сифат босқичига кўтариш, унга илфор педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда таълим самарадорлигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Янги қабул қилинаётган “Таълим тўғрисида”ги қонунда ҳам айнан ёш авлодга таълим-тарбия беришга катта эътибор қаратилганлиги фикримизни тасдиқлайди.

Ўқитишининг янги педагогик технологияларга асосланиши тингловчиларда анъанавий усуллардан фарқли ўлароқ, билим беришнинг янгича ёндошуви инглиши англатади. Педагогик технологияларни ривожланиши ва уларнинг ўқув – тарбия жараёнига кириб келиши, шунингдек, ахборот технологияларининг тез алмашинуви ва такомиллашуви - талабада ўз касбий тайёргарлигини, маҳоратини кўчайтириш имкониятларини кенгайтиради.

Таълимнинг барча босқичларига оид умумий педагогик ва дидактик талаб талабанинг дастурий билим, тасаввур ва қўникмалари асосида мустақил ишлаш самарадорлигини такомиллаштириш, илмий фикрлашга, ўкув фанига қизиқишини кучайтириш, касбий билимларини чуқурлаштириш, назарий ва амалий машғулот мобайнида уларнинг фаоллигини оширишдан иборатdir. Жаҳон педагогик тажрибаси, замонавий педагогик технологияларнинг дарс жараёнида қўлланилиши, талабаларни фанларга қизиқтиришга, уларнинг мустақил ишлашда фаолликларини оширишга катта таъсир кўрсатиб келмоқда.

Таълимнинг бугунги вазифаси талабаларни кун сайин ошиб бораётган ахборот – таълим муҳити шароитида мустақил равишда фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимидан оқилона фойдаланишга ўргатишдан иборатdir. Бунинг учун уларга узлуксиз равишда мустақил ишлаш имконияти ва шароитини яратиб бериш зарур.

Тингловчилар томонидан билимларни ўзлаштиришни хозирги кун нуқтаи назардан олиб қараладиган бўлсак, талабларни кучайтириш, мавзу бўйича аудиторияда ҳамда мустақил тайёргарлик кўришга мажбур қиласидан йўлларни излаш ҳар бир педагогнинг олдида турган мухим вазифалариданdir. Анъанавий шаклда ўтилган машғулотдан сўнг талаба оддий ўқитувчи айтиб берган ёки ёздирган мавзуси бўйича тайёрланиб келади. Интернетдан қўшимча манбалар, бошқа тадбирлар билан таққослаш, таҳлил қилиш каби ишларни бажармайди. Унинг тайёргарлик даражаси шу қофозда ёзилган бир-икки бетлик ўқитувчи “ёздирган” мавзу қобиғида қолади. Бугунги кунда эса таълим тизимида -ўқиши ҳамда ўқитиши талаб жуда жиддий қўйилганлиги билан ажралиб туради. Талаба-ёшларнинг билимлилиги жамиятнинг салоҳиятини белгилашга таъсир кўрсатади. Шунинг учн ҳам бугунги кунда таълим борасида янги замонавий педагогик технологиялар, АҚТ, чет тилларини ўзлаштириш, меёрий хужжатлар, инновацион таълим технологиялари билан ишлаш (ёки ўқитиши) бутун дунёда кенг ёйилган. Бу ўқитиши услуби талабани (ўқитувчини ҳам) изланишга, дарсни фаоллаштиришга, фикрлашга ва тафаккурини оширишга, тадбирларни ташкил этиш асосларини яхши ўзлаштириш бўйича билим ва қўникмаларига эга бўлиш, мавзу ва вазифани чуқур ўзлаштиришга ундейди. Айниқса, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўкув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиши, эътибор кундан кунга кўчайиб бормоқда. Бундай бўлишини сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб

топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади.

Тадбирда қўлланилаётган ҳар бир жанр маълум бир ғояни илгари суреб, инсонлар онгига таъсир қилиши лозим. Бунда ғоявий талқин масаласига жиддий эътибор бериш керак бўлади. Чунки, саҳнага чиқиб айтилган ҳар бир сўз томошабинга тўғридан-тўғри таъсир қиласди ва натижада у хулосалар чиқара бошлайди. Бунда танланган асар тарбиявий аҳамияти билан томошабинни ўйлантириши керак. Томошабин эътиборига ҳавола этилаётган воқеликдан у тўғри хулосалар чиқаришини таъминлаш –бу бизнинг зиммамиздаги энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Томошабинда “нима бўпти” деган саволга ўрин қолдирмаслик керак. Ғоявий талқинга нисбатан тўғри ёндошиш, қўйилаётган, саҳналаштирилаётган асарнинг қимматини оширади.

Ҳар қандай соҳада тарбиявий фаолият, тарбиявий-жараён сезилиб туриши лозим. Чунки, тарбияланган ҳар қандай жамоанинг меҳнатлари натижалари самарали бўлади.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида тарбия ҳақида шундай ёзилган:

“Тарбия — шахсда муайян жисмоний, руҳий, ахлоқий, маънавий сифатларни шакллантиришга каратилган амалий педагогик жараён; инсоннинг жамиятда яшashi учун зарур бўлган хусусиятларга эга бўлишини таъминлаш йўлида кўриладиган чор-тадбирлар йигиндиси. Тарбия -инсоннинг инсонлигини таъминлайдиган энг қадимиј ва абадий қадриятдир. Тарбиясиз алоҳида одам ҳам, кишилик жамияти ҳам мавжуд бўла олмайди. Чунки, одам ва жамиятнинг мавжудлигини таъминлайдиган қадриятлар тарбия туфайлигина бир авлоддан бошқасига ўтади.

Тарбия ҳар қандай жамият ва ҳар қандай мамлакат ҳаётида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ёш авлоднинг, умуман, жамият аъзоларининг тарбияси билан етарлича шуғулланмаган мамлакат турғунлик ва инқирозга маҳкумдир. Негаки, ўсиши ва ривожланиши учун ҳар қандай жамиятда ҳам моддий ва маънавий бойликлар ишлаб чиқариш тўхтовсиз равишда юксалиб бориши лозим. Бунинг учун ёш авлод моддий ва маънавий бойликлар етиштиришни аждодлари даражасида, улардан ҳам яхшироқ ишлаб чиқара билишлари керак”.

Демак, бундан хулоса шуки, тарбияга фақатгина шахсга қаратилган, унинг маънавий, ахлоқий, эстетик жиҳатдан етуклиқ даражасинигина эмас, балки уни кенг маънода ижтимоий жамиятнинг муҳим талаби ва асосий мақсади сифатида ҳам қаралишини тақозо этади.

Тарбия жараёни –шахсни шакллантиришга мақсадли йўналтирилган, тарбияловчи ва тарбияланувчилар ҳамкорлиги учун маҳсус ташкил этилган,

бошқариладиган ва назорат қилинадиган, ўзининг пировард мақсади сифатида шахсни шакллантирадиган жараёндир.

Тарбия жараёнининг энг асосий натижаси – ҳар томонлама ва уйғун камол топган юксак маънавиятли шахсни шакллантиришdir.

3.2. Тадбирлар турлари, тарбиявий тадбирлар ва тарбиявий жараёнлар. Тарбиявий тарбирларни ташкил этиши жараёнлари

Ўзбекистон Республикаси хуқукий демократик жамият қуриш йўлидан борар экан, ўз фуқароларининг, айниқса, янги жамият барпо этишга бел боғлаган, ўсиб келаётган авлод ва бўлажак мутахассисларнинг маънавий шаклланишига алохидатармакда.

Баркамол шахс тарбиясини ташкил этиш барча даврларда ҳам ижтимоий жамиятнинг муҳим талаби ва асосий мақсади бўлиб келган. Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши таълим муассасаларининг олдига янги демократик давлатнинг фуқароларини шакллантиришдек муҳим вазифани қўйди. Табиийки, хозирги таълим ислохотлари шароитида ҳам баркамол шахс тарбияси муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу боис, Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да: “Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс- фуқарони такомиллаштиришини назарда тутади” деб таъкидланади.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиснинг IX сессиясида қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Конунларида баён қилинган таълим тизимининг ислохи, шунингдек, Республика Президентининг Олий Мажлис IX сессиясидаги “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” нутқи барча соҳадаги тарбиявий фаолиятни тубдан ўзгартириш, талабалар билан ўтказиладиган тарбиявий ишлар услубиёти, шакл ва мазмунига педагогик технологияларни киритиш ҳамда талаба-ёшларга изчил тарбия беришнинг самарали йўлларини яратишга қаратилган.

Таълим муассасаларининг гурух мураббийлари одатда талабалар билан ўтказиладиган тарбиявий соат, ахборот соатлари, синфдан ташқари тарбиявий ишлар, ота-оналар йиғилишларини ташкил этиш ва ўтказишида анча қийинчиликларга дуч келадилар, бунинг сабаблари хилма-хилдир.

Юқорида санаб ўтилган ишларни ҳамма вақт бир хил тартибда, бир хил кўринишида бўлиши ёки ранг-барангликни бўлмаслиги, уларда ижодийликнинг пастлиги ёки ўзларида зарур ташкилотчилик қобилиятларининг этишмаслиги,

иш услубиётидан етарлича хабардор эмасликларидан далолат бериши мумкин. Ҳар хил тарбиявий ишнинг мақсади кутиладиган натижани бериши, гурух мураббийларидан жуда катта педагогик ва актёрлик махоратини, тарбиявий ишлар услубиётини чуқур билишларини, ўз устларида тинмай меҳнат қилишлари ва бой тажрибага эга бўлишларини талаб этади.

Таълим муассасаларида ўтказиладиган тадбирларга қўйиладиган ўзига хос талаблар мавжуд. Гурух мураббийлари томонидан талабаларнинг дарсдан бўш вақтларини фойдали, қизиқарли ташкил этишлари бўйича фаолиятларини кузата туриб, улар ўтказаётган тарбиявий ишлар, тадбирлар, рақс кечалари, оммавий рақслар, ўйинлар имкони ва унинг хилма-хиллиги чегараланганигини қўриш мумкин. Бундай тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш вақтида баъзи талабалар кўпинча зерикиб қоладилар ва шу сабабли, бекорчи бўлиб қолиб, тадбирлар давомида ўзлари хохлаганларича юрадилар. Бундай холатларда гурух мураббийларининг эскирган тадбирлар, ўйинлар ва рақслардан фойдаланишлари, уларнинг бажаришга қўйилган талаб ва усуулларни билмасликлари, ўз устларида доимий равишда ишламаганликлари, ўзларининг шу соҳадаги билим ва малакалари етарли эмаслиги, шу муносабат билан улар томонидан янги қизиқарли, кувноқ ўйинларни, ижодий ҳаракатларни изламасликлари ҳамда талабаларнинг қизиқишларни ҳисобга олмасликлари сабаб бўлиши мумкин. Талабаларни дарсдан бўш вақтларини ташкил этишга йўналтирилган тадбирларни тайёрлаш ва ўтқазишга қўйиладиган ўзига яраша умумий талаблар мавжуд.

Ҳар қандай тарбиявий тадбир ташкил қилишнинг асосий тамойилларидан бири – катталарнинг раҳбарлиги ва талабаларнинг ижодкорлик, хаваскорлигининг бирлигидир. Тарбиячи ва ташкилотчиларининг тадбирда иштироки турлича бўлиши мумкин. Жумладан, Гурух мураббийси тадбирда шахсан иштирок этмайдилар, ўзлари хеч қандай роль ижро этмасалар-да, тадбирни ташкил этишади ва раҳбарлик қиладилар; тадбирда қатнашмасаларда, ташаббус гурухи ва ташкилотчилар орқали раҳбарлик қиладилар ёки хайъат аъзоси сифатида иштирок этадилар. Ҳар бир тарбиявий тадбир бошланишидан олдин, унинг мақсадини, мазмунини аниқлаб олиш ва машғулот мазмунини аниқлаб олиш зарур ва машғулот мақсадинибарча талабалар билиши мақсадга мувофиқ.

Ташкилотчи – раҳбарнинг вазифаси- вазифаларни, ролларни тўғри тақсимлаши ва унинг тақсимланишини ва унинг алмашинувини кузатишdir. Вазифа ва ролларни тақсимлашда талабаларнинг хусусиятини ҳисобга олиш лозим. Қайсиdir талабага берилган вазифа ёки роль ўз обрўсини мустахкамлашга, ўзини қўрсатишга ёрдам берса, бошқасига тенгдошлари билан яқинлашишга, дўстлашишга ёрдам беради, яна бошқа талабаларни эса,

уюшқоқ бўлишга ўргатади. Тадбир талабалардан аниқ куч ва ғайрат талаб қилади. Агар тадбирнинг боришига, унинг натижасига талабалар осонгина эришсалар, тадбирга қизиқиш йўқолади ва талабалар бундай тадбирларга иштирок этмай қўядилар.

Тадбирларни тез- тез алмаштириш, хилма -хиллаштириб туриш керак ва уларнинг натижаларини талабалар билан мухокама қилиш лозим. Бунда талабаларнинг ўзаро муносабатига алоҳида эътибор берилиши мақсадга мувофиқ.

Юқорида келтирилган тарбиявий тадбирларнинг махорат билан ташкил этилиши, ўтказилиши ва таҳлил қилиниши бўлажак мутахассисларни жамиятнинг содик фуқароси бўлиши билан бир қаторда:

- мустақил фикр юритишига ўз фаолиятини таҳлил қилиш;
- ватанга, ҳар бир нарсани қадрлашга, ўкув даргохига бўлган муносабатини ўрганиш;
- касб келажаги ва унинг жамиятдаги аҳамиятини англаш;
- давлат сиёсати, дунё воқеаларини тўғри тушуниш ва талқин этишга ўрганиш;
- миллий қадриятларимизни чуқур англаш;
- очиқ мулоқотларда ўз фикрини аниқ баён этишни ўрганиш, яъни оғзаки нутқни шакллантириш;
- миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарига эга бўлиш каби сифатларга эга бўлишга ёрдам беради.

Маданий тадбирлар ҳам –тарбия жараёнигининг муҳим бўлакларидан ҳисобланиб, асосий мақсад қилиб, баркамол авлод тарбиясини биринчи навбатга қўйиши лозим. Юқорида қайд этиб ўтганимидек, тарбия – шахсда муайян жисмоний, руҳий, аҳлоқий, маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий педагогик жараёндир ёки бошқача қилиб айтганда инсоннинг жамиятда яшashi учун зарур бўлган хусусиятларга эга бўлишини таъминлаш ўйлидаги чора-тадбирлар йиғиндиси, десак ҳам бўлади.

“Тарбия” атамаси кенг ва тор маъноларда ишлатилади. Кенг маънода тарбия инсон шахсини шакллантиришга, унинг жамият ишлаб чиқариши ва ижтимоий, маданий, маърифий ҳаётида фаол иштироқини таъминлашга қаратилган барча таъсирлар, тадбирлар, ҳаракатлар, интилишлар йиғиндисини англатади. Бундай тушунишда тарбия фақат оила, мактаб, болалар ва ёшлар ташкилотларида олиб бориладиган тарбиявий ишларни, балки бутун ижтимоий тузум, унинг етакчи ғоялари, адабиёт, санъат, кино, радио, телевидение, матбуот ва бошқаларни ҳам ўз ичига олади. Шунингдек, кенг маънодаги тарбия тушунчаси ичига таълим ва маълумот олиш ҳам киради.

Тор маънода тарбия шахснинг жисмоний ривожи, дунёқараши, маънавий-ахлоқий қиёфаси, эстетик диidi ўстирилишга йўналтирилган педагогик фаолиятни англатади. Буни оила ва тарбиявий муассасалар ҳамда жамоат ташкилотлари амалга оширади. Таълим ва маълумот олиш тор маънодаги тарбия ичига кирмайди, бироқ ҳар қандай тарбия таълим билан чамбарчас боғлиқ ҳолдагина мавжуд бўлади. Чунки таълим ва маълумот олиш жараёнида шахснинг фақат билими кўпайибгина қолмай, балки ахлоқий-маънавий сифатлари қарор топиши ҳам тезлашади. Шунинг учун ҳам “Таълимни тарбиядан, тарбияни эса, таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш шарқона ҳаёт фалсафаси”дир.¹⁰ Ана шу оддий талабдан келиб чиқкан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш – таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим”, – деб уқтиради давлат раҳбари Ислом Каримов.

Демак, тарбия - шахсни шакллантиришга мақсадли йўналтирилган, тарбияловчи ва тарбияланувчилар ҳамкорлиги учун маҳсус ташкил этилган, бошқариладиган ва назорат қилинадиган, ўзининг пировард мақсади сифатида шахсни шакллантирадиган жараёндир.

Тарбия жараёнининг энг асосий натижаси – ҳар тамонлама ва уйғун камол топган юксак маънавиятли шахсни шакллантиришdir. Тарбия жараёни – тарбиявий ишлар, тадбирларнинг доимий ҳаракатдаги занжиридан иборат.

Тарбиявий тадбирлар –турли хил моддий ва маънавий эҳтиёжларга жавоб берувчи тарбиявий мақсадларнинг ягона мажмуасига бўйсундирилган, бир-бiri билан ўзаро ҳамкорлик қилувчи, ўзида бир бутун таълимни кўзда тутган тарбиявий таъсир мажмуидир. Таълим жараёни алоҳида дарслардан ташкил топгани каби тарбиявий тадбирлардан тарбия жараёни вужудга келади. Тадбирлар, тарбиявий ишлар – тарбия жараёнининг бир бўлагидир.

Тарбия мавзуси катта, кенг қамровли мавзу. Бу мавзу алоҳида ўрганишга молик. Унинг тарбиявий ишлар, тарбиявий ишларнинг манбалари, тарбиявий ишларни ташкил қилиш услублари, тарбиявий ишларни режалаштириш, уларни ташкил қилишнинг асосий қоидалари, тарбиявий ишларни ташкил этишини бошқариш, педагогик таъсир этиш усувлари, педагогик технологияларни қўллаш ва бошқаларни ўрганиш, чукур билиш, амалда қўллаш жуда муҳимдир.

Турли мавзуда ташкил этиладиган тадбирлар, масалан, “Ичкилик ва гиёҳвандликка қарши кураш”, “Жиноятчиликка қарши кураш”, “Диний экстеримизм” мавзуларига бағишлиланган, гигиэна ёки репродуктив саломатлик

¹⁰ И.Каримов. Юксак маънавият –енгилмас куч. Т., Маънавият., 2008.386.

бўйича давра сухбатлари, ТТЖда ва ижарада яшовчилар билан ишлаш каби мавзу ва режалар маданий тадбирлар ташкилотчиларининг асосий ишларидан ҳисобланиб, ёшлар тарбияси, уларни бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, фидойилик, меҳр-оқибат каби тушунчаларни кенгайтиришга хизмат қилиши лозим.

3.3. Оммавий-маданий тадбирларда педагогик тамоийилларнинг қўлланиши.

Педагогик фаолиятда “технология” атамасининг қўллана бошланганлиги педагогик амалиёт, унинг назарий жиҳатлари ҳамда улар ҳақидаги билдирилаётган мулоҳазалар бир мунча юқори илмий даражага кўтарилимоқда. Педагогик технология – ҳозирги замондаги дидактика ва педагогика тараққиётининг маҳсули. Уни педагогиканинг ҳозиргача мавжуд бўлган ҳамда такомиллашиб келаётган барча асосий йўналишлари бўйича амалий вазифаларни янада юқорироқ даражада амалга ошириш йўлидаги янги босқич деб ҳисоблаш мумкин. Педагогик технология ва педагог маҳоратига оид билим, тажриба, интерфаол методлар талабаларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Педагогик технология – таълим ва тарбия жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш, технологик ёндашув асосида таълим ва тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш муаммоларини, педагогик маҳорат эса – бўлажак ўқитувчиларнинг касбий маҳоратларини ошириш, такомиллаштириш муаммоларини ўрганади. Педагогик маҳорат – таълим-тарбия жараёнига онгли, ижодий ёндашув, методик билимларни самарали қўллай олиш қобилияти, юксак педагогик тафаккурдир.

“Технология” – грекча (технe) сўзидан олинган бўлиб, маҳорат, хунар ва “логос” – тушунча, таълимот маъносини англатади. Технология самарали воситалар ёрдамида таълим сифатининг ўзгаришига олиб келувчи тизимли усуллар йиғиндисидир.

Янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда олиб борилган дарслар самарали натижа бериб, ўқувчиларни бевосита ўқишга бўлган қизиқишини оширади.

Худди шу мақсадлардан келиб чиқиб, талабаларни мазкур фанни ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги информацион – педагогик технологияларни тадбиқ этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, СД, видео, проектор, тарқатма материаллар, электрон материаллар ҳамда компьютер дастурларидан фойдаланилади. Якка

дарсларда ҳам талабаларнинг имкониятларидан келиб чиқиб, уларга мос равиша илгор педагогик технологиялардан фойдаланилади.

“Маданий-оммавий тадбирларни ташкиллаштиришнинг замонавий методикаси” фанида назарий ва амалий машғулотлар пайтида педагогик технологияларнинг жуда кўп метод ва воситаларидан унумли фойдаланиш дарсни ўзлаштиришга катта самара беради. Машғулотларни ўзлаштириш жараёнида “Ақлий хужум”, “Балиқ суяги”, “Кластер”, “Мен кимман”, “Венн диаграмма”, “CWOT тахлил” ва бошқа педагогик технологиялар талабаларда қисқа вақт мобайнида кўп маълумотларга эга бўлиш, энг асосийси мавзуни яхши эслаб қолиш имкониятларини кенгайтиради. Мазкур фанни ўқитиши доирасида энг кўп қўлланиладиган педагогик технологиялардан бири - “Кейс –стадии”дир. Бу технология фанни ўзлаштиришда ҳам восита, ҳам метод вазифасида қўлланилиб келади. Бу технология саҳналаштириш санъатида жуда кўп ишлатиладиган “Агар-да”, “Берилган шарт-шароитда”, “Саҳнавий дикқат”, муносабат, актёрлик маҳорати, режиссёрлик соҳасининг элементларини, ташкилотчилик, саҳналаштиришга оид тушунчаларини тўлдиришга, кенгайтиришга ҳамда ундан мақсадли фойдаланиш имконларини беради.

“Инновация”- инглизча, инноватион (янгилик киритиш, янгилик яратиш, новаторлик) сўзидан олинган. Инновацион технологиялар педагогик жараёнлар, ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни замирида янги педагогик, ахборот коммуникацион, технологик жараёнлар ва бошқа методлардан мақсадли фойдаланиш ётади. Инновациялар фанни ўзлаштириш мобайнида талабаларни фикрлашга, психо-физик ҳолатларини топишларида, ўзларига берилган вазифаларни мақсадли амалга оширишда, машқларни амалий жиҳатдан бажаришларида, бир сўз билан айтганда назарий ва амалий иш уйғунлигига эришишда ёрдамга келади.

Маданий-оммавий тадбирларни ташкиллаштиришда инновацион технологиялардан унумли фойдаланиш катта самараларга эришишни кафолатлади. Чунки, тингловчиларда анъанавий, ўзи билган маълумотлардан ташқари, янгиликлар, янги маълумотлар олиш имкониятлари кенгаяди, мавзуларни эслаб қолишга асос бўлади. Талабаларнинг фаоллигига эришиш ҳар қандай соҳа бўйича машғулот олиб борувчиларнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Бу педагогик ҳамкорлик жараёнини қўллашдан мақсад: тингловчиларнинг билим савиясини, натижага эришишда тўғри педагогик технологиялар танлашдир. Ҳозирги кунда замонавий инновацион технологияларни тўлалигича амалиётга тадбиқ этила олмагани ачинарли ҳолат, бунга сабаб, айрим олий таълим муассасасларини электрон воситалар,

компьютерлар билан түлиқ таъминланмагани, интернет ва бошқа ахборот тармоқларига етарлича уланмаганлиги, ўқитувчи ва талабаларни замонавий компьютер техникасидан фойдаланиш малакаси етишмаслиги, раҳбариятни шу соҳага жиддий эътибор бермаслигидадир. Бу камчиликларни бартараф этиш учун янги инновацион технологияларни ўқитувчи, талабаларга мукаммал ўргатиш, ўқитувчиларга мультимедия ўқув кўулланмаларини ишлаб чиқишида кўмак бериш, ўқитувчи - талабалар билан замонавий ахборот технологиялари ҳақида қўпроқ илмий таништирув ишларини олиб бориш катта самара беради. Бугунги кунда замонавий таълимни ривожлантириш талабларига жисмоний, руҳий куч сарфламай, қисқа вақт ичиде юксак натижаларга эришиш, талабаларга назарий билимларни, янги педагогик методлар орқали етказиб, уларда қўникма, малакаларни ҳосил қилиш, эгаллаган билимларини назорат қилиш, баҳолаш - ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ва таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб қиласди.

Замонавий педагогик методлардан бири бўлган интерфаол методи – тингловчиларнинг таълим бериш жараёнида талабалар билан ҳамкорликда ишлаш, дарснинг самарадорлигини ошириш, талабаларда мустақил фикрлашни, муносабат билдиришни ўргатишга қаратилгандир.

Дарс ўтиш жараёнида ўқитувчи ўқитишнинг илғор замонавий усулларидан, янги информацион–педагогик технологиялардан фойдаланиши келажакда юксак натижаларга эришишни таъминлайди. Бу борада ўқитувчи ўз шогирдини замонавий билим, амалий қўникма ва малакалар билан қуроллантириши, хорижнинг илғор тажрибаларини ўрганиши ва таълим амалиётига тадбиқ этиши, амалий ва назарий маслаҳатлари жуда муҳимдир.

Режиссура ўз ихтисосликларига эга бўлгани (қўғирчоқ театри режиссёrlиги, телевидение ва радио режиссёrlиги, кино режиссёrlиги, оммавий байрамлар режиссёrlиги) каби маданий тадбирларни ҳам турлари жиҳатдан хилма-хилдир. Уларни ташкил этиш ҳам ўзига хос бўлган ёндошувни талаб этади. Масалан, давра сухбатини олайлик. Давра сухбатини ўтказиш учун маҳсус режиссёр таклиф қилиш шарт эмас. Уни тезлиқда ва бирпаста репитицияларсиз ташкил этиш мумкин. Асосан ташкилий ишларга эътибор қаратилади ва ўтказилади. Аммо давра сухбатларини ҳам маълум бир сценарий асосида, турли театрлаштириш усулларини қўллаган ҳолда, сахнавий кўринишлар, куй-қўшиқлар ва бошқа бошқа бадиий чиқишлиар асносида ҳам ташкил этиш катта самара беради.

Талабаларни мазкур фанни ўзлаштиришлари келажакда тадбир иштирокчиларига тадбирнинг мазмун-моҳиятини очиб беришда, ташкилотчилик ва ижодий ҳамда бошқарувчилик қобилияtlарини

шакллантиришда асқотади. Мазкур фан доирасида битта машқ мисолида оладиган бўлсак, бу машқ талабанинг, яъни бўлажак тадбир ташкилотчисининг тадбирни ўтказмоқчи бўлган нопрофессионал ижрочиларга тадбирнинг мазмун-моҳияти, тарбиявий аҳамияти, тадбирнинг мақсади ва бошқаларни тушунтиришида жуда катта самара беради. Бу “Фикрни баён эта олиш қобилиятини ривожлантиришга оид машқлар” бўлимида ишлаб чиқилган бўлиб, талабаланинг ҳар қандай ҳолатларда ҳам мавзу бўйича фикрлашга ундейди.

Гурӯхларга ажратиш, инновацион-педагогик технологияларни қўллаш, талабаларни қизиқтиришга оид таклифларни ишлаб чиқиш, мавзуни ёритишининг янгича усулларини ишлаб чиқиш бўйича изланишлар олиб бориш-ҳар бир педагогнинг диққат марказида бўлиши лозим.

Мана шундай вазифаларни амалга оширишда интерфаол ва ноанъанавий педагогик технологиялар жуда қўл келишини тадқиқотчилар томонидан турли таълим муассасаларида ўтказилаётган кўпгина педагогик тажрибаларининг натижалари тасдиқланмоқда. Шунинг учун ҳам, таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган профессор – ўқитувчилар ўз соҳалари бўйича олиб бораётган машғулотларда инновацион технологияларни ўз ўрнида қўллашни билишлари ўта зарур.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, маданий-оммавий тадбирларни ташкиллаштириш - ҳар томонлама камол топаётган юксак маънавиятли шахсни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Унга педагогик, технологик ва инновацион нуқтаи назардан ёндошиш эса тадбирнинг ғоявий, бадиий, интеллектуал салоҳиятини белгилайди.

Назорат топшириқлари

1. Педагогик аспект тушунчасини ёритинг.
2. Тарбиявий тадбирларга изоҳ беринг.
3. Маданий – оммавий тадбирларда тарбиявий жараёнларни акс этилишини кўрсатинг.

**4- мавзу. Тадбирларда саҳна кўринишларини тайёрлаш усуллари.
Маданий-оммавий тадбирлар сценарийси, режиссураси ва ташкилий жараёни. Майдонларда тадбирларни ўтказиш методикаси (2 соат).**

РЕЖА:

4.1. Тадбирлар учун саҳна кўринишларини тайёрлаш, маданий-оммавий тадбирлар сценарийси, режиссураси ва ташкилий жараёни.

4.2. Тадбирлар драматургиясини яратиш. Сценарий тушунчаси.

Инсценировка.

4.3. Маданий оммавий тадбирларда режиссура санъати ва актёрлик маҳорати.

Таянч сўз ва иборалар

Маданий – оммавий тадбирлар, саҳна кўринишлари, сценарий, ижодий жараён, саҳналаштириш, эстрада, режиссёрлик фаолияти, актёр, пеъса, буюртмачи, саҳна.

4. 1. Тадбирлар учун саҳна кўринишларини тайёрлаши, маданий-оммавий тадбирлар сценарийси, режиссураси ва ташкилий жараёни.

Ҳар қандай тадбирни ўтказиш ёки ташкил этишда сценарий яратиш энг асосий жараёнлардан бири ҳисобланади. Байрам, томоша, тадбирларни ташкил этишда сценарийларни яратиш мобайнида тарбиявий аҳамиятга эга бўлган, баркамол авлод тарбиясига ҳисса қўшадиган, инсонларга ҳар томонлама таъсир қиласидиган материалларни топиш тадбир ташкилотчисидан катта маҳорат ва билим талаб этади. Маданий тадбирларни асоси сценарий ҳисобланиб, мамлакатимизда янгича муносабатларнинг тараққиёти, тадбирлар драматургиясининг турли усул ва кўринишлари, ташкил этилаётган маданий тадбирларнинг инсон тафаккурига таъсири ва жамият тараққиётига ҳисса қўшишдаги аҳамиятини таҳлил этиш мақсад қилиб қўйилса, тадбирлар тарбиявий аҳамият касб этади. Маданий тадбирлар драматургиясининг асосий компонентларини, тадбирда қўлланиладиган таъсирчан воситалар, хужжатлар ва фактлар билан ишлашнинг ўзига хослиги, тадбирларда қўлланиладиган инсценировкалар, образлилик, бир сўз билан айтганда, маданий тадбирларни ташкил этишдаги биринчи қадам бўлмиш сценарийнининг амалдаги ижроси (саҳналаштириш, ижодий ва ташкилий ишлар) масалаларини таҳлил этиш жараёнларидағи муаммаларни ҳал қилиш орқали ёндошув тадбирнинг тарбиявий салмоғини янада оширади. Тарбиявий аҳамиятга эга манбаларни манашу, яъни унинг драматургиясини яратиш жараёнидан бошлаб излаш, топиш керак, десак хато қилмаган бўламиз.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, инсонларнинг маънавиятини ошириш, уларга маънавий озуқа бериш, яхши, фаровон турмуш шароитларини яхшилаш, ўз юрти, оиласи, касбини севиш, уларни илмли, билимли, маърифатли, комил инсон қилиш ва бошқа эзгу мақсадларга қаратилган жуда кўп ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз томонидан ишлаб чиқарилаётган қатор-қатор дастурларнинг асосий моҳияти ҳам анашундай улкан мақсадларга йўналтирилган. Ўз навбатида, маданият ва санъат масканларида фаолият юритаётган маданий-маърифий ишлар ходимларининг ҳам бу борадаги амалга ошириш зарур бўлган вазифалари қўпdir. Турли мавзулардаги тадбирларни ташкил этиш, уларни халқ оммасига етказгунча тадбир ташкилотчилари иш жараёнларини бир неча босқичда олиб борадилар. Энг биринчиси, юқори ташкилотлардан қайсиdir тадбирни ўtkазиш вазифасини олади. Сўнг манашу тадбирни ўtkазиш учун ишчи гурухлари тузилади. Ишчи гурухлари эса вазифаларни аниқ тақсимлаб оладилар ва маъсуллар билан бирга иш бошлайдилар. Ижодий ва ташкилий ишларни бир пайтнинг ўзида бошлаган маъқул. Чунки, ташкилий жараёнлар ҳам ўзига хос бир неча босқичлардан иборат бўлиши муухмкин. Ижодий ишларни эса ҳечам кечиктирмасдан бажариш лозим. Чунки ижодий иш қанчалик кўп ишланса, шунчалик унинг турли қирралари кашф этилаверади.

Сценарийни саҳнага кўчириш ҳақида сўз борганда, у ҳам театр режиссераси каби тўлиқ саҳналаштириш қонуниятларига асосланишни талаб этади. Спектаклни саҳнага олиб чиқишида стол атрофида ўқиш, илк бор саҳнага чиқиш, мизансценалар устида ишлаш, образлар, характер, бадиий безак ва бошқа жиҳатлар устида ишлар олиб борилса, маданий-оммавий тадбирларда ўзига хос мураккаблиги билан ажралиб туради. Бунинг биринчи мураккаблиги шундаки, театр спектакль саҳналаштириш учун тайёр драматик манба, пьеса бор. Маданий-оммавий тадбирда эса тайёр жой, драматик манба ва ижрочилари йўқ.

Шунинг учун мавзуга мос манбаларни тўплаш, сценрайй яратишнинг ўзи алоҳида катта маҳорат, билим талаб қиласиган жараёндир.

Маданий тадбирларни ташкил этишда унинг драматик асосини бадиий жиҳатдан мукаммал қилиб тайёрлаш катта аҳамият касб этади. Спектаклнинг драматик манбаи - пьеса бўлса, маданий тадбирларда эса сценарий ёзилади. Ҳар қандай саҳнавий асар томошабин эътиборига ҳавола этилгунга қадар Зта асосий жараённи бошидан кечиради, яъни:

1. Саҳналаштириш учун асосий манбани танлаш (пьеса, сценарий, инсценировка каби);

2. Саҳналаштириш (барча ижодий жиҳатлар, яъни актёrlарни танлаш, стол атрофида ўқиш (читка), мизансценалар, образ ва рол устида, режиссёрлик ғоялари ва топилмалари устида ишлаш ва бошқа ижодий ишлар);

3. Ташкилий ишлар (профессионал театрларда ва республика миқёсида ўтказиладиган тадбирларда ташкилий ишларнинг деярли кўпчилигини маъмурий бўлимлар бажарадилар, аммо жойларда ташкил этилган ҳаваскорлик театр коллективларида, маданий тадбирларни ташкил этишда бу вазифани ижодий гурӯх раҳбарлари ўзлари бажарадилар).

Саҳналаштириш учун материал қуидаги жиҳатларга қараб танланади:

1. Асар мавзусининг долзарблиги (ижтимоий аҳамияти, замон талабларига мос келиши);

2. Асарнинг тарбиявий аҳамияти (ҳар қандай ижодий жараёнлар асосида тарбиявий масалалар ётиши зарур);

3. Асар қаҳрамонларининг фаол хатти-харакатлари (инсонларнинг ҳар қандай тўсиқларни енгib ўтишлари ва ўз мақсадларига эришишларини бадиий воситаларда етказиш);

4. Актёр-талабаларни касб нуқтаи назардан тарбиялаш жиҳатлари (маданий тадбирларни ташкил этиш маҳорати, актёрлик маҳорати ва режиссёрлик мактабини ўрганаётган талабаларнинг фанни ўзлаштиришига асос бўладиган жиҳатларига қараб);

5. Буюртма асосида (кўпгина ҳолатларда асарлар буюртма асосида саҳна юзини кўрадилар)

Юқорида айтиб ўтганимиздек, спектаклнинг драматик асоси пьесадир. Пьеса (фр. “риэсе”) - бутун ёки улуш сўзидан олинган бўлиб, хилма-хил саҳна асарларининг умумий номидир. Кўпгина театр санъати ҳақида яратилган адабиётларда драматик манба (пьеса, инсценировка), актёр ва режиссёр театр санъатининг асосини ташкил этади, деб айтилган. Бир жиҳатдан олиб қаралганда, бу фикрга қўшилиш мумкин. Аммо битта спектаклни саҳналаштириш учун бир қанча санъат турларидан фойдаланилади, ундан ташқари техник, маъмурий ходимлар, бадиий раҳбарият, ижодий ходимлар (масалан, биргина Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат Академик катта театри жамоасининг умумий сони 500 кишидан ортиқ) ва бошқаларнинг ҳам ҳиссалари ҳақида гапирсақ, унда бошқача фикр юритишимиизга тўғри келади. Аммо иккала ҳолатда ҳам спектакль яратиш мумкин.

Драматургиянинг барча қонун-қоидаларига риоя қилинган ҳолда яратилган асарлар тўлақонли асарлардан ҳисобланади. Пьеса танлангач, ижодий гурӯх билан таҳлил қилинади ва саҳналаштириш ишлари амалга оширилади. Маданий тадбирларда асосий манба сценарий ҳисобланиб, у тадбирни ташкил қилишдаги илк жараёндир.

“Сценарий” сўзи, У.Қорабоев ўзининг “Бадиий-оммавий тадбирлар” китобида ёзишича, итальянча сўздан олинган бўлиб, “асарнинг плани, схемаси”ни англатади¹¹. Луғатларда эса сценарий:

- 1) киносценарий;
- 2) театрда қўйиладиган драматик асарнинг режаси, сюжет чизиги, операдаги драматик ҳаракатнинг тасвири, балетда – сюжетнинг барча ракс ва мимикарни ўз ичига олган мукаммал баёни;
- 3) пьесада иштирок этувчиликнинг саҳнага чиқиш пайти ва тартиб кўрсатилган йўл-йўриқдир, деб изоҳ этилган.

Яна бошқа манбаларда - “Сценарий” (итальянча “Сценарио” - адабий-драматик асар деган маънони англатади), тадбир мазмунини адабий таъсирлаш бўлиб, бунда жиддий кетма-кетлик асосида ҳаракат элементлари бўлмиш мавзу ва ғоя, бир бўлакдан иккинчисига ўтиш, блоклар, безаклар, матнлар тўлиқ кўрсатилади, деб ёзилган. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам “сценарий - ўтказиладиган тадбирнинг тўлиқ ёзма баёнидир”¹², деб таърифлаш мақсадга мувофиқдир.

Сценарий ёзилишида қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

- тадбир ўтказиладиган жой ўрганилади;
- махаллий шароитдан мавзу, тадбир ғоясидан келиб чиқкан ҳолда манбалар изланади;
- хужжатли материаллар бадиийлаштирилади;
- саҳнавий усуслардан, фойдаланиш йўллари изланади, таъсирчан воситалар танланади.

4.2. Маданий-оммавий тадбирлар драматургияси

Режиссуранинг ихтисосликлари қўп бўлганидек, (масалан, театр режиссураси, телевидениэ режиссураси, радио режиссураси, кўғирчоқ театри режиссураси, оммавий байрам ва томошалар режиссураси ва ҳ.к. каби) сценарий ҳам турли ихтисосликлари ва табиати бўйича бир қанча турларга бўлинади. Масалан:

1. Кино сценарий –(бадиий фильмлар сценарийси, хужжатли фильмлар сценарийси, илмий-оммабоп фильмлар сценарийси, кўғирчоқ ва мультифильмлар сценарийси).
2. Телевизион сценарийлар – (адабий-бадиий кўрсатувлар сценарийси, публицистик – ахборот кўрсатувлар сценарийси, маънавий- маърифий

Qoraboyev U.X. Badiiy-ommaviy tadbirlar. T., “O‘qituvchi”, 1986. 36 b.

¹² V.K.Rustamov. Ssenariynvislik mahorati”. Toshkent, 2017.77b.

кўрсатувлар сценарийси, ижтимоий-сиёсий кўрсатувлар сценарийси, ўйин-кўнгил очар кўрсатувлар сценарийси, телевизион фильмлар сценарийси, мусиқий кўрсатувлар сценарийси ва ҳ.к.)

3. Радиоэшиттиришлар сценарийси – (ижтимоий-сиёсий эшиттиришлар сценарийси, адабий - бадиий эшиттиришлар сценарийси, публицистик-ахборот эшиттиришлари сценарийси, мусиқий эшиттиришлар сценарийси, маънавий – маърифий эшиттиришлар сценарийси, ўйин-кўнгил очар эшиттиришлар сценарийси ва ҳ.к.)

4. Сирк томошалари сценарийси – (Турли спорт томошалари, акробатлар, ҳайвонларнинг чиқишилари, масхарабоз ва якка номерлар, дорбоз ва ҳ.к. номерларининг кетма-кетлигидан иборат бўлади).

5. Маданий тадбирлар сценарийси (бу тушунча қўпроқ оммавий байрам ва томошаларга мос келади) –(клублар, маданият уйлари, майдонларда ўтказиладиган оммавий театрлаштирилган томоша, театрлаштирилган концерт, адабий-бадиий, адабий мусиқали композициялар, маросим томошалари, оммавий спорт томошалари, сувда, музда ўтказиладиган томошалар, карнавал, халқ томошалари, бадиий-публицистик композициялар ва ҳ.к.лар сценарийлари киради).

Сценарийчилик маҳорати асосан учта тамойилга таянади, яъни ижодий кузатишнинг шаклланиши (сценарийчи учун жуда ҳам керак бўлган ҳаётини материалларни топиб, ажратса олиш), драматик фикр қилишни ривожлантириш – (сценарий устида ишлашда зарур бўлган драманинг умумий назариясига риоя қилган ҳолда сюжетлар кетма-кетлиги ва тадбирнинг композицион тузилишини тўғри белгилаш), ижодий тасаввур ва образли хал этиш.

Тадбирларни ташкил этиш муҳим ижодий жараёнлардан ҳисобланади. Сценарийнинг яратилиши ва уни маълум композиция шаклига келтириш ва саҳналаштириш, (тадбир ташкилотчиси раҳбарлигидан) режиссёр ва сценаристнинг шу тадбир ёки томошани ташкил этишдаги қарашларнинг меҳнатларини натижаси сифатида қаралмоғи лозим. Биринчидан, бу икки ижоднинг моҳиятини бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Алоҳида ёзилган тайёр сценарийлар учун ҳам саҳналаштириш ишларини амалга ошириш мумкин, лекин режиссёр билан сценаристнинг бирга яратган ижод маҳсули самаралироқдир. Чунки режиссёр тадбир, байрам, театр томошанинг ғоясини, унинг ижтимоий-сиёсий, тарбиявий аҳамиятини, олий мақсадини уқтираса, сценарист эса бадиий эстетик матннинг жозибали, ифодавий қарашлари орқали режиссёр фикрини бойитиб тўлдиради, натижада тўлақонли тадбир амалга оширилади.

Иккинчидан, маданий тадбирларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, тадбир тайёр жиҳозланган бинода эмас, балки очиқ ҳавода, майдонларда, боғ(парк)ларда, хуллас, бир сўз билан айтганда ноанъанавий саҳнавий шароитларда ўтказилишини ҳисобга олиш зарур. Саҳнавий имкониятларнинг йўқлиги (саҳна, жиҳозлар, актёрлар, чирок, декорация ва ҳ.к.) режиссёр ва сценаристдан ишни “нол”дан бошлишига тўғри келади. Ундан ташқари, доимий репетициялар ўтказиш имконияти камлиги, тадбирнинг бир мартагина ўтишини, хатоларни тўғрилашнинг деярли имкони йўқлигини ҳисобга олиб ташкилотчи, режиссёр ва сценарист ҳар бир чиқишиларида хатога йўл қўймасликларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиши зарур.

Учинчидан, сценарий яратилишида, режиссёр ўзининг образли – саҳналаштириш ечимини белгиловчи режиссёrlик ғоялари, бўлажак тадбирнинг йўналиши, яъни етакчи хатти-ҳаракат, тадбир шакли, муҳит ва стилни аниқлаб олиши лозим. Бундай режиссёrlик ғояларининг вужудга келишига - ўтказиладиган тадбирнинг аниқ берилган шарт-шароити, яъни унинг мавзуси, ғояси ва олий мақсади, ўтказиладиган жой, ижодий гурухларнинг мавжудлиги, ташкил этишдаги моддий жиҳатлар, ҳужжатлар, афсоналар ва бошқалар асос бўла олади.

Тўртинчидан, сценарий яратилишида ҳужжатли, маҳаллий материалларга таяниш - тадбирнинг эфектли, таъсирчан чиқишини таъминлайди. Бунда миноралар, тошлар, дараҳтлар, девор ва бошқалар мажозий маънода бадиий образ шаклида намоён бўлиши мумкин. Реал далиллар, рақамлар, буюмлар, фоторасмлар, ҳужжатли кинофильмлардан фойдаланиш, шу тадбирга алоқадор қаҳрамонларнинг ўзларининг бевосита иштироклари ва бошқа оригинал топилмалар тадбирнинг таъсирчанлигини янада оширишга хизмат қиласди.

Бешинчидан, урф-одат, анъана, маросим ва қадриятларни тадбир ўтказилаётган худуд муҳитига мослаштириш, улардан унумли ва тўғри фойдаланиш ва буни тадбир ғоясига сингдириш орқали ёшларни қадриятларимизни асраш ва улуғлаш руҳида тарбиялаш сценарий яратишдаги энг эътибор қаратиш зарур бўлган қисмлардан биридир.

Олтинчидан, ўтказиладиган тадбир фақат сўз, шеър, матндан иборат бўлиб қолса у жуда зерикарли ўтади. Шунинг учун режиссёр ва сценарист сўзнинг ўрнига унинг томошавий эквивалентини¹³ (масалан, мусиқали, пластик ва ҳ.к.), пластик образ яратиш орқали, бир сўз билан айтганда, “сўз” ўрнига “ҳаракат” билан ифодалаш воситасини топса кўзлаган натижаларга

¹³ А.Д.Силин. Специфика работы режиссёра при постановка масс. Театрализованных представлений под открытым небом и на нетрадиционных сценических площадках. М. 1986 г. 82 стр.

эришиши мумкин. Масалан, статистик маълумотларни декломация сифатида намойиш этгандан кўра, у пластик ечим, яъни ҳаракат орқали намоён этилса, томошабин учун қизиқарли бўлади.

Еттинчидан, сценарий яратиш жараёнида бир эпизодни иккинчи эпизодга боғлашда “ғоявий кўприк”ни тўғри танлаш муҳимдир. Баъзан бу вазифани “бошловчилар” амалга оширадилар. Лекин бу оддий, содда вариантдир. Номерларни, эпизодларни бир-бирига саҳна ортидан эълон қилиш, бошловчилар, масхарабозлар, қўғирчоқлар, турли асарлар қаҳрамонлари ва бошқа образ ва воситалар орқали ҳам боғлаш мумкин.

Кейинги пайтларда кенг миқёсда нишонланаётган тадбирларда фонограммаларни монтаж қилиш асосида бир-бирига боғлашга ҳаракат қилиняпти. Номерлар ёки эпизодларни боғлаш воситаси бўлмиш “ғоявий кўприк”ни тўғри белгилаш - тадбирдаги ортиқча паузаларнинг олдини олади, ўрнини тўлдиради, шунинг билан бирга саҳна жиҳозларини алмаштириш ёки кейинги номерга тайёрланиб олиш имкониятини беради, энг асосийси томошабинни тадбир ғоясидан фикрини “узилиб” қолишидан сақлайди. Шунинг учун ҳам “яхши, пухта ва мукаммал ёзилган сценарий – тадбирнинг яrim муваффақиятидан далолат беради”¹⁴.

Юқорида қайд этганимиздек, спектакль яратилишида асосий манба пьеса ҳисобланади ёки бошқача қилиб айтганда, спектаклнинг драматик асоси пьесадир. Режиссёр спектаклни саҳналаштиришда тайёр манба – пьесага мурожаат қиласи ва саҳналаштириш жараёnlарини бошлайди. Бу билан спектакль саҳналаштириш жуда осон экан, деган фикрдан йироқдамиз, зеро спектаклни саҳналаштиришнинг ўзига хос мураккаб жиҳатлари бор. Маданий тадбирни масалан, оммавий байрам ва томошаларни саҳналаштиришда эса тайёр драматик манба йўқ, ўтказиладиган жой анъанавий эмас, унда чироқлар, декорациялар, хуллас, ҳеч қандай саҳна жиҳозлари-ю, анжомлари йўқ. Фақат маданий тадбирлар ташкилотчисининг юқори ташкилотлардан ёки раҳбарлардан шу тадбирни ўтказиш тўғрисидаги «закази», яъни буюртмаси бор, холос.

4.3. Майдон томошаларини ташкил этишининг ўзига хослиги

Маданий тадбир ташкилотчисининг биринчи галдаги вазифаси – шу тадбирга режиссёр топиш ва вазифани тушунтириши керак бўлади. Режиссёр эса бу «буюртма»ни санъат даражасига кўтариб, яхлит бир «спектакль» шаклига келтириши зарур. Нега энди спектакль шаклида, деган ўринли савол

¹⁴ Rustamov V. Q. Ommaviy bayamlar rejissurasi va sahnalashtirish asoslari. T., 2008.

туғилади. Чунки, спектаклдай бўлиши учун унинг мавзуси, ғояси, жанри, қарама-қаршиликлар, воқеалар қатори, композицион тузилиши (пролог, тугун, қарама-қаршилик, ечим), олий мақсади, хуллас, драматургиянинг барча компонентлари иштирокини таъминлаш лозим.

Маданий тадбирларни ташкил этишда ҳам худди шу шартларга эътибор бериш зарур. Тадбирнинг режиссурасидаги энг қийин жараён тадбирни ягона мавзу чизигига йўналтиришдир. Шу мавзуга мос манбалар излаш, саҳна, яъни, тадбир ўтадиган жойни жиҳозлаш, иштирокчиларни тўплаш, вазифаларни тушунириш ва репетицияни бошлашдан олдин сценарий режиссёрнинг кўлида бўлиши шарт.

Сценарийни ёзишда тадбир учун ўтказиладиган жойни аниқлаш ва уни ўрганиш муҳимдир. Сабаби, сценарийга киритилаётган барча жиҳатлар шу саҳна шароитига мослаштирилади. Ундан ташқари, тадбирда қўлланиладиган ҳужжатли маълумотлар, ҳаракат жойини танлаш билан узвий боғлиқ бўлиб, маҳаллий маълумот, одатдагидек, томошабинга яқин, тушунарли бўлиб, уларга ҳис - ҳаяжонли таъсир этиши шарт. Шунинг учун ҳам сенерий ёзишдан олдин сенерий муаллифи ёки саҳналаштирувчи режиссёр маҳаллий маълумотлар йиғиши, мавжуд архив ва ўлкашунослик музейлари билан, у ердаги маълумотлар билан атрофлича танишиш лозим. Ундан ташқари керакли адабиётлар ўқиёди, маҳаллий аҳоли билан сұхбатлар куради. Танишув ва сұхбат жараёнидаги маълумотлар тадбирнинг асосий мағзини белгилайди. Иш жараёнида сенерий бир неча маратоба ўзгариши ҳам мумкин. Эртанги топиладиган янги маълумот, бугунги режани тубдан ўзгартириб юбориши холлари ҳам амалиётда бир неча маротаба ўз тасдигини топган. Шунинг учун ҳам ижодий иш жараёнидаги энг қийин вазифа - маълумотларни синчиклаб танлашдир.¹⁵

“Қизиқарли маълумотлар уммони рўпарасида ҳовлиқишиш ва унга шайдо бўлмаслик зарур. Бу, албатта, қийин нарса, яъни тайёр маълумотлар денгизида чўкиб кетмаслик учун сенерий ёзувчи бўлажак тадбирнинг “қовурғасини” кўз олдида сақлаши, ҳар доим унинг олий мақсадини эсда тутиши зарур”¹⁶. Керакли маҳаллий ҳужжатлар йиғиб бўлинса, маълумотларни сенерий учун монтаж босқичи бошланади. Яна шуни унутмаслик керакки, сенерий муаллифи маҳаллий маълумотларни, яъни воқеа-ҳодисаларни ўзгартирмасдан, тарихда бўлмаган воқеаларни киритиши, ҳужжатдаги далилларни ўзгартириши мумкин эмас. Фақат синчиклаб танлаш

¹⁵ J.Mamatqosimov. “Ommaviy bayramlar rejissurasida sahna madaniyati”. T.: “Fan va texnologiya”. 2009.

¹⁶ Dushamov J. Ommaviy tadbirlar rejissurasasi T.2002 .

ва монтаж жараёнида унинг аниқ фуқаролик нуқтаи назари катта рол ўйнайди. Айрим ҳолатларда умумий хулоса аниқлиқдан - типикликка, ноқонунийликдан - қонунийликка ўтиши, бу - ҳужжатлар монтажидаги принципиал заруратдир. Бу ижодкорнинг амалий ишида далилдан образ томонга йўлдир, яъни ҳужжатни бадиий ишлаб чиқиш, уни бадиий тасвирилашдир.

Юқоридагилардан кўринадики, муваффақиятли сараланган, аниқ монтаж қилинган ва моҳирлик билан шоирона тус берилган ҳужжат сенерийда ва оммавий театрлаштирилган тадбирда энг ҳаракатчан, энг кучли таассурот туғдирадиган воситага айланади.

Сценарийни З хил тоифага ажратиш мумкин, яъни оддий сценарий (мавжуд материалларни кетма- кетлиги белгиланиб, бошқарувчи боғловчи сифатида иштирок этади), йиғма сценарий (турли хил сценарийлардан ишлатилган материаллардан фойдаланган ҳолда ёзилади) ва оригинал сценарий (томошабин кўз олдида ўзи кутмаган турли бурилишларга, тўқнашувларга, ҳиссиётларга дуч келади ва натижада у зерикмайди, тадбирдан эстетик завқ олади). Барча жойларда тадбирлар турли шаклларда ўтказилади. Томошабиннинг кўз ўнгидаги ўзи орзу қилган шарт-шароитларни яратиш, тасаввуридаги руҳиятга эришиш сценаристнинг елкасига катта масъулият юклайди. Оригинал сценарий яратиш барча сценаристларнинг кўлидан келавермайди. Бунинг учун сценаристнинг дунёқарashi кенг, савияси ўта кучли ва юкори даражада бўлмоғи лозим. Шунинг учун ҳам саҳналаштириш, яъни режиссёрлик фаолиятда сценарист билан ишлаш жараёни энг муҳим босқичлардан бири ҳисобланади.

Сценарийнинг бадиий жиҳатдан мукаммаллиги, унинг оригиналлигига эришиш – тадбирнинг юкори савияда ўтишига кафолатдир. Режиссёр ва сценаристнинг изланувчанлиги тадбирнинг темпо-ритмини сақлаб туришда ҳам муҳим рол ўйнайди.

Хулоса сифатида шуни айтиш керакки, маданий-оммавий тадбирларни ташкил этишнинг асосий муваффақиятлари - бадиий жиҳатдан мукаммал сценарий яратиш ва саҳналаштириш жараёнларини тўғри ташкил этилишидадир.

Тадбирлар учун саҳна кўринишларини тайёрлаш, маданий-оммавий тадбирлар сценарийси, режиссураси ва ташкилий жараёни

Оммавий тадбирларни ташкил этишга бўлган эҳтиёжнинг педагогик аспекти шундаки, бу эҳтиёж, қизиқиши сценарий режиссёрлик ва

ташкилотчилик фаолиятини амалий қуроллар ёрдамида қондиришга эришишдир. Тадбирларни назарий ҳамда амалий таҳлил қилиш шуни күрсатдики, байрам оддий маданий-маърифий тадбир бўлибгина уолмай, балки юуори ижтимоий, инсониятнинг чуқур илдизли ҳаёт фаолиятининг комплекс шаклидир. Бу шаклни татбиқ этиш борасида Генкин Д., Канович А., Руденский Е., Лаптева Л., Мазаев А., {орабоев У., Сайфуллаев Б., Аҳмедов Ф. каби олимлар изланишлар олиб бордилар.

Саҳнага кўп одам чиқарилса, омма шунча кўпаяди, деган нотўғри тушунча мавжуд. Одатда, тақлидчи режиссёр, шу кунга қадар спектаклда бир неча киши иштирок этиб келганди, мана энди одам кўпайиши билан спектаклнинг ранг-баранглиги ошади, деб ўйлади. Спектаклнинг биринчи намойиш-премъераси вақтида одам кўп бўлиб, ҳақиқатан ҳам саҳнани тўлдириб, томошабинни чалғитиши, саҳнада гўё ҳаёт қайнагандай бўлиб туюлиши мумкин. Аммо спектакль бир неча бор ўйналиши билан бу омма саҳнада ҳеч бир таассурот қолдирмайдиган оломонга айланиши турган гап. Худди шу ердан спектаклнинг парчаланиши бошланади. Умуман, оммавий саҳналар ўта нозик бўлиб, умри қисқа, иштирок этувчи актёрлар аксарият ҳолларда эътибордан четда қолади. Шунинг учун, омма билан боғлиқ саҳналарни бошиданоқ бир қолипга солиб олиш керак. Яъни, оммавий саҳнада иштирок этадиган ҳар бир қатнашчи учун алоҳида саҳна, ўйин майдони ва маконни пухта ўйлаб чиқилган режа асосида қатъиян белгилаб қўйиш зарур. Бундай саҳналарга ҳар сафар янги иштирокчи киритилганида, режиссёрнинг шаҳсан ўзи улар билан шуғулланиши лозим. Оммавий саҳнага янги иштирокчиларни қўшиш керак эмас.Агар зарурият юзасидан шундай вазият туғилса, янги қўшилган ҳар бир иштирокчининг ўрни, бажарадиган вазифаси аниқ кўрсатилиши зарур. Оммавий саҳнага чиқиши керак бўлган актёр саҳнага "куним ўтсин" учун чиқмаслиги, аксинча, шу спектаклнинг иштирокчиси, унинг бадиий қийматига ўз улушкини қўшувчи ижодкорга айланиши талаб этилади. У ҳам бошқалар каби асарнинг вақтий бирлигини ҳис этиши зарур. Аммо бу иш режиссёрдан жуда кўп меҳнат талаб қиласди. Композиторчи? Унинг меҳнати камми? Ҳар бир кичик парчани созларга бўлиб, ҳар бирининг овоз имкониятларини ҳисобга олиши, вақт бирлигидаги товушининг узунқисқалигини ёзиб чиқиш осон иш эмас. Шунинг учун спектаклдаги ихтирочиликни ёқтирмайдиган иш, оммавий саҳналар ҳисобланади.

Бу ерда қатъий белгилаб қўйилган чегарадан четга чиқиш мумкин эмас. Мисол тариқасида НемировичДанченконинг "Юлий Цезар" спектаклидаги оммавий саҳналарга бағишлиланган режиссёрлик планини кўздан кечириб кўрайлик.

Режиссёр бу сахнада бешта майдончани йигирма олти нүктага бўлиб чиқади:

- а) форумга қўтариладиган кўча (оммавий йифин ўтадиган жой), б) палатинга элтувчи кўча (палата),
- в) капитолий,
- г) палатин.
- д)кўчанинг чап томонида кенг йўлак, ўнг тарафдаги тор йўлак .
- 1. Турли буюм ва китоблар сотиладиган дўкон.
- 2. Темир буюмларига ишлов берадиган устахона (дубулға, совут, қилич).
- 3. Мева сотадиган дўкон (олма, узум, ичимлик, қуруқ мева).
- 4. Сартарошхона.

Бундай сахналарда ифода воситаларидан жуда тежамкорлик билан фойдаланиш зарур. Пала-партишилик, ҳар ким ўз билганини қилиши, ҳаракатларни ҳаддан зиёд қўплиги, шовқин-сурон, мусиқа овози бош оғригидан бошқа нарса эмас. Ҳамиша инсоннинг қабул қила олиш имкониятларини ҳисобга олиш керак бўлади. Оммавий сахналарда ҳам худди оркестр каби ҳар бир соз ўз ўрнида, ўзига берилган куйни ижро этсагина маъно-мазмун пайдо бўлади. Оммавий сахналар зиммасидаги масъулият спектакль қийматига қанчалар таъсир кўрсатиши мумкинлигини тушунган режиссёр, бундай сахналарда одамларни кўпайтириши керакми ёки йўқми ўйлаб қолади. Халқда "Ишқ бошқа, ҳавас бошқа", деган нақл бор. Агар бу мақолни режиссёрик касбиға менгзайдиган бўлсак, режиссёр спектакль сахналаштиришга тушишдан олдин иштиёқи кучли бўлади. Аммо ҳаёт ва имконият ҳамиша ҳам биз ўйлаганчалик бўлавермайди.

Умуман оммавий сахналарда қарама-қарши кучларнинг ҳаракати асар матнларида у қадар кўзга ташланмасада, сахнада қарши кучлар мақсадинианиқлаб, уларни ҳаракатга келтириш жуда ҳам муҳим. Бу ўринда бадиий эҳтирос билан спорт мусобақалари вақтидаги эҳтиросни назардан қочирмаслик зарур. Омма иштирокида сахнада рўй бераётган олишув ва тортишувлар вақтида томошабин эҳтиросини қўзғата олиш жуда-жуда муҳим. Шунингдек, яна бир нарсани ёдда тутиш керак. Қарама-қарши томонларнинг кучи (қаҳрамонлар билан омма ўртасидаги куч) тенг бўлиши лозим. Акс ҳолда, воқеаларни қандай якунланиши томошабин учун олдиндан маълум бўлиб қолади ва қизиқиш йўқолади. Шунинг учун гоҳ бир томоннинг қўли баланд келса, гоҳ иккинчи томоннинг қўли баланд келиб, томошабин эҳтиросини яна ҳам фаоллаштиради.

Агар режиссёр оммавий сахнада иштирок этувчиларнинг ҳар бирига алоҳидаалоҳида вазифа бериб, алоҳида мақсад сари ҳаракат қилиши кераклигини тушунтирса, бундай сахна бошдан оёқ аралаш-қуралаш бўлиб

кетади. Шунинг учун оммавий саҳна иштирокчиларини алоҳида-алоҳида гуруҳларга бўлиб, ҳар бир гуруҳнинг вазифа ва мақсади, ҳаракат қилиши керак бўлган майдон чегараси, уларнинг олдинма-кетинлигини уқтириши керак. Ҳар бир гуруҳ орасидан етакчи артистларни белгилаб қўйилиши, сўнгра уларнинг пластик ҳаракатлари нималардан иборатлигини тушунтириш зарур.

Агар оммавий саҳна иштирокчилари аниқ бир жисмоний иш билан машғул бўлишлари жоиз бўлса, ҳар бир гуруҳнинг орасидан ўз режиссёрини танлаб, мақсадни, майдон ва маконни кўрсатиш, гуруҳнинг ҳар бир иштирокчиси аниқ бир иш билан машғул бўлишлигини кўрсатиб бериш лозим. Бу гуруҳлар ҳаракатга келганидан кейин саҳналаштирувчи режиссоёр ҳар бир гуруҳнинг саҳнадаги ўрни, ҳаракатлар ҳамоҳанглигини, спектаклнинг умумий ғоясига бўйсундирилганлигини аниқлайди. Айрим ўринларни ва ишларни алмаштириши ҳам мумкин.

Оммавий саҳна иштирокчилари сонини кўпайтириш учун уларни бир неча гурухга бўлиб, саҳнадан ўтказиш керак. Аввалига уч, сўнгра беш, ундан кейин ўн киши. Ҳар бир гуруҳ саҳнадаги ҳаракати билан бошқа гурухга ўхшамаслиги керак. Турган гап, кўпинча оммавий саҳна иштирокчилари етишмайди. Бундай кезларда гуруҳларни навбатма-навбат саҳнага чиқариш ва ҳар сафар бошқача кийим-бош, бошқа машғулот билан банд бўлишлари керак. Яъни бир неча артистни бир неча бор саҳнага чиқариш ва ҳар сафар бошқабошқа кийимлар кийдириш мумкин.

Шу ўринда К. С. Станиславский "Оттело" спектаклидаги оммавий саҳналарни қандай ечимини топганлиги билан танишиб чиқсак фойدادан холи бўлмас.

"Халойиқ кўприк томон узлуксиз оқиб бормоқда. Кўприк устидаги одамлар икки томонга қараб ҳаракат қиласди. Биринчилари пастга тушиб, кийимларидан кўзга яққол ташланадиганларини бир-бирлари билан алмаштириб, яна саҳнага чиқиб келадилар. Шу зайл кўприкдаги одамларнинг оқими узилмайди."

Албатта, биз келтирган мисол ҳозирча назариядир. Амалиётда эса унинг имкониятларини янада кенгайтириш мумкин. Бир спектаклни ўзида биз санаб ўтган мисолларнинг бир нечтасидан бир спектаклда фойдаланиш мумкин. Оммавий саҳналарни бадиий изга солиш, уларни амалга ошириш қизиқарли бўлиши билан бирга хавфли ҳамдир. Кичик спектаклларни саҳналаштириш учун чуқур ўйланган фикр зарур бўлса, оммавий саҳнлар билан боғлиқ спектаклларнинг кўлами ҳам, ҳаракат майдони ҳам кенгdir. Уч-тўртта актёр билан ишлаш учун ўта сезгирилик ва қатъият керак.

Шунинг учун оммавий саҳналар билан ишлашда режиссёрнинг қаттиққўллиги зарур. Бундай дамларда бирданбир тўғри йўл аввалига темир

интизом зарурлигини тушунтириш, сўнгра катъий талабга ўтиш керак. Иш жараёнида актёрларнинг фақат қўл-оёғи ва гавдасигина эмас, қалби ҳам ишлаши, умумий ишга наф келтириши лозим. Оммавий саҳнани харакатга келтираётган режиссёр ҳар бир иштирокчини кўриб туриши шарт. Шунингдек, оммавий саҳналар билан ишлаётган вақтда макон ва майдон юзасида бўш жойнинг ўзи бўлмаслиги лозим.

Японлар гуллаб турган биргина бутоқча орқали баҳор файзини, фазилатини, кайфиятини акс эттирадилар. Бизнинг рассомлар аксарият ҳолда гуллаб турган бутун бир боғ тасвирини чизишса ҳам ўша гуллаган бутоқчалик таассурот уйғотмайди. Бугунги кунда декорация ва буюмлар билан ҳаддан ташқари тўлдириб ташланган саҳна томошабинни ўзидан қочиришини ҳисобга олиш керак.

Озгина нарса билан кўп маънони билдира олиш муҳим хислатдир. Каттакон сув ҳавзаси қирғоғига тўғон қурилиб, сув тақсимланмаса, ҳаммаёқни вайрон қилиши мумкин. Худди шунингдек, режиссёр тасаввурининг чеки-чегараси йўқ.

Агар унинг тасаввuri чегараланмаса, улар турли майда-чуйда, керак-керакмас харакат ва буюмлар саҳнага чиқиб қолиши мумкин. Кичик бир саҳнани обдон ишлаб, қиёмига етказмай туриб, янги-янги ўйинларни актёрга таклиф қилиш ижодкор тафаккурини бўғиб қўяди. Яратиб берилган шароит, туғдирилган имконият доирасидан четга чиқмаслик энг оқилона ишдир. Имкониятлар даражасидан ташқаридаги нарсалардан иш бошланмасданоқ кечиши керак. Мисол учун, саҳналаштирилаётган спектаклни кичик саҳнага мўлжаллаш керакми ёки ваъда қилинган катта саҳнагами? Ваъда қилинган саҳнани сўнгги соатларда бермасликлари ҳам мумкин. Шунинг учун "Миннатли ошдан беминат тош яхши", деган мақолга амал қилиб, яхиси кичик саҳнага мўлжаллаб спектакль саҳналаштирган мақул иш. Техник қурилмалари мукаммал бўлган саҳнанинг ҳажмига таъсир қўрсатиш осонроқ. Шунинг учун режиссёр рассом билан бўлғувси спектаклнинг декорацияси устида ишлар экан, воқеа ўтиши керак бўлган хона ҳажмини кенгайтириши, торайтириши мумкин. Бунинг чун ён пардалар (кулис),

падугалар (тепадаги пардалар)ни тушириш, кўтариш орқали исталган шароит муҳайё қилинади. Лекин спектаклни гастролда, қишлоқ клубларида ўйнашга тўғри келиб қолган тақдирда қандай йўл тутиш керак? Спектаклнинг барча декорациясини саҳнага киритилса, актёр ҳаракати учун жой қолмайди. Бундай шароитда бирдан-бир тўғри йўл декорацияларнинг айrim қисмидан фойдаланишидир. Яхши рассом кичик бир бўлакча орқали бир бутун иншоотнинг таассуротини вужудга келтириши мумкин. Киночиларнинг асосий мезони битта кадрга кичик бир воқеликни сингдириш орқали, бутун

бир ҳаётнинг рамзий ифодасини томошабинга етказа билишиликдан иборатdir. Кўп сонли суворийлар сафини кўз олдимизга келтириб кўрайлик. Энди худди шу манзарани дераза орқали, маълум масофадан томоша қилайлик. Ёки қатор турган уйлар оралиғидан кўрайлик. Гарчанд, суворийларнинг ҳаммасини кўрмасакда, уларнинг маълум қисмларини кўриш орқали бутун бир қўшин кўз олдимизга келади. Худди шундай қишлоқ клубида кўрсатиладиган спектаклда ҳам декорацияларнинг маълум қисминигина кўрсатиш орқали яхлитликка эришиш мумкин экан.

Назорат топшириқлари

1. Саҳна кўриниши турлари.
2. Тадбирлар драматургияси нима?
3. Майдон томошаларига нималар киради ва уларнинг ўзига

хослиги

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу:

Маданий дам олиш тадбирларини ташкил этишининг ўзига хослиги.

Маданий-оммавий тадбирларни ташкил этишда ташкилотчилик қобилиятигининг шакллантириш тамойиллари (амалий, 2 соат)

Ўзбекистон Республикасида маънавий-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан тарғибот-ташқиқот ишларининг асосий шакли бўлган маданий тадбирлар жамият аъзоларининг маданий дам олишини ташкил этибгина қолмай, балки, халқни муайян бунёдкор ғоялар, хусусан, озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек эзгу мақсадлар сари етаклайди ва улкан бунёдкорлик ишларига асос бўлиб хизмат қилмоқда. Маданият ва маърифатни шакллантиришнинг энг самарали ва таъсирли воситаси бу аҳоли ўртасида ўтказиладиган маданий маърифий тадбирлар бўлиб, уларнинг ташкил этиш ва замон талаблари даражасига олиб чиқиш бугунги куна ижод аҳли олдида турган асосий муаммо бўлиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар маънавиятини юксалтириш борасидаги **беш муҳим ташаббусида** таъкидланган ёшларнинг санъатнинг турларига жалб этиш масаласи маданият соҳасини ислоҳ қилиш, хусусан, тизимни ривожлантириш учун малакали кадрларни тайёрлаш долзарб масаладир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 28 июлдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги ПҚ-3160 сонли, 2018 йил 28 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4038 сонли қарорларининг қабул қилиниши бу борадаги фаолиятнинг янги босқичини бошлаб берди.

Ундан ташқари, Ўзбекистонда кучли фуқоролик жамияти қуришда миллий маданиятимизнинг асл моҳиятини маданий маърифий тадбирларда акс эттирилиши, хусусан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида жамият аъзоларини маънавий тарбиялаш воситаси сифатида бир қатор маданий тадбирларни ўтказиш зарурати кўрсатилган. Бугунги мустақил Ўзбекистонда миллий анъана ва қадриятларни шакллантиришга кенг ёъл очиб берилиши натижасида бир қатор миллий байрамларимизнинг мамлакат миқиёсида кенг нишонланиши ва уларнинг мамлакатимиз

аҳолисининг тинчлик ва хотиржамлик шукухини сингдираётгани ҳам оммавий байрамларни нишонлаш илмий асосда ташкил қилишни талаб этади. Маданий-маърифий тадбирларнинг такрорланмаслик хусусияти ва глабалашув шароитларида аҳолини ахборот таҳдидларидан ҳимоялаш, миллий ғуур ва соғлом дунёқарашини шаклантириш омили сифатида эътироф этилиб ва у ёшларда ватанга муҳаббат, юрга садоқат туйғуларини шакллантиришга хизмат қилиди.

Маданий тадбирлар кишиларнинг ишдан бўш вақтида уларга керакли ахборотлар бериш, бадиий-эстетик завқлантириш, маданий-ижодий ишга жалб қилиш ҳамда уларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун ёрдам беради. Бу тадбирлар, асосан, оғзаки журнал, клуб кечалари, бадиий композициялар, маънавий тарғибот ва ташвиқот ишлари, театрлаштирилган концерт ва томошалар, ҳалқ анъаналари, оммавий байрамлар ва сайиллар каби шакллардан ташкил топади. Бадиий-оммавий тадбирлар ўз ичига маданий-маърифий муассасаларнинг асосий фаолиятини қамраб олади.

Маданий тадбирларнинг энг афзаллик томони шундаки, улар ўзида маданий-маърифий муассасалар фаолиятини кўпроқ намоён бўлади. Жумладан, уларда тарғибот ва ташвиқот иши, ҳаваскорлик ижоди, бўш вақтни мазмунли ташкил қилиш каби фаолиятлар бирлашиб кетади. Бадиий-оммавий тадбирларнинг ҳар бир шакли (оммавий байрамлар, анъанавий маросимлар, театрлаштирилган томошалар, ҳар хил кечалар, намойишлар)га мурожаат этсак, уларда тарғибот ва ташвиқот характеридаги мазмунни, ҳаваскорлик ижодининг натижаларини, бадиий-эстетик завқланиш ва ҳордиқ чиқариш учун яратилган қулайликларни яққол сезиш мумкин. Шу сабабли, бадиий-оммавий тадбир маданий-маърифий муассасалардаги барча фаолиятнинг умумлаштирилган кўзгусидир.

Маданий тадбирларни амалий ташкил қилиш назария ва методика асосида конкрет иш шаклларини ижодий уюштиришdir. Амалий ишга киришиш – бу учинчи жараёндир.

Бадиий-оммавий тадбирларни ташкил қилишга эришиш қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади:

Назарий ва илмий асосларни (жумладан, иш тажрибани ҳам) ўрганиш.

Умумий ва специфик методикани (жумладан, илфор иш тажрибани ҳам) ўзлаштириш.

Ишга ижодий ёндашиш, амалий ташкил қилиш малакасига эга бўлиш.

Бир-бирини вужудга келтирадиган ва ўзаро боғлиқ бўлган бу жараёнлар ва уларга оид масалалар мазкур ўқув қўлланманинг объекти сифатида намоён бўлади. Шу сабабли, бадиий-оммавий тадбирлар назарияси, методикаси ва амалий тажрибасини акс эттиришни кўзда тутган.

Маданий-маърифий фаолият қўп қиррали ижтимоий-маданий жараён бўлганлиги сабабли, у ҳаётнинг деярли барча соҳалари билан боғлиқ. Аввало, у кишиларнинг меҳнат фаолияти ва бўш вақти билан алоқадордир. Маданий-маърифий ишлар кишиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш, мазмунли дам олишини таъминлаш ва ишлаб чиқаришда яхши натижаларга эришишлари учун ёрдам беради. Меҳнатда қўлга киритилган ғалабаларини нишонлайди, илғор иш тажрибаларини омма орасида тарғиб қиласди.

Иккинчидан, у халқ маданиятининг таркибий қисмидир. Маданий-маърифий ишлар инсоният яратган энг яхши прогрессив халқ анъаналарини сақлайди, ривожлантиради, тарғиб қиласди. У оммани фақат маданият намуналаридан баҳраманд бўлишига шароит яратибгина қолмай, унинг маданий ҳаёт қурувчисига айланишига ҳам қўмаклашади, маданий қиёфаси – хулқ-автори, одоби ва ахлоқининг шаклланишида қулайликлар яратади.

Учинчидан, у санъат билан боғлиқдир. Маданий-маърифий ишлар халқ санъатини тарғиб қилиш билан бирга, оммани ранг-баранг бадиий ҳаваскорлик фаолиятига жалб этади, уларнинг ижодкорлик қобилиятини ривожлантиради.

Тўртинчидан, у турмуш тарзи ва маҳаллий ҳаёт билан боғлиқдир. Маданий-маърифий ишлар муайян муассаса, жамоа, оила ва шахс ҳаётини реал акс эттиради. Уларнинг олдида турган муаммоларни эчишга ёрдам беради. Маҳаллий ҳаётни маънавий мазмун билан бойитади, бадиий жиҳатдан безайди.

Маданий-маърифий ишлар фақатгина ижтимоий-маданий ҳаётнинг барча томонлари билан алоқадор бўлибгина қолмай, балки у кўпгина фанлар билан ҳам бевосита боғлиқдир.

Маданий-маърифий муассасалар ўз тадбирларини, асосан, буюк саналарга, халқаро ва иттифоқ миқёсидаги масалаларга бағишлиб ўтказади! Демак, тадбирларнинг мазмунида, асосан, муҳим воқеалар акс этиши керак эмасми? деган савол туғилиши мумкин. Албатта, бундай бўлиши қонуний, лекин маданий-маърифий муассасалар тадбирларида муҳим саналарга бағишлиган материаллар маҳаллий ҳаёт шароити призмаси орқали берилади. Масалан, 9 май — Ғалаба кунига бағишлиган байрамни олайлик. Маданий-маърифий муассасаларнинг бу байрам тадбирида совет халқининг фаизим устидан қозонган ғалабасини ёритиш билан муайян меҳнат жамоаларида бу буюк тарихий воқеада қандай роль ўйнаганлиги, маҳаллий жойда яшайдиган уруш қатнашчиларининг кўрсатган жасоратларига асосий урғу берилиши керак. Уруш қаҳрамонларининг ҳаёти ҳақида уларнинг ўз сўзларини эшитиш тадбирни жонлантиради ва таъсиричанлигини оширади. Фақат шундай ёъллар билангина бадиий-оммавий тадбирларнинг муҳим хусусияти вужудга келади.

Бу хусусиятнинг энг афзаллик томони шундаки, у умумий тадбир мавзусини маҳаллий аҳоли ҳаётига яқинлаштиради.

Маданий--оммавий тадбирларнинг барчаси маҳаллий шароит масалаларини бир хил даражада ёки бир текисда ёрита олмайди: баъзилари (масалан, маънавий тарғибот дастурлари, мавзули кечалар) бутунлай маҳаллий материаллар асосида тузилади, бошқалари (театрлаштирилган томошалар, кўнгилочар тадбирлар) ижтимоий масалаларни маҳаллий ҳаёт билан боғлаган ҳолда уюштирилади ва яна бошқалари (бадиий композициялар, тарихий кечалари) кўпроқ умумий мавзуларга бағишланиб уюштирилади.

Маданий-оммавий тадбирларнинг тўртинчи хусусияти шундан иборатки, уларда жуда кенг кўламда таъсирчан воситалар синтезлаштирилади. Тадбирлар реал ҳаётнинг ўзини ташкил қилиши билан бирга, ундаги муҳим воқеаларни ўз мазмунига сингдиради. Уларнинг моҳиятини очиш ва аҳамиятини ёритиш учун таъсирчан воситаларга мурожаат қиласиди. Тадбирда мазмун маълум бир композицион тузилиш ҳолатига келтирилиши учун ундаги барча баён қилиш ва таъсирчан воситалар ҳам бир-бирлари билан бирлаштирилади, уйғунлаштирилади. Акс ҳолда, тадбирнинг мазмуни пуч, шакли эса самараасиз бўлиб қолиши мумкин. Маълумки, тадбирлар тарғибот-ташвиқот ҳамда ахборот характеристига эгадир. Тадбирларда тарғибот-ташвиқот ва ахборот материаллари «қуруқ» ва зерикарли бўлиб қолмаслиги, яъни юқоридаги характеристли хусусиятнинг ёъқолмаслиги учун уларни мантиқ талаб қилган таъсирчан воситалар билан бадиий бойитиш лозим. Нотиқнинг оғзаки нутқини ёки тадбирдаги хужжатли информацион материалларни бадиий воситалар билан бирлаштириш - бу тадбирнинг таъсирчанлигини ва самарадорлигини ошириб бориш демакдир. Худди шундай ёъл билан воситаларнинг синтезлашиши натижасида таъсирчанлиги кучли бўлган бадиий тарғибот ва ташвиқот вужудга келади.

Қуйидаги хужжатларни ўрганиш, мазмун млоҳияти таҳлили борасида амалга ошириладиган амалий ишлар:

1. Республикализ Президентининг ёшлар маънавиятини юксалтириш борасидаги беш муҳим ташабbusи ва уни жойларда қай даражада амалга оширилаётганлик ҳолати таҳлили (тинглочилар истиқомат қилаётган ёки дарс берадиган таълим муассасаларида амалга оширилаётган ишлар хусусида);
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 28 июлдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги ПҚ-3160 сонли қарори мазмун моҳиятини ўрганиш;

3. Президентимизнинг 2018 йил 28 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4038 сонли қарорларининг мазмун-иоҳиятини ўрганиш, таҳлил қилиш ва бу борадаги ютуқ ва камчиликлар хусусида амалий сұхбат.

Ҳар бир тингловчи мустақил равишда ушбу мавзулар бўйича тайёргарлик кўрадилар, амалга татбиқ этиш, мазмун-моҳиятини талбаларга етказиш, фаолиятни яхшилаш борасида изланадилар.

Тингловчиларнинг ташкилотчилик қобилиятини ўрганиш бўйича берилган мавзулар орқали ташкилий ва ижодий ишларни амалга ошириш борасида қиласидиган ишлари кетма-кетлигини аниқлаб, ёзадилар (ёки оғзаки айтишлари ҳам) мумкин.

Ҳар бир тингловчига қуидаги мавзулар асосида маданий-оммавий тадбирнинг режаси, ижодий ва ташкилий жараёнлар кетма-кетлигини аниқлаб бериш вазифаси берилади:

1. Одам савдосига қарши кураш мавзуси
2. Буюк аждодларимизнинг маънавий-меросларини ўрганиш, улар фаолиятини ўрганишга қаратилган (масалан, Ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг таваллуд топган куни муносабати билан “Шеърият мулкининг султони” мавзусида тадбир);
3. Ўзбекистон Республикасининг Конститусияси куни муносабати билан тадбир;
4. 9-Май – Хотира ва қадралаш (Ғалаба) куни мавзуси;
5. Гиёҳванликка қарши кураш мавзуси
6. Наврӯз байрами
7. Мустақиллик байрами
8. Эркин мавзуда юқорида берилган мавзулар асосида иш олиб бориш мумкин.

Бунда тингловчиларнинг педагог томонидан фикрни баён эта олиш қобилияти ўрганилади, тинглочилар эса маданий-оммавий тадбирларни ташкил этиш кўнимасига эга бўладилар.

Янги давр, янги мазмун ва янги шакл анъаналарининг пайдо бўлиши, мустақил халқнинг қувончли дақиқаларини тантана қилишга имкон берадиган янги тадбирлар яратишни тақазо этади. Жумладан, истиқлолни шарафлайдиган "Мустақиллик байрами" тадбири ҳаётимизнинг бош қонунини тарғиб этадиган "Конституция" куни расмий тадбир сифатида нишонланадиган бўлди. Эндиликда келажак авлодни тарбиялашда алоҳида рўл ўйнаётган шарафли касб эгалари меҳнатини улуғлайдиган "Ўқитувчилар ва мураббийлар куни", ўтган аждодлар ёдини эсга олишга бағишлиланган

"Хотирлаш ва қадрлаш куни" тадбирлари мамлакатимизда кенг нишонланмоқда.

Семинарларни ташкил этиш ҳам маърифий тадбирлардан ҳисобланади. У илмий, амалий, ўқув жараёнлари –инсонларга илм бериш, билимларни мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилади. Семинар-бу маълум мавзуга бағищланган ахборотни тегишли соҳа мутахассисларига етказиш воситасидир.

Семинар турлари:

- иш тажрибасини оммалаштириш;
- қасбий малака ва маҳоратни оширишга оид маълумотларни етказиш;
- ташкилот ёки жамоа фаолиятига оид маълумотларни бериш;
- аниқ бир муаммога эътиборни қаратиш юзасидан статистик маълумотлар таҳлилини бериш;

Семинарларни ташкил этиш тартиби:

- мавзуга оид материалларни тўплаш;
- тегишли мутахассисларни жалб этиш;
- семинар дастури ва таклифномасини ишлаб чиқиши;
- қатнашчилар ройхатини тузиш;
- семинар ўтиш жойини мавзуга оид кўргазмали куроллар билан жиҳозлаш;
- техник воситалар билан таъминлаш (экран, проектор, видео-аудио магнитофон, микрофон).

Семинарларни ташкил этиш давомида қўлланилиши тавсия этиладиган самарали усуслар:

- анъанавий маъруза;
- илгарилangan маъруза;
- тақдимот.

Семинарлар ташкил этишнинг намунавий мавзулари:

- «Шоир, ёзувчилар ижоди билан танишув»;
- «Юқори ташкилотлар томонидан қабул қилинган қарор, буйруқ, фармойиш, тавсиялар билан танишув»;
- «Илғор иш тажриба минбари»;
- «Ташкилот, корхона ёки таълим муассасаларининг эришган ютуқдари»;
- «Меъёрий ҳужжатлар билан танишув»;
- «Тадбирларни ташкил этишга оид масалалар» ва ҳоказо.

Ёки давра сұхбатини олайлик. Давра сұхбати – ғоялар ёки маълум бир муаммо ечимини ҳамкорликда топишнинг самарали шаклидир. Давра сұхбатида иштирокчилар бирор бир мавзу бойича ўз билимларини чуқурлаштиради, мавжуд билимларини қўллаш имкониятига эга бўлади ва

жамоада ишлашни ўрганиш орқали таклиф этилган фикрлар орасидан оқилонасини танлаб олиш асосида, ягона фикрга келиш қўникмалари шакллантирилади.

Давра сухбатлари турлари:

- ғояни ривожлантиришга бағишенган;
- муаммонинг ечимини топишга қаратилган;
- глобал муаммоларга жамоатчилик эътиборини қаратишга мўлжалланган;
- ёшларнинг ижод намуналарини намойиш этишга бағишелланган.

Давра сухбатларини ташкил этиш тартиби.

1. Тайёргарлик даври:

- давра сухбати мавзусини ва кўриладиган масалаларни аниқлаш учун сўровнома ўтказиш;
- қатнашчиларга олдиндан давра сухбати мавзусини эълон қилиш;
- мавзуга оид материалларни тўплаш.

2. Ташкилий давр:

- қатнашчилардан гуруҳларни шакллантириш;
- даврани олиб борувчини тайинлаш;
- олимлар, санъат усталари, тажрибали мутахасисларни жалб этиш;
- мавзуга оид методик қўлланма, адабиёт, мақолалар, статистик маълумотлар билан таъминлаш;
- давра сухбатини ўтказиш тартиби (сценарийси)ни ишлаб чиқиш.

Давра сухбатларини ташкил этиш давомида қўлланилиши тавсия этиладиган самарали усуллар:

- ақлий хужум;
- брифинг;
- ёзма ва оғзаки давра сухбати;
- инсерт.

Давра сухбатларини ташкил этишнинг намунавий мавзулари:

- «Ёзувчи, шоир, олимлар ижоди билан яқиндан танишиш»;
- «Муаммоларни ўрганиш, тахлил этиш асосида уларнинг самарали ечим вариантларини излаб топиш»;
- «Илғор иш тажрибасини ўрганиш»;
- «Ўз касбининг моҳир, ижодкор усталари билан бевосита мулоқот ўтказиш»;
- «Ёш мутахассислар билан ишлаш»;
- «Меъёрий хужжатлар билан таништириш»;
- «Тадбирларни ташкил этишга оид масалалар» ва ҳоказо.

Мавзувий учрашувлар (тематик кечалар) - маълум бир тантанали санага, қизиқарли мавзуга ёки бирор-бир ижтимоий аҳамиятли ҳодисага бағишиланган соҳанинг етук намоёндалари билан ўтказиладиган тадбирдир.

Мавзувий унрашув турлари:

- ижтимоий аҳамиятли ҳодисаларни ўрганиш;
- санъат ва маданият соҳаси билан танишиш;
- фан арбоблари, фаҳрийлар, устозлар иш тажрибасини ўрганиш;
- ҳукуқ-тартибот органлари вакиллари билан мулоқот;
- мудофаа ва давлат идоралари вакиллари билан мулоқот;
- тиббиёт муассасалари вакиллари билан мулоқот.

Мавзувий учрашувларни ташкил этиш тартиби:

- учрашув дастурини ишлаб чиқиш ва таклифномаларни тайёрлаш;
- олимлар, санъат усталари ва тажрибали мутахассисларни таклиф этиш;
- мавзуга оид қўргазмали қуроллар билан зални жиҳозлаш;
- даврани олиб борувчини тайинлаш;
- техник воситалар билан таъминлаш (экран, проектор, видео-аудио магнитофон, микрофон).

Мавзувий учрашувларни ташкил этиш давомида қўлланилиши тавсия этиладиган самарали усуллар:

- брифинг;
- оғзаки давра сухбати;
- анъанавий маъруза;
- илгариланган маъруза;
- тақдимот.

Мавзувий учрашувларни ташкил этишнинг намунавий мавзулари:

“Давлат ва фан арбоблари, фаҳрийлар, устозлар, турли ютуқларга эришган шахслар билан учрашувлар”;

“Санъат, маданият, спорт ва бошқа соҳаларнинг етук намоёндалари билан учрашувлар”;

“Давлат ҳокимияти, мудофаа, ҳукуқ-тартибот идоралари, тиббиёт муассасалари ва маъмурият вакиллари билан ижтимоий ҳодисаларга бағишиланган учрашувлар” ва ҳоказо.

Тадбирларни тайёрлаш жараёнида қуйидаги амалий ишларни бажариш, масалан, сахна қўринишлари ташкил этишнинг намунавий мавзулари қуйидагича бўлиши мумкин:

- тегишли мавзуларга оид ижобий ва салбий образларни ёритиш;
- муаммоли, зиддиятли вазиятларнинг мазмун – моҳиятини очиб бериш;
- тарбиявий мавзуларни ёритиш;
- кўнгилочар, қизиқарли ҳажвиялар, ҳангомалар;

- сўз усталари;
- мусиқали, театрлаштирилган намойишлар.

Байрамлар – халқ ҳаёти ва турмушига сингиб кетган, авлоддан-авлодга мерос бўлиб келаётган, муайян сана, маълум вақт ичида мунтазам уюштирилиб туриладиган маданий-оммавий тадбирлардир. Байрамлар ижтимоий, маданий ва маънавий соҳалардаги ютуқларни намойиш этувчи, эришилган ютуқлар асосида ёшларни тарбияловчи муҳим воситадир.

Байрам турлари:

- Умумхалқ байрамлари;
- Давлат ва миллий байрамлар;
- Диний байрамлар.

Байрамларни ташкил этиш тартиби:

- маънавий-маърифий тадбирлар уюштириш;
- кўнгилочар, эстетик завқ-шавқ олишга бағишлиланган томошали ойин-кулги тадбирларини ташкил этиш;
- байрамни оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш;
- саҳнани мавзуга мос қилиб, дид билан безатиш;
- Давлат рамзларини тўғри жойлаштириш;
- маънавий-маърифий, тарбиявий ёъналишдаги лавҳалар, шиорлар билан ёритиш;
- катта зални байрамона безатиш, ўриндиқларни ҳозирлаш;
- байрамга маҳалла оқсоқоллари, хайрия жамғармалари, ҳомий ташкилотлар ва матбуот вакиллари, ёзувчилар, санъаткорларни таклиф этиш;
- байрамни ўтказиш учун зарур бўлган техник ва мусиқий асбоб-ускуналар, бошловчи, бадиий жамоа билан таъминлаш.

Байрам тадбирларини ўтказиш усуллари:

- қисқа маъруза (10-20 дақиқа);
- табриклар, тилаклар, истаклар билдириш;
- шеърхонлик ва мушоираларни ўтказиш;
- бадиий жамоаларнинг чиқишилари;
- турли хил танловлар уюштириш.

Маданий-оммавий тадбирларнинг яна бир оммалашган турларидан бири кўрик-танловлардир. Кўрик-танловлар - маълум бир соҳадаги билим, мутахассислик ва касб-хунарга ёшларнинг қизиқишиларини ошириш мақсадида ўтказиладиган танловдир. Кўрик-таилов турлари:

- ижод намуналарининг қўргазмасини ташкил этиш асосида;
- қобилият ва қўникмаларни намойиш этиш асосида;
- билимларини амалиётда қўллай билишга қаратилган.

Кўрик-танловни ташкил этиш тартиби:

- танлов сенарийсини ишлаб чиқиши;
- қатнашувчилар ройхатини тузиш;
- ижод намуналари кўргазмасини ташкил этиши;
- саволлар ва жавоблар ройхатини тузиш;
- бошловчини тайёрлаш;
- ҳайъат аъзоларини белгилаш;
- техник воситалар ва зарурый жиҳозлар билан тўлиқ таъминлаш;
- ғолибларни рағбатлаитириш мақсадида ҳомий ташкилотларни жалб қилиш.

Хулоса сифатида шуни айтиш керакки, маданий-оммавий тадбирларни ташкил этувчилар тадбирларни ташкил этишнинг назарий асослари билан бир қаторда амалий жиҳатдан ташкил этиш қонуниятларини ҳам билиши муҳимдир.

2- амалий машғулот. Маданий-оммавий тадбирлар – инсонлар бўш вақтини мазмунли ўтказишига қаратилган фаолият

- 1. Байрамлар- оммавий маданий тадбирларнинг олий шакли*
- 2. Маданий-оммавий тадбирлар –инсонларнинг бўши вақтларини самарали ўтказишига қаратилган фаолиятдир*

Ўрта Осиёning бошқа халқлари қатори водий ўзбеклари анъанавий дехқончилиги ҳам шарқ халқлари тақвими асосида олиб борилган. Баҳорги дала ишлари, маҳаллий тақвимга кўра, янги йил - қуёшнинг балиқ (хут) буржидан қўй (хамал) юлдузлар туркумига ўтган вақтдан бошланган. Ҳозирги амалдаги ой календари бўйича бу 21 мартдан бошланиб 21 апрелгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бошқачасига, дастлабки дехқончилик юмушлари Наврўз тантаналари билан бир пайтда бошланган.

Наврўз байрами, унинг вужудга келиши ва тарихи ҳақида кўплаб қадимий сарчашмаларда, жумладан, Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», Умар Хайёмнинг «Наврўзнома», Фирдавсийнинг «Шохнома», Навоийнинг «Тарихи мулуки Ажам» ва бошқа олимларнинг қатор асарларида, зардуштийлик (маздапарастилик) динига оид манбаларда қимматли маълумотлар берилган. Уларнинг кўпчилиги мифологик, афсонавий моҳиятда бўлса-да, маълум даражада ҳақиқатни акс эттирувчи, маънавий меросимиз хазинасига мансуб дурдоналардир.

Тарихий манбаларда келтирилишича ва олимларимиз фикрига қўра, Наврўзниң шаклланиш даври -энг қадимги замонлардан „зардуштийлик“нинг пайдо бўлишигача давом этган асрларни ўз ичига олади.

ХВИИ-ХВИИИ асрлар тарихий ва адабий манбаларида Наврўз тўғрисидаги маълумотлар кам учраса-да, XIX асрга келиб халқ орасида байрамлар, томоша-ю сайиллар ўтказиш кўпроқ кўзга ташлана бошлади. Абдулаҳадхон, Саид Олимхон хукмронлиги йилларида Бухорда Наврўз байрамида санъаткорлар, хонанда, раққос ва масхарабозлар халқ сайилларига файз бағишлигандар. Турли байрам таомлари пиширилган, сумалак, халим, кўк сомса, ялпиз чучвара кабилар дастурхонларни безаган. Юртимизнинг турли ҳудудларида "лола сайли", "сумбула сайли" ва "қизил гул" сайли каби маросимлар утказилган.

Машхур мутафаккир олим Абу Райхон Беруний Наврўз тарихи ҳақида шундай ёзади: "Эрон олимларининг баъзиси шу кунни "Наврўз" деб аташининг боиси шундаки, Жамшид (қадимги Эрон шохларидан бири) подшох бўлгач, мажусийлар динини янгилади. Ушандан буён шу янгиланиш эълон килинган кун "Наврўз - Янги кун" деб аталади.

Бироқ, баҳор байрами Жамшидшоҳдан ҳам олдин нишонланганлиги ҳақида Умар Хайёмнинг "Наврўзнома" асарида қайд этилган.

Наврўз собиқ советлар даврида Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа қисмларида очиқ нишонланмаган. Бир неча минг йиллик тарихга эга бу байрам Ўзбекистонда айниқса 1980-йилларга келиб расман тақиқлангани ҳақида маълумотлар бор. Бу даврга келиб, дейди якин тарихни шарҳлаётган айrim мутахассислар, Ўзбекистонда миллийлик туйғуси кучая бошлаган. Мустақилликдан кейин эса Наврўз давлат миқёсида кенг нишонланадиган байрамга айланди. Дастлаб маданий айём сифатида қурилиб, халқ сайли сифатида тантана килинган Наврўз бугунга келиб анча сиёсий-расмий тус олган. Собиқ советлар даврида Наврўзниң тақиқланиши икки босқичда кузатилган. "Аввал 1920-йилларда „худосизлар жамияти“ни тузиш даврида, одамларни диндан воз кечасан, деб мажбурлаш пайтида, Наврўз ҳам тақиқланган байрамлар қаторига кирган", — дейди тарихчи олим Файзулла Исхоқов.

«Иккинчи жаҳон уруши»дан кейинги йилларда Наврўзни «қозон тўлди» деб ҳам аташган. Ўтрок туркийлар бу байрамда етти хил овқат қилишган. Уни янги йил сифатида кутишган. Кейинги йилгача қозонимиз тўлиб турсин деган маънода. Айrim жойларда лола байрами сифатида нишонланган", — дейди Хайитбой Абдуллаэв.

Хуллас, халқимиз бу байрамда байрамона ясаниб, сайлга чиқишилари, хилма-хил таомлар тайёрлаши, қушиклар айтиши, турли хил ўйин-кулгилар ва

беллашувлар, мусобақалар ўтказиши Наврўз байрамининг удумларидан хисобланади.

Хўш, дунёning бошқа мамлакатларида бу айём қандай нишонланади? Туркияда. 21 март Янги йил байрами сифатида кенг нишонланади. Туркияда, умуман, Наврўз байрами нишонланадиган халқларда бомдод намозидан сўнг одамлар қабристонларни зиёрат қилишади, қабрларнинг атрофини тозалайдилар, ўтганларнинг руҳига дуо ўқилади.

Бошқирдистонда. Маҳалла оқсоқоллари томонидан сайлаб қўйилган байрам ташкилотчиси бир гурӯҳ ёш йигитлар билан қишлоқдаги барча ховлиларни айланиб чиқади. Улар хар бир хонадон соҳибларини тадбиркорлиги ва саҳийлиги учун мактаб, эзгу-тилаклар билдиришади. Уй эгалари эса йигитларга турли ноз-неъмат ва кийим-кечаклар совға қиласидилар. Янги йил байрами куни бу юртда югуриш, рақс ва қўшиқ айтиш бўйича бир - биридан қизиқ мусобақалар ўтказилади.

Афғонистонда. Наврўз қадимдан байрам сифатида нишонланади. Афғонистонда хукумат алмашганидан кейин нишонланаётган биринчи расмий байрам ҳам Наврўздир. Мамлакатда Наврўз байрами маҳаллий халқ орасида "Деҳқон куни" деб ҳам аталади.

Наврўз байрами билан боғлиқ энг қизиқ удум ва иримлар **Қурдистон, Эрон ва Шимолий Хиндистонда** истиқомат қилувчи айrim қавмларда сақланиб қолган. Бу ўлкаларда байрам дастурхонига албатта кўзгу кўйилади (Кузгу ўтмишни акс эттириб, келажакни кўрсатади, деган маънода). Дастурхонга шам (ёруғлик рамзи) ва балиқ солинган идиш (баҳтли ҳаёт тимсоли) кўйилади.

Хитойда. Хитой Халқ Республикасининг Ғарбий худудларида Наврўз нафақат туркийзабон қавмлар, балки хитойликлар томонидан ҳам кенг нишонланади. 21 март куни одамлар ёрқин либосларга бурканишиб, қўлларида гулдаста ва лойдан ясалган хўқизларнинг ҳайкалчалари билан ибодатхонага ёъл олишади. Байрамнинг энг улкан - бош хўқизи эса бамбук ва қофозлардан ясалади. Жонивор олов, сув, темир, дараҳт ва ер рамзларини англатувчи – қора, оқ, қизил, яшил ва сариқ рангларга боялади. Байрам қизиган бир паллада барча ҳайкалчалар майда-майда қилиб синдирилиб, бамбуқдан ясалган улкан хўқиз оловда ёндирилади.

Бухорода бу - деҳқончилик байрами «Наврўз и кишаварзон» — «деҳқонлар байрами» деб номланган. Зардуштийларда йил фасллари билан боғлиқ байрамлар, Наврўз, ойлар байрами, аждодлар эътиқоди, турли дуолар айтиш, покланиш маросимлари, ўсмиirlарни зардуштийликка қабул қилиш (сидрапушлик оқ либос кийиб, белбоғ боғлаш) ва бошқа тантаналар муҳим рўл ойнаган.

Ҳар бир мамлакатнинг байрам ва шодиёналари ўзида мана шу халқнинг тарих мобайнида эришган ютуқлари ва босиб ўтган йўлини мужассам эттиради. Бугунги кунда Ўзбекистондаги байрамлар хилма-хил бўлиб, улар давлат, диний, касбий ва халқаро каби турларга бўлинади. Мазкур байрамлар хукумат томонидан дам олиш куни сифатида эълон қилинган.

1 Январь – Янги йил. Янги йил байрами Юлий календарига асосан 1-январь куни нишонланади.

14 Январь – Ватан ҳимоячилари куни. Ўзбекистон қуролли қучлар байрами ғурур ва ифтихор билан ўтадиган ва кенг нишонланадиган байрам.

8 Март – Халқаро хотин-қизлар куни. Назокат, нафосат, гўзаллик, севги байрами ҳисобланган Халқаро хотин-қизлар куни ҳам Ўзбекистонда оммавий тарзда нишонланадиган байрам ҳисобланади.

21 Март – Наврӯз байрами. Мазкур байрам минтақада уч минг йилдан буён шарқ йилномасига мувофиқ янги йилнинг кириб келиши сифатида нишонланиб келинмоқда.

9 май – Хотира ва қадрлаш куни. Шу куни қариялар ҳолидан хабар олинади, қабристонга борилиб, у ерлар обод қилинади, ўтганларнинг ёрқин хотираси эсга олинади.

1 сентябрь – Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни. Ўзбекистоннинг расмий миллий байрами. Ўзбекистон Республикасининг Мутақиллик куни 1991 йилнинг 31 августида эълон қилинган ва ҳар йили 1 сентябрь куни нишонланади.

1 октябрь – Устоз ва мураббийлар куни. Ўқувчилар ўзларининг устоз ва мураббийларини байрам билан табриклайдилар ва бу байрам таълим муассасаларида мамлакат миқёсида нишонланади.

8 декабрь – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун. Шак-шубҳасизки, мазкур кун Ўзбекистонни суверен ва демократик давлат бўлиб шаклланиши, ривожланишида муҳим ўрин тутган кун ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 1992 йил 8 декбарда қабул қилинган. Шунинг учун ҳам ҳар йили ушбу кун алоҳида байрам сифатида нишонланади.

Шунингдек, “Ийд ал- Фитр” ва “Қурбон Ҳайит” каби диний байрамлар ҳам бўлиб, уларнинг саналари ҳар йили ҳар хил вақтга тўғри келади. Мазкур байрамлар бутун ислом оламида оммавий тарзда нишонланади. Бу байрамлар Ислом оламида кенг нишонланади.

Амалий машғулот:

Юқорида берилган байрам қунлари бўйича аниқ бир байрамни танлаб, унинг келиб чиқиши тарихини аниқлаш лозим бўлади. Яъни, нима учун, масалан, 8-Март - Халқаро-хотин қизлар куни айнан 8-март куни нишонланади

ёки нима учун айнан 21-ноябрь –Халқаро талабалар куни деб эълон қилинган, мазмунидаги саволларга жавоб топиш керак бўлади.

2. Маданий-оммавий тадбирлар –инсонларнинг бўш вақтларини самарали ўтказишга қаратилган фаолиятдир

Маданий-оммавий тадбирлар - инсонларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга, уларнинг маънавий оламини кенгайтиришга, маънавий ва эстетик эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ташкилий ва ижодий ишлар уйғуналигига вужудга келадиган фаолиятдир. Маданий-оммавий тадбирларнинг энг яққол кўринишларидан бўлмиш байрамлар бой тарихга эга бўлиб, унинг илдизи қадимги халқларнинг урф-одатларига, маросимларига тақалади. Оммавий байрам ва томошалар пайдо бўлиш жараёнларини, турли ёъналишларининг шаклланишини билиш бундай мураккаб синтетик жанрни ўрганаётган бўлажак режиссёрларга жуда ҳам зарур. Шунинг учун ҳам оммавий байрам ва томошалар асосини амалий ўрганишда бу жанрнинг ривожланиш ёълини, унинг хилма-хиллигини ва асосий босқичларини ўз ичига олган назарий маърузалар ҳам ўқилади.

Маданий-оммавий тадбирларни ташкил этиш –уларнинг турлари хусусияти жиҳатидан ёндошишни талаб этади.

Маданий тадбирлар турлари

- Давра сухбати
- Мавзули кечалар
- Кўрик-танловлар
- Викториналар
- Байрамлар
- Концертлар
- Дебат
- Спектакль (саҳна кўринишлари)
- Кинофильмлар намойиши
- Юбилей, туғилган кунлар
- Учрашувлар
- Театрлаштирилган (бадиий) спорт томошалари
- Кўргазмаларни ташкил этиш
- Тарбиявий соатлар
- Маданий-маърифий ва тарбиявий ишлар
- Музейлар, маданият ва санъат масканларига, театр, концертлар, томошагоҳларга, зиёратгоҳларга, дам олиш мақсадида, экология масалалари бўйича табиат қўйнига экскурсиялар-ташрифлар

Тадбирлар ўтказиш бўйича тахминий мавзулар номлари
Масалан: Гиёҳвандликка қарши қураш мавзулари:
Биз гиёҳвандликка қаршимиз!
Гиёҳвандлик аср вабоси
Гиёҳвандликдан сақланинг!
Соғлом турмуш тарзи
Гиёҳвандлик – ёмон иллат!
Ёшлар – гиёҳвандликка қарши!

Ватанини улуғлаш, мустақилликнинг қадрига етиш, жамиятга фойдали инсон бўлиб етишиш каби мавзулар:

“Мустақиллик – олий неъмат!
“Хурлик тимсолисан, она Ватаним!”,
“Ватан ягона, Ватан муқаддас!”,
дўстлиги – юрт бойлиги”,
“Буюк аждодларимизга муносиб ворис бўламиз”,
“Миллий анъана ва урф-одатлар – миллатимиз тимсоли”,
“Маънавий тарбия ва миллий мусиқа”
“Миллатлараро биродарлик – азалий одат”,
“Ягона оила фарзандларимиз”
– умумий уйимиз!”
“Конституция ва ўзбек миллий давлатчилиги анъаналари”,
“Ўзбекистон – суверен демократик Республика”,
“Давлат – бу халқ ҳокимияти”,
“Давлат ҳудуди мустақиллик нишонаси”,
“Тил – давлат белгиси”,
“Ўзбекистоннинг давлат рамзлари – юртимиз шуури”,
“Халқ ҳокимиятчилигининг асосий шакллари”,
“Демократия ва инсон ҳуқуқлари”,
“Ижтимоий адолат ва қонунчилик”,
“Конституция ва қонун устуворлиги”,
“Конституция – ҳуқуқнинг асосий манбаи”

Спорт, экология, соғлом турмуш тарзи мавзуларига оид тадбирлар
“Биз соғлом авлодлармиз”,
“Соғлом ҳаёт – соғлом келажак”,
“Асримиз паҳлавонлари”,
“Ҳамиша соғлом бўл болажон”,
“Табиат – ижодкор”,

“Ўзбекистон табиати”,
 “Қушлар бизнинг дўстимиз”,
 “Антиқа ўсимликлар дунёси”
 “Боғнинг яшил табиати”,
 “Боғнинг жонли бурчаги”
 “Келажак овози”

Тематик кечалар, давра сухбатлари, дебатлар
 “Репродуктив саломатлик - жамият соғломлиги”
 “Қизлар ибоси билан гўзал”
 “Жиноятчилик, гиёҳвандлик ва диний экстеримизмга қарши қурашиш –
 барчамизнинг вазифамиз!”

Юбилей тантаналари:

“Шеърият мулкининг султони”
 “Шеърият бўстони” кабилар маданий-оммавий тадбирлар турларига
 киради.

“Давра сухбати”

Ҳозирги кунда энг кўп ва энг тез ташкил қилинадиган тадбир турларидан бири – бу давра сухбатидир. Давра сухбати – номланишидан маълум бўлиб турибдики, маълум давра доирасида, аниқ мавзулар атрофида сухбат тариқасида ташкил этилади. Тадбирнинг бу турини ташкил этишда жуда катта тайёргарлик олиб борилмаслиги ҳам мумкин. Битта долзарб мавзуу атрофида сухбат борадиган бўлса, битта ёки иккита шу мавзуу бўйича маълумот берувчи, қолганлар эса тинловчи сифатида иштирок этиши мумкин. Бу давра сухбатининг энг содда шаклларидан ҳисобланиб, жуда тез ташкил этилиши билан эътиборга молик. Масалан, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ўтказилган “ИШИД фитнаси” мавзусида ўтказилган тадбирда Мирзо Улугбек тумани ички ишлар ходимларидан 2та вакил келиб, қисқа, лўнда қилиб, маъruzani ўқидилар. Институтдан эса бу тадбирни ўтказиш бўйича маъсуллар ҳамда талабалардан бир нечтаси чиқиб ўз фикр-мулоҳазаларини билдиридилар. Савол –жавоблардан сўнг тадбир ўз якунини топди. Бундай тадбирларда маъсуллар керакли жиҳозларни тайёрлаш билан чегараланадилар. Масалан, микрофонлар, проекторлар ва бошқаларни тайёрлаб берадилар. Бунда актёрлар билан ишлаш, репитициялар ўтказиш каби ишлар амалга оширилмайди. Бу тадбирни ўтказиш учун сценарий ёзиш ёки маҳсус режиссёр таклиф этиш ҳам шарт эмас.

Давра сухбатларининг бундай оддий шаклидан жуда кўп марта фойдаланамиз. Лекин, ҳар қандай ҳолатда ҳам тадбирни ташкил этишда сценарий режаси, таклифнома ёки дастурлар ишлаб чиқилиши шарт.

Давра сұхбатининг мураккаб шаклда ташкил этилганлик формалари ҳам бор. Мавзуга оид маълумотларни етказиш шакли устида бош қотириш, турли саҳна кўринишлари, концерт дастурлари иштирокида ўтадиган давра сұхбатларини ташкил этишда албатта ташкил қилувчи, саҳналаштирувчи ижодкорнинг иштироки талаб этилади.

Жуда кўп ҳолатларда ўтказилаётган давра сұхбатлари –маълумотларни етказиш билан чегараланиб қолади. Бунда маълумотларнинг инсонлар онгига таъсир қилиш даражаси паст бўлиши мумкин. Аслида эса, маълумотларни етказиш билан бир вақтда уларга таъсир қилиш, уларнинг онгини эзулик томонга йўналтириш, энг асосийси ғоявий талқин масалаларига катта эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Мисол учун, гиёхвандлик бўйича тадбир ташкил этиш лозим, деган топшириқни олдингиз. Бу давра сұхбатини фақат маъруза қилиш орқали ўтказсак, унинг таъсир аҳамияти жуда паст бўлиши мумкин. Бу тадбирни ташкил этиш учун маҳсус, бадиий жиҳатдан мукаммал сценарий ёзиш ҳамда уни ўтказиш ёки саҳналаштириш ишлари билан шуғулланувчи маъсул ходим ҳам тайинланиши керак бўлади. Режиссёр ёки сценарист шу тадбирни ўтказишнинг режасини тўлиқ ишлаб чиқади ва репитицияларни ташкил этади. Гиёхвандликка қарши кураш бўйича турли фото-кўрик-танловлар, кўргазмалар, турли хил слайдлар, саҳна кўринишлари, куй-кўшиқлар ва бошқа санъат турларидан унумли фойдаланиш лозим бўлади. Гиёхвандликнинг заарли оқибатларини турли воситалар орқали инсонлар онгига етказиш ва уларга таъсир қилиш, бу иллатдан қутулишга ёрдам бериш, унинг заарли оқибатларини ишонарли далиллар билан тушунтириш йўлидан бориш тадбирнинг салмоғини оширади.

Шу тадбирда спектакллардан парчаларни бериш мумкин. Аммо, спектаклни тўлиқ қўйиш шарт эмас. Масалан, Н.Қобилнинг “Тўда” асаридан парча олиб кичик саҳна кўринишини тайёрлаш мумкин.

Одатда, давра сұхбатлари кўпинча оғзаки шаклда, сұхбат тариқасида ўтади. Икки томоннинг, яъни тингловчи ва маълумот берувчилар ўртасидаги муносабатларга бадиийлик нуқтаи назардан ёндошиш ҳамда ижод намуналаридан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Тадбирларни ташкил этишда яна шуни эътиборга олиш керакки, тадбир –тадбир учун, кимдир шуни ўтказгин, деб айтгани учун эмас –аниқ тарбиявий мақсадларни амалга ошириш учун ўтказилиши лозим.

Давра сұхбатларининг яна бир жиҳати шундаки, бу жуда тез, фавқулотда бажариш лозим бўлган масалаларни ҳал қилишга қаратилган бўлиши мумкин.

Бадиий спорт томошалари

Спорт ва санъат соҳалари мамлакатимизни дунёга тараннум қилувчи ўта катта қудратли воситалардан бири эканлиги ҳаммамизга маълум.

Бадиий спорт тадбирларини ташкил этишдан мақсад –соғлом турмуш тарзи, инсонлар саломатлиги, уларнинг ҳам маънан ҳам жисмонан етук бўлишлари, бир сўз билан айтганда – инсонларнинг бўш вақтларини мазмунли ўtkазиш, уларга маънан ҳамда жисмонан мадад бериш,

Юртимиз мустақилликка эришгач спорт томошаларининг бадиий жиҳатларига катта эътибор берила бошланди. Шу жиҳатдан олиб қаралганда юртимиизда спорт ишларини янада такомиллаштириш борасида кўплаб ҳайрли ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон телевидениясида “Спорт” каналининг фаолияти бунга мисол бўла олади.

Спорт ва санъат – бу мамлакатни бошқа юртларга таништирувчи восита, элчи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам давлатимиз сиёсатида спорт ва санъатни ривожлантиришга қаратилган бир қанча қарор ва фармонлар, фармойишларига гувоҳ бўламиз. «Соғ танда соғлом ақл» деганларидек, жамият учун ҳам соғлом инсонлар зарурдир.

Санъат нозикликни, майнликни, жозибадорликни, спорт эса қатъиятни, жисмоний бақувватлиликни, қаттиққўлликни талаб қиласди. Ташқаридан қараганда бу икки ҳодисани бир-бирига боғлаш мумкин эмасдай туюлади. Бундай муваффақиятли уйғунликка фақат театрлаштириш усуллари орқали эришиш мумкин.

Театрлаштирилган спорт томошаларига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Афинада бўлиб ўтган Олимпиада ойинларининг очилиш ва ёпилиш қисмларидаги театрлаштириш усулларининг юксак маҳорат билан қўлланганлиги бунга мисол бўла олиши мумкин.

Ҳар бир тадбир томошасини саҳналаштириш жараёнида режиссёр ўз олдига олий мақсадни қояди. Яъни, бундай тадбирлар томошаларининг бир-бирига беғараз, нафрат кўзи билан қарашига ёъл қўймасликлари, бир-биrlарига нисбатан душманга айланиб қолмасликлари, бир-биrlарини рақиб сифатида эмас, дўст, aka-ука сифатида қабўл қилишга, мағлубиятни тан олиб, янада кўпроқ меҳнат қилишларини тушуниб олишлари ва энг асосийси бир-биrlарига ҳурмат нуқтаи назарида муносабатда бўлишларига эришиш лозим.

Бадиий спорт томошаларининг яққол намуналарини турли спорт мусобақалари, Олимпиада ўйинларининг очилиш ёки ёпилиш маросимларида кузатиш мумкин.

Спорт ва санъат алоҳида соҳа бўлсалар ҳам уларнинг асл мақсадлари бир хилдир.

Бадий спорт томошаларини ташкил этиш асосан мусобақа, беллашувлар асносида ташкил этилади. Бу жараёнда қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- спорт майдонини, яъни тадбир ўтадиган жойни ўрганиш;

- спорчилар ва санъаткорлар чиқишиларини кетма-кетлигини ишлаб чиқиш;

- спорт ва санъат уйғунлигига эришиш;

- спорт соҳасини бадиийлаштиришга оид усулларни ишлаб чиқиш;

- репитицияларни ташкил этиш ва бошқа иш жараёнида юзага келадиган вазиятларни таҳлил қилиш ва ишларни режалаштириш;

Бадий спорт томошаларини ўтказишида тадбир ташкилотчилари спорт

ва ижод соҳаларининг уйғунлигига эришишла

Юртимиз мустақилликка эришгач, кишилар онги, дунёқараши, тафаккури, мақсад ва интилишлари, бир сўз билан айтганда маънавий-мафкуравий оламида, рухий табиати ва ҳатто қиёфасида улкан ўзгаришлар пайдо бўла бошлади. Бу борада Президентимиз ва ҳукуматимизнинг маънавият, маърифат, мафкура, маданият, санъат ва ғоявий ёъналиш борасида олиб борилаётган ҳаётий ва одилона сиёсати муҳим омил бўлиб хизмат этмоқда. Зеро, гап маънавият, мафкура, ғоя, санъат, маданият ва маърифат ҳақида борар экан, унда маданий тадбирларнинг жамият тараққиётидаги муҳим аҳамияти бекиёслигини ҳеч ким инкор этолмайди. Оммавий санъат асарлари хисобланган театр, кино ёки оммавий тадбирларни мазмунли, мақсадли ниятга эришишда санъатнинг барча турларидан фойдаланилади ва томошабинларга тақдим этилади. Аммо, деярли ташкил этиладиган барча тадбирларнинг асосида маънавий, тарбиявий ва аҳлоқий, маърифий жараёнларнинг ётганлигига шубҳа йўқ.

ном билан маданий-тадбирлар деб айтсак тўғри бўлади.

Маданий тадбирлар турлари тўғрисида гап борганда, маълум сценарий асосида ўтказиладиган барча тадбирлар мажмууни - маданий тадбирлар дейиш мумкин. Турли жанрларда ташкил этилган концертлар, давра суҳбатлари, учрашувлар, мавзули кечалар, викторина, яъни кўрик-танловлар, дебат, бадиий-спорт томошалари, байрамлар ва бошқалар маданий тадбирлар турларидир. Маданий тадбирларни ташкил этиш - уларнинг турларидан келиб чиқсан ҳолда ёндошилса мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, давра суҳбатини олайлик. Давра суҳбати, расмий бўлмаган ҳолатда, кичик аудиторияларда, маълум бир мавзу атрофида суҳбат тариқасида ташкил этилади. Шунга кўра маданий тадбирнинг бу турида катта тайёргарлик кўришга унчалик ҳам ҳожат бўйласа керак. Сабаби, бунда бир ёки икки киши асосан, ўша мавзу бўйича қисқача маълумот беради (ёки маъруза қилиши ҳам мумкин) ва ундан кейин

савол-жавоб тариқасида фикрлар алмашиниб, биргаликда хулосалар чиқарилади. Масалан, “Репродуктив саломатлик” бўйича ўтказиладиган давра сұхбатига ўша соҳа бўйича мутахассислар таклиф этилади ва ёш оиласлар ёки қизлар иштирокида ташкил этилади. Бунда ташкилий ёки ижодий ишларга катта меҳнат сарф қилинмаслиги ҳам мумкин. Яъни рассом чақириб сахна безаги, режиссёр таклиф қилиб дастур кетма-кетлигини ва бошқа ишларни амалга ошириш шарт эмас. Буни ҳар қандай шароитда, ҳаттоқи оддий шароитда (кичик аудитроияларда) ҳам ўтказиб юбориш мумкин. Лекин тадбирнга бадиий ва ижодий жиҳатдан ёндошиш тадбирнинг салмоғини оширади. Масалан, ўша худудга тегишли бўлган маданият ва аҳоли дам олиш марказларида ташкил этилган ҳаваскорлик колективлари иштирокида шу мавзуга мос репертуарлардан киритилса, тадбир янада таъсирчан бўлиши мумкин.

Маданий тадбирларнинг жуда кўп қўлланиладиган турларидан бири – *концертларни ташкил этишидир*. “Концерт” тушунчаси лотинчадан “ўзишаман” деган маънени англаради. Концертлар ўз тузилишига қараб турлича бўлади. Яккахон (соло) концерт, гуруҳлар, гала концерт ва ҳ.к. У.Қорабоев ўзининг “Бадиий оммавий тадбирлар” китобида концертларни З турини, яъни оддий (филармоник) концерт, театрлаштирилган концерт ҳамда маълум бир мавзу асосида ўтказиладиган концерт турларини кўрсатиб ўтади.

Оддий филармоник концертда бошловчи томонидан концерт дастури эълон қилиб борилади. Куй-қўшиқлар бир-бирига мавзу жиҳатидан турлича, бир-бирига боғланмаган бўлиши мумкин. Концертнинг бу тури инсонларни дам олиш, хордигини чиқариш, бўш вақтини мазмунли ўтказишка кўп қўлланилади.

Театрлаштирилган концертлар эса мураккаб ижодий ва ташкилий жараёнларни талаб қиласидиган турларидан ҳисобланади. Бунда концерт маълум бир ғоя, мазмун ва воқеанинг қизил чизигига жойлаштирилади. Ҳамма куй-қўшиқлар ҳам ҳам бунда тадбирга мос келавермайди. Масалан, “Наврўз” байрамида грузинча “Лезгинка”, русча “Катюша” ёки “Ғалаба куни”(Ден Победи) каби куй-қўшиқлар мос келмайди. Театрлаштирилган концертларнинг ўзига хослиги шундаки, бунда дастур театр драматургияси қонуниятларига асосланган ҳолда ташкил этилиши лозим бўлади.

Маданий тадбирлар орасида энг кўп қўлланиладиган шакллардан бири *мавзули кечалардир*.

Мавзули кечаларда ижрочилар ва бошқа катнашчилар бир бутунликни ташкил килганлиги учун ўз мохиятига кўра оммавий байрамларга якин туради. Мавзули кечалар жамият жамоа учун ижтимоий жиҳатдан мухим ҳисобланган воқеаларга, саналарга багишлаб ўтказилади.

Масалан, "ИШиД фитнаси", "Кулликка рози бўлманг", "Миллий қадриятлар -бизнинг қадриятлар"; "Оммавий маданият таҳди迪 ва унга қарши кураш зарурияти", "Гиёхвандлик умр заволи" каби мавзуларидағи кечаларнинг ўта муҳимлигини таъкидлаш мумкин.

Маданият ва санъат масканларида ўтказиладиган мавзули кечаларни ўтказишда белгиланган чора - тадбирларни амалга оширишга ижро чилардан ташқари бошқа қатнашчи-томушабинлар ҳам жалб қилинади. Бунда тадбирнинг самарадорлигига эришишда тадбир иштирокчиларини пассив кузатувчи эмас, балки тадбирларнинг фаол қатнашчиларига айланишига эришиш тадбирнинг савиясини оширишга хизмат қиласи. Тадбирни ташкил этишдан асосий мақсад, соғлом авлодни тарбиялаш, эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш, баркамол инсонни вояга етказиш каби вазифалар қўйилади.

Кино –бу алоҳида санъат тури ҳисобланади. Аммо бугунги кунга келиб кино санъатидан айнан тарбиявий мақсадларда фойдаланиш анъанага айланиши қувончли ҳолдир. Гап алоҳида масалан, Алишер Навоий номидаги санъат саройига бориб кино қўриш каби мақсад назарда тутилмаяпти. Маълум мавзуга бағишлиланган фильмлар орқали маданий тадбирларни ташкил этилиши – бу инсонларни, айниқса, ёшлар тарбиясига қаратилган мавзулар уйғунлигидаги самарали ишлардандир. Масалан, тадбир бошланишидан олдин, фильм намойиш этилади ва шундан сўнг фильм бўйича сухбат-мунозара ўтказилади. Ҳозирда Ўзбекистон ҳам кино яратиш бўйича дунёда нуфузли ўринни эгаллаб бормоқда. Бундай санъат асарларини яратишда сценарист, режиссёрлар, рассом, оператор ва бошқа ижодий гурӯхлар самарали меҳнат қилмоқдалар.

Миллий мумтоз бадиий фильмлардан "Тоҳир ва Зуҳра" (реж. Н.Ғаниэв), "Ўткан кунлар" (А.Қодирий асари), "Сен етим эмассан", "Маҳаллада дув-дув гап" (реж. Ш.Аббосов), диний экстремизм, ақидапарастлик ва терроризмга қарши кураш ҳамда ижтимоий муҳитни соғломлаштириш мавзуидаги бадиий фильмлар "Тузок" (реж.Б.Айназаров), "Аросат" (реж. М.Абдухоликов), "Сотқин", "Алданган аёл" (реж.Х.Насимов), харбий-ватанпарварлик ва терроризм, одам савдосига қарши кураш мавзуидаги бадиий фильмлардан "Сардор -1, 2 (реж. Ш.Махбубов), "Қасамёд" (реж.М.Боймуҳамедов), "Ҳақиқий эркаклар ови" (реж.Ж.Исоқов) каби фильмлар маданий тадбирлардан олдин қўйилиб, анашу фильмлардаги воқеаларни таҳлил қилиш асносида турли тадбирларни самарасини янада ошириш мумкин. Ундан ташқари, мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, кўлга киритилаётган ютуқлар ҳамда улкан бунёдкорлик ишлари ҳақидаги хужжатли фильмлар, ўзбек адиларининг ҳаёти ва ижодий

фаолиятига бағишланган хужжатли фильмлар, буюк аждодларимиз ҳаёти ва ижодига бағишланган хужжатли фильмлар, диний экстремизм, ақидапарастилик ва терроризмга қарши кураш ҳамда ижтимоий мухитни соғломлаштириш мавзuidаги хужжатли фильмлар, ҳарбий ватанпарварлик мавзuidаги хужжатли фильмлар, гиёхвандлик ва ОИТС муаммолари ҳақидаги хужжатли фильмлар, репродуктив саломатлик ҳақидаги бадиий фильмлар, спорт ва ёшларни соғломлаштириш мавзусига оид ва бошқа турли мавзуларни қамраб олган бадиий ва хужжатли фильмлар - тадбирларнинг самарадорлигини оширишдаги энг зўр воситалардандир. Улардан унумли фойдаланиш тадбирнинг савиясини, унинг таъсирчанлигини янада оширади.

Музейлар, маданият ва санъат масканларига, театр, концертлар, томошагоҳларга, зиёратгоҳларга, дам олиш мақсадида, экология масалалари бўйича табиат қўйнига экскурсиялар-ташрифлар ташкил этиш ҳам маданий тадбирлар турларидан ҳисобланади.

Дебатлар ҳам бирон-бир тадбирни ўтказишнинг синалган турларидан бўлиб, кўпроқ савол-жавоб шаклида ташкил этилади. Маданий тадбирларнинг бу кўриниши кўпроқ телевидениеда кузатиш мумкин. Бошловчи бир мавзу бўйича ўртага фикрни ташлайди. Иштирокчилар эса мавзу бўйича ўз-фикр мулоҳазаларини билдирадилар. Шуни унутмаслик керакки, барча тадбирлар ниҳоясида хulosा чиқариш лозим бўлади. Дебатларда ҳам мавзу бўйича охирги сўзни хulosा сифатида бериш керак бўлади. Россия ТВларида бу кўпроқ сиёсий тус олганлиги билан ажralиб туради. Унда ҳукумат номидан иштирок этаётган шахсга турли саволлар берилади.

Аслида, дебатлар кўпроқ илмий мазмун олсагина кўпроқ самара беради, таъсири катта бўлади. Чунки, дебатларда аниқ саволлар ва унга аниқ жавоб керак бўлади. Ундан ташқари, дебатларни ўтказиш учун маҳсус жой танланмайди. Уни ҳар қандай шароитда ҳам ташкил этиш мумкин (баъзи тадбирларни ўтказиш учун аниқ аудитория ва жой керак бўлади, масалан, концерт учун саҳна, спорт тадбирлари учун спорт зал каби).

Кўрик танловлар ҳам маданий тадбирларнинг энг қизиқарли турларидан ҳисобланади. Кўрик-танловлар асосан мусобақа шаклида ташкил этилади. Бундай тадбирларда томонларнинг бир-бири билан турли мавзулар бўйича тортишувлар, баҳс-мунозаралар, беллашувлар орқали намоён бўлади. Масалан, “Ўзбекистон –ватаним маним” қўшиқчилар кўрик танлови ҳам энг яхши ижрочиларни танлаш асносида уюштирилади. Бунда ижрочи ўзини-ўзи тарбиялайди, ўз устида ишлайди, ғалаба қилиш учун турли воситаларни кўллай бошлайди. Бу эса унинг янгича йўналишларни кашф этишига, янгилик яратишга ундейди. Энг асосийси Ватан, она юрт, ота-она, меҳр –оқибат, юрт соғинчи каби мавзулар асносида яратилган куй-қўшиқлар унинг репертуаридан

аста-секинлик билан жой эгаллай бошлайди. Аввалари енгил-элпи, бачкана, қўшиқларни айтиб юрган бўлса, энди у ўзгара бошлайди. Куй-қўшиқларнинг маъно-мазмунини тушуна бошлайди, уни томошабинга, тингловчига етказиш усуллари ҳақида ўйлай бошлайди, бир сўз билан таъсир қилиш усулларини ишлаб чиқа бошлайди. Бу эса маданий-тадбир ташкилотчисининг бош мақсадларидан бири бўлмоғи лозим.

Кўрик-танловлар нафақат санъат йўналишида, балки, фаолиятларнинг барча кўринишларида ташкил этиш мумкин.

Кўрик танловларнинг энг кўп қўлланиладиган шакли спорт томошаларини ташкил этишда намоён бўлади. Театрлаштирилган футбол, югуриш бўйича марафонлар, тош кўтариш, акробатика, гимнастика, сузиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Кўрик –танловлар халқ ўйинларида ҳам намоён бўлади. Кўпкари, хўroz, ит, қўчкор уриштириш, кураш, тош кўтариш, сирк томошалари ва бошқалар халқимизнинг авлоддан-авлодга, наслдан-наслга ўтиб келаётган тадбирларидандир. Бундай тадбирлар асносида миллий ғурур, Ватанга фойдаси тегадиган ҳам жисмонан, ҳам ақлан кучлилар тимсоли ётади.

Бундай кўрик-танловларни ташкил этишда мақсадни аниқ белгилаш муҳимдир.

Мустақиллик шароитида маданий тадбирларни бевосита таълим ва тарбия жараёнида ҳамда бўш вақт шароитида ўтказишнинг моҳиятини ифодалайдиган, унинг йўналиши, мазмуни ҳамда шаклларини белгилайдиган ҳаётийлик, оммавийлик, ихтиёрийлик ва илмийлик тамойилларига асосланишини қайд этиш мумкин.

Концерт ва спектакллар тадбирлар ичидағи энг таъсирчан шаклларидан ҳисобланди.

Бу фаолиятларнинг барчаси инсонларни бўш вақтларини ўтказишга, уларнинг маънавий, эстетик эҳтиёжларини қондиришга, уларни янгилик, келажак сари интилишларига, жамиятнинг фаол аъзосига айланишига катта таъсир кўрсатади.

Хулоса сифатида шуни айтиш керакки, маданий-оммавий тадбирларни ташкил этишда унинг турлари хусузиятидан ёндошиш катта самара беради.

Амалий машгулот:

Ўзбекистонда ўтказиладиган оммавий-маданий тадбирлар турларини аниқлаш ва шу тадбирга мос сценарий дастурини тайёрлаш керак бўлади.

3- амалий машғулот: Маданий-оммавий тадбирлар - тарбия воситаси сифатида. Маданий-оммавий тадбирларда педагогик жараёнлар (амалий, 2 соат)

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ маънавий-маърифий фаолиятни юксалтириш масалаларига давлат даражасида катта эътибор берила бошланди. Мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг натижавийлигига эришиш, иқтисодий жараёнларни янада жадаллаштириш, мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакатни дунё аренасига олиб чиқиш каби вазифаларни маънавий-маърифий фаолиятни ривожлантирмасдан амалга ошириш мумкин эмас. Зоро, инсон манфаатлари, аҳолининг моддий, маънавий ва эстетик эҳтиёжларини қондириш, баркамол авлод тарбияси ва бошқа шу каби аҳамияти буюк ишлар ҳам бундай улуғ мақсадларга эришишнинг асоси ҳисобланади. Ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга нисбатан хурмат руҳида ва ахлоқ қоидалари асосида тарбиялаш, ёш авлодда ҳаётга қатъий ишонч ва қарашни, менталитетимизга ёт бўлган заарли таъсир ва оқимларга қарши турға олиш қобилиятини ривожлантириш барча педагоглар ва маданий-маърифий ишлар мутассадиларининг асосий устувор вазифалардан ҳисобланади. Шу жиҳатдан ҳам баркамол авлод тарбиясида маданий-маърифий ва тарбиявий ишларни бевосита педагогик жараёнлар уйғунлигига ташкил этишга эътибор қаратиш муҳимдир.

Ўзбекистонда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича ҳукуматимиз томонидан жуда катта қимматга эга бўлган меёрий-хуқуқий хужжатлар ишлаб чиқилмоқдаки, бу жараёнлар самарали натижалар берishiiga шубҳа йўқ.

Маънавий-маърифий фаолият нафақат таълим муассасаларида, балки, турли ташкилотлар, уюшмалар, маҳаллаларда, нодавлат, нотижорат масканларида ҳам ўтказилиши бу фаолиятнинг ёш авлод тарбиясидаги муҳим аҳамиятини белгилайди.

Шиддат билан ўтаётган бу ўзгаришлар жараёнида мамлакатни тараққий эттириш, аҳолининг барча қатламларида ҳамма соҳалар бўйича эҳтиёжларини қондириш, халқнинг манфаатларига хизмат қилиш, бир сўз билан айтганда, халқнинг турмуш тарзини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар ичида маънавий-маърифий фаолият алоҳида ўрин тутади. Бу борада давлатимиз раҳбарининг маънавият, маърифат, мағкура, санъат ва маданият, ижтимоий соҳалар, иқтисодиёт ва бошқаларга оид чиқарилаётган барча хужжатлар олиб борилаётган ҳаётий ва одилона сиёсати мамлакатимиз тараққиётида муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Маънавий-маърифий фаолият орқали талаба ёшларда креатив фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, уларнинг тафаккурида шу жамиятнинг “бир бўлаги” эканлигини, юрт тақдири, келажаги, истиқболи уларнинг фидокорона меҳнатлари натижаларига боғлиқлиги, унинг учун илмли, билимли, маърифатли бўлиш, бир сўз билан айтганда, тарбия масаласи муҳимдир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, ислоҳотлар тарғиботи у ёки бу шаклдаги маънавий-маърифий фаолиятни амалга ошириш орқали ташкил этилади. Бунда тадбирлар ташкилотчилари маданий тадбирларни ташкил этиш асосларини яхши билишлари, тадбирларни аниқ мақсад ва вазифалар асносида ўтказишни тўғри режалаштиришлари, ундаги тарбиявий жараёнлар, педагогик нуқтаи назардан ёндошув, инсон тарбиясига қаратилган мавзулар, гоявий йўналтириш масалаларига жиддий эътибор қаратиш - маънавий-маърифий фаолиятнинг натижавийлигига олиб келади.

Маданий-оммавий тадбирлар, юқорида қайд этиб ўтганимиздек, инсонларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларнинг маънавий ва эстетик эҳтиёжларини қондириш, билим бериш, дам олиш каби мақсадларни олдига қўйган ҳолда ташкил этилади. Айниқса, ёшлар тарбиясида бу фаолиятнинг ўрни муҳимдир. Шу жиҳатдан ҳам маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда тадбирлар драматургиясини яратиш, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган манбаларни қўллай олиш, унда одоб, аҳлоқ, маънавият, маърифат, жамият тараққиёти, инсонларни билимли, илмли қилиш, эркин ижодий фикрлаш, комил инсонни тарбиялаш каби вазифалар тадбир ташкилотчисининг диққат марказида бўлиши мумкин.

Маънавий-маърифий ишлар сифатини ошириш орқали талабаларнинг креатив фикрлаш кўнимкаларини ривожлантиришга қаратилган мавзуларда олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этиш, талаба ёшларда ижодкорлик қобилияти, тафаккурини ривожлантиришда мутолаа маданиятини шакллантириш, маданий тадбирларни тўғри ташкил этиш усуллари ҳақида сўз боради. Шунингдек, маънавий-маърифий ишлар сифатини ошириш, талаба ёшларда креатив фикрлаш кўнимасини ривожлантириш, маънавий-маърифий тадбирларни тўғри ва мақсадли ташкил этиш, тадбирларни ташкил этишда педагогик жараёнлар, тарбиявий жиҳатдан ёндошиш, тарбияда янгича усулларни қўллаш, ташкил этилаётган маданий тадбирларнинг инсон тафаккурига таъсири ва жамият тараққиётига ҳисса қўшишдаги аҳамияти каттадир.

Маънавий-маърифий фаолиятни самарали ташкил этишда тўсиқ бўлаётган жараёнлар, уларни бартараф қилиш усуллари, тадбирларни ташкил этишнинг педагогик аспектлари, тадбирларни ташкил этиш асосларини

ўрганиш, ёшларда турли мавзулардаги тадбирларни ўтказиш орқали креативлик қобилиятини шакллантириш, китобхонлик маданиятини ривожлантириш, бу жараёнлардаги муаммо ва тўсиқларни енгиб ўтишга қаратилган масалаларни ўрганиш, педагогик ҳамда креатив усуллардан фойдаланиш, таъсирчан воситалар, тадбирларда қўлланиладиган усул ва воситаларни таҳлил этиш жараёнларидағи муаммаларни ҳал қилиш мазкур мавзуда тўлақонли ёритишга ҳаракат қилинган.

Миллий ва дунё маданиятларининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш, ўсиб келаётган авлодни, замонавий ёшларни маънавий тарбиялаш, миллатига, тарихига, инсониятга бўлган ҳурматни уйғотиши ва сақлаш маънавий-маърифий ишларнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Зотан, халқларнинг ўзига ҳослиги ва бетакрорлигини сақлаш, тарихан шаклланган қадимий миллий маданиятлар, санъат ва халқ ижодиёти, юз йиллар давомида таркиб топган миллий анъана ва урф-одатларнинг ўзаро яқинлашуви ва бир-бирини бойитиши учун, дунёда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат муҳитини қарор топтириш учун маънавий-маърифий фаолиятнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, ушбу фаолиятда шахс ўз инсоний фазилатларини шакллантира бошлайди, яширин, бетакрор, индивидуал ҳусусиятлари, қобилиятларини кашф этади, уларни ўстиради ва ривожлантириб боради, жамият, ҳаёт билан мулоқотга киришади. Мураккаб ижтимоий воқелик сифатида бу тадбирларнинг ўзига ҳослиги шундаки, у инсоният авлодлариниг меҳнати ва билимларини ўзига сингдириб олади, сақлайди, доимий бойитиб боради ва уларни келгуси авлодларга етказиб беради.

Мана шундай улкан ишларни амалга оширишда маънавий-маърифий ишларни мақсадли ташкил этиш, у орқали ёшларда креативлик фазилатларини шакллантириш, уларни тарбиялаш, ҳар томонлама ривожлантириш ва бунга педагогик нуқтаи назардан ёндошиш – ҳозирги куннинг долзарб масалаларидандир.

Мазкур мавзуу доирасида давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу соҳага доир Қарор, фармон ва бошқа меёрий хужжатлари ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Удан ташқари, маданий-маърифий тадбирларни ташкил этишга оид Б.Сайфуллаев ва В.Рустамовлар ҳаммуаллифлигига яратилган “Маданий тадбирларни ташкил этиш маҳорати” ўқув қўлланмаси (Тошкент, Фан ва технология нашриёти, 2016), профессор У.Қорабоевнинг “Маданий тадбирлар” (Тошкент, 2000) ҳамда “Бадиий-оммавий тадбирлар” (Тошкент, 1989), профессорлар М.Бекмуродов, А.Умаров ҳамда У.Қорабоев томонидан яратилган “Ижтимоий-маданий фаолият тарихи, назарияси ва услубиёти” номли дарслер (Тошкент, 2016), профессор

А.Ҳайдаровнинг мазкур мавзуларга оид манбалар яратилган бўлиб, улардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Амалий машғулот:

- 1. Шу даврдан кейинги уишибу фаолиятга доир хужжатлар рўйхатини тузинг;*
- 2. Юқорида берилган қайси хужжатлар ўз қучини йўқотган.*

Оммавий-маданий тадбирларни ташкил этишнинг самарадорлигига эришиш, маънавий-маърифий ишларнинг сифатини ошириш орқали талабаларда креативлик фазилатларини ривожлантиришга эришиш мақсадга мувофиқдир. Маънавий-маърифий ишлар сифатини ошириш орқали креативлик фазилатларини шакллантиришга қаратилган мазкур мавзу ўзига хос бир янгиликдир. Жамият тараққиётида маънавий-маърифий ишларни мақсадли ва тўғри ташкил этиш орқали ёшларни тарбиялаш, уларнинг маънавий ва эстетик эҳтиёжларини қондириш, креатив, ижодкорлик қобилияtlарини аниқлаш ва ривожлантириш, тўғри йўлланма бериш, ҳар бир тадбирни ташкил этилишида унинг педагогик, яъни тарбиявий аҳамиятга эга бўлган манбалар, таъсир қиласидан усулларидан унумли фойдаланиш, тарбиявий тадбирларни тўғри ташкил этишнинг ўзига хослиги ҳамда бу соҳадаги хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш орқали ўрганамиз.

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, жуда кўп ҳолларда тадбирлар хўжакўрсинга, ҳисобот учун ташкил этилганлиги маълум бўлди. Талабаларни тадбирларга жалб қилишда уларни дарслардан олиб чиқиб, машғулотлар ҳисобига ташкил этилиши, ташкилий ва ижодий ишларда уйғунликнинг йўқлиги, “ғоявий талқин” масалаларида камчиликларнинг мавжудлиги, ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар савиясининг пастлиги, тадбир ташкилотчилари томонидан тингловчи (ёки томошибинлар)ни бошқариш усулларини билмасликлари, сценарийларнинг бадиий жиҳатдан мукаммал эмаслиги ва бошқа бир қанча сабаблар ва муаммолар аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф қилиш йўл-йўрикларини ўрганишимиз лозим.

Амалий машғулот

- 1. Ўзингиз истиқомат қилаётган вилоят, туман, шаҳар маданият муассасаларида ўтказиладиган маданий-оммавий тадбирларни ташкил этишидаги муаммолар, камчиликларни аниқланг ва уларни бартараф қилиши йўллари ҳақида фикрингизни айтинг.*

4-амалий машғулот. Тадбирларда саҳна кўринишларини тайёрлаш

**усуллари. Маданий-оммавий тадбирлар сценарийси, режиссураси ва ташкилий жараёни. Майдонларда тадбирларни ўтказиш методикаси.
(амалий, 2 соат)**

Маданий тадбирлар драматургияси драматургиянинг асосий жанрларидан бири бўлиб, ижтимоий-маданий фаолиятда кўп фойдаланилади. Бу ўз ўзидан маданий тадбирлар учун сценарий ёзиш демақдир. Талабаларга маданий тадбирлар учун сценарийлар ёзишни ўргатишнинг энг самарали усули уларга мавзулар бериб, хикоялар тузишни ўргатишдир. Айниқса ўзига таниш бўлган мавзулар устида ёзиш талаба учун унчалик катта қийинчилик туғдирмайди. Масалан, "Менинг оилам", "Менинг баҳтли куним", "Мен қилган хато" ва бошқа шунга ўхшаш мавзулар уларга яқин бўлганлиги учун улар ёзишдан чўчимайдилар. Бундай хикояларни ёзиш сценарий ёзишга киришдир, деб айтсак тўғри бўлади. Хикоя ҳам юқорида айтиб ўтганимиздек, маълум мақсадга қаратилган композицион қурилиш талабларига итоат этувчи жанр ҳисобланади. Унда воқеликни таҳлил қилиш, мантиқий ёндашиш, таҳлил қилиш асносида кетма-кетликларни тўғри белгилашни ўргатади.

Сценарист жуда кўп китоб ўқиши, катта маълумотлар базасига эга бўлиши ҳақида юқорида айтиб ўтган эдик. У кўп китоб ўқиши орқали маълумотларга эга бўлиш билан бир қаторда сценарийда стилистик ва орфографик жиҳатларни ҳам ўзлаштириб боради. Сўзларни бир-бирига улаб гап тузиш, кўз олдига келган нарсани ифодалашни қофозга туширишда кузатиш усули катта самара беради. Масалан, ўқитувчи топшириқ беради: "Ташқарига қаранг. Ёмғир ёғяпти. Анашу ҳолатда сўз ўз кўзларинингиз билан кўраётган ҳолатларни тасвирлаб ёзинг". Бу топшириқ талабани атрофни синчковлик билан кузатишга ва атрофда бўлаётган воқеликларни қандай сўзлар билан ифодалашга уриниб кўришга ундейди.

Яна битта амалий машғулотни ўтказиш учун ўқитувчи талабаларга топшириқ бермоқда. Вазифа шундан иборат: "Ҳамма ўзи танлаган бирон бир предметга таъриф берсин" ўқитувчи "Масалан, режиссор" сўзи француз тилидан олинган бўлиб, "бошқараман" деган маънони англатади"деб мисол келтиради. Ёки, "светофор"га таъриф бериб кўрайлик. Талаба сфетофор ҳақидаги тасаввурларини ишга солиб, унга таъриф беришга ҳаракат қиласи. "Светофор бу Зта рангдан иборат бўлган чироқли мослама бўлиб, транспорт ва ёъловчиларнинг ёъ1 ҳаракатларини мувофиқлаштириб туради". Бошқаси, яна бошқача таъриф бериши мумкин. Ўқитувчи мисолларни бериб бўлганидан сўнг, уларнинг ҳар бирига жониворлар, турли предметлар, умуман олганда хоҳлаган сўзга таъриф беришга мажбур қиласиган топшириклардан

беради.Буни ойин сифатида ўтказиш ҳам мумкин. Масалан, стол, ручка, костюм, принтер, тельефон ва ҳ.к.

Амалий машғулоталарда яна битта шунга ўхшаш машқлардан фойдаланиш катта самара беради. Бу бирон бир предмет номидан монолог тайёрлаш (ёзиш)га ундашдир. Ўқитувчи, мисол тариқасида, хоҳлаган бир предмет ёки жонзот учун тахминан монолог яратишнинг ёъ1-ёъриқларини кўрсатиб беради, масалан: "Эшак" монологи. "Нимага мен дунёга эшак бўлиб келдим-а? Отми, қушми, жуда бўлмагандаг чувалчанг бўлсан ҳам майли эди Ёшлигимдан меҳнатдан бўшамайман.Хўжайин у ёққа борсаям, бу ёққа борсаям мени миниб олади.Ўзи минса майли-я, арава қўшганига нима дейсиз? Аравага тўлдириб юкини ортиб, "юр" дейди. "Қаёққа юраман, мен ахир сенларга юк машинаси эмасман-ку, ахир сен ортган юкни машинаям зўрга тортади-ку... Ёъқ, мен ҳаракат қиласман, роса кучаниб амаллаб қўзгалиб оламан. Энди зўрга қўзголиб олганимда, мени тўхтатиб, ўзи бола-чақаси билан миниб олади-я, номард. Ана энди қамчи, таёқ билан урушлар бошланадида.Бунақа таёқ, қамчилар зарбини ҳатто Африкалик қуллар ҳам татиб кўрмаган бўлса керак.Шунинг учун мен қочиш режасини тузиб юрибман.Бу ердан қочиб, дала-ю даштларга бориб, мазза қилиб овқатланиб, хоҳлаган жойга бориб юрмоқчиман. Ҳа майли, сизни-ҳам бошингизни қотирвордим... Кун жуда исиб кетди, миям айниб боряпти шекилли... Тавба, атроф тўла дарахт, сояга бойлаб қойса бўлмасмикан-а? Нима булар атайин шундоқ қилишадими... ҳамма одамлар шунақами... Қуёшнинг энг зўр иссиги тушадиган қоқ ерга боғлаб кетганига нима дейсиз...".

Ёки, "Вақт" монологи."Мени "вақт" дейдилар.Инсонларга бирон зарур иш топширишса, мени пеш қилиб, "ёъқ" дейишади.Ахир мен борман-ку, бекоргаям ўтирибсан-ку, гап сотиб. Инсонлар мени қадримга етишмаяптида, мен-ку тўхтамайман, аммо умр ўтиб, поёнига етайдеб қолганида ортга боқиб, "ҳеч нарсага улгурмаяпман" дейишади. Имкониятлар жуда кўп бўлган" ва ҳ.з. шунга ўхшаш топшириқларни амалий машғулотларда бериб бориш лозим. Бу сценарийни яратиш мобайнида унинг тасаввuri ва фантазиясини ривожлантиришга катта ёрдам беради.

Бу иккала машқ ҳам талабаларни "фикрларини баён қилиш қобилиятини ривожлантиришга" қаратилган бўлиб, уларнинг тасаввурларини кенгайтиришга хизмат қиласи.

Ундан ташқари, сценарий ёзмоқчи бўлган ижодкор жуда кўп драматик асарларни ўқиб, мутолаа қилишлари лозим бўлади. Чунки, сценарийларда ҳам деярли шакл-шамойили билан пьесаларга хос бўлган жиҳатлар кўп.Агар сценарийлар ҳам пьесалар шаклида ёзилган бўлса, сахналаштирувчи ҳам қийналмай ишлайди.

Ҳозирги замон ҳужжатли киноларида киноматографик образлиликнинг тўртта компоненти мавжуд:

1.Ремарка-мураккаб киноматографик ҳаракат ва кино сценарийнинг ҳамма томонларини образли характерлаш. Пейзаж, ҳаракат вазияти, воқеалар тузилиши, қаҳрамоннинг ҳолати, мусиқа ва шовқин ва бошқалар ремерками ҳосил этади.

2.Тасвирий қисм, диалог ва монологлар-сценарийнинг асосидир. Бунда воқеаларнинг қатори ва характерлар қирралари очилади. Киноматографик диалогининг ўзига хослиги, ҳаракатнинг давомийлигига, актёр характери ёритишга имконият мўллиги.

3.Киносценарийда персонажлар нутқи, ички руҳий олами, қайфиятини тасвиrlаш учун муҳит, шарт шароит яратиш. Бу муаллифга мураккаб характерларни кенг ёритишга ёрдам беради.

4.Киносценарийда муаллиф нутқи муҳим рол ойнайди. Муаллиф матни фақат фильм композициясини эмас, балки унинг ички динамикасини ҳам белгилаб беради. Ҳужжатли кинодраматургиянинг муҳим хусусияти, ундаги воқеа-ҳодисалар бадиий публицистик образлар ва муаллиф нутқи орқали томошабингга ҳавола этилишидадир.

Радио-эшиттишлар сценарийси ҳақида сўз борганда, уни визуал эмас, балки фақат эшитишга мўлжалланганлигини ҳисобга олиш муҳимдир. Масалан, телевидение сухандони ҳар томонлама, яъни ўзи, овози чиройли бўлган бўлса, радиода эса овоз тембри, унинг нафислилиги муҳимдир. Радиодраматургия - бу жанрнинг ўзига хослиги тинглаш, эшитишга мўлжалланганлигидир.

Адабий ижод соҳасини театр, кино, радиодраматургия қонун-қоидаларини ўз моҳиятига сингдирган теледраматургия таркиб топди. Теледраматургия-телевизион асарнинг биринчи асоси бўлиб, адабиёт ва публицистиканинг алоҳида, мустақил туридир. Теледраматургиянинг композицион қурилиши бир томондан драматургия ва кино қонун-қоидаларига, иккинчи томондан телевизион санъат спецификасига бойсунади. Теледраматургияда экран образи томошабин кўз ўнгидага конкрет шахс сифатида намоён бўлади. Лекин, сценарий томошабин иштирокисиз ёзилади. Телепублицистика кенг оммага мўлжалланади. Телесценаристдан бўлғуси кўрсатув мавзусини танлаш учун образли ечимини излаб топиш ва қаҳрамонлар билан суҳбатлашиш жараёнида ўзини кенг аудиториянинг илғор вакили сифатида ҳис қилиши, унинг олдида катта маъсулият сезиши талаб этилади. Сценарист драматург томошабин эътиборини қандай забт этиш ёълларини излайди. Шу тариқа реал образлар орқали ҳаяжонли дақиқалар яратади.Муаллиф ҳар бир қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини излаб топади. Ҳатто

импровизацион чиқишлиарнинг ҳам ҳар томонлама изчил ойланган бўлиши керак. Агар телесценарийда муаллиф асарни мантиқан пухта ва фактлар моҳияттан маҳорат билан очиб бера олган бўлса, томошабин телевизор орқали катта санъат асари яратилганинг гувоҳи бўлади.

Кино, радио, теледраматургия ҳаётий воқеа-ҳодисаларни, аниқ қаҳрамонлар тақдирларини хужжатлар асосида умумлаштириш ёълидан боради. Аникроқ қилиб айтганда, тарихий ва ҳаётий материални бадиий-публицистик қайта ишлаш кино, радио, телепублицистиканинг асосини ташкил этади.

Адабий асарларни қайта ишлаш, яъни инсценировка ҳақида юқорида айтиб ўтган эдик. Инсценировкани ҳам икки маънода қўллаш мумкин:

2. Мустақиллик шароитида маданият ва санъат даргоҳларида иш юритишни мукаммал биладиган, мустаҳкам билим ва эътиқодли мутахассисларга мухтожлик сезиларли даражада ошиб бормоқда. Зоро, сценарий бу ўринда драма, драматургия вазифасини ўтайди. Драма нима? Драматургия-чи? Драматургия асослари деганда нимани англаймиз? Уларнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат? Тарбиявий — маърифий аҳамияти-чи?

Аввало, драматургиянинг тузилиши жиҳатдан З та жанрини биламиз, булар, драма, комедия ва трагедий. Драма дегандা аввало биз бадиий адабиётдаги учта етакчи жанр турларидан бири, драматик жанр турини англаймиз. Драма жанри эса театр сахнасида қойиш учун, кино экранга кўчириш учун ёзилган адабий асарлар сирасига киради. Демак, у бадиий адабиёт соҳасидан санъат соҳасига, санъатга кўчади. Том маънода сарфат асари маҳсулига айланади, театр сахнаси манбаига кўтарилади. Драматургия эса у ёки бу халқ яратган маълум даврдаги драмалар мажмуаси, драма асарлари йиғиндиси асосида юзага келган мазкур турни "тарих" ҳам деса ҳам бўлади. Унинг асослари эса, энди бу ҳам назарий, ҳам амалий ечимга, ўрганиш ва ўргатишга қаратилган курсни ташкил этади. Драматургия асослари деган курс, предмет анча катта, долзарб ва ўта мураккаб дарс ва мавзуларни ўз ичига қамрайди.

Драматургиянинг энг муҳим шартларидан бири ҳаётийлик, ҳаққонийлик билан бадиий баркамолликнинг омихта, синтез тарзда, маҳорат даражасида намоён бўлишидир. Бу талаб драматургга ҳам, уни сахналаштираётган режиссорга ҳам баробар тааллуқлидир. Ҳатто бу икки талабни сахнада тўла ва маҳорат даражасида роёбга чиқариш учун нафақат драматург, ёки режиссор масъул, балки ана шу асарни тайёрлаб, томошабинга етказишида иштирок этувчи барча ижодий гурух а Ъзолари жавобгардир, маъсулдир.

Иккинчи асоси: Драмада мавжуд бўлган конфликтнинг ҳаққонийлиги, ҳаётйлиги драматизмни ташкил эта билиш масаласини ўз ичига олади.

Учинчи асоси: драма ҳаракат яратиш маҳорати, уни ташкил эттириш, бойсиндириш масаласи. Драматик ҳаракат (действиё) саҳна асарининг, драманинг ўзига хослиги ва эстетик хусусияти бўлиб, спектаклни қон томири ҳамдир.

Асарнинг муваффақиятида бу омилнинг ўрни, аҳамияти каттадир. Ҳаракат факат жисмоний интилиш, юриш-туриш, югуриш эмас, балки руҳий ҳолат мажмуаси бўлиб, у ўз ичига монолог, диалогдан тортиб, имо-ишора, сўзсиз ҳолатлар, мимика, интонация, ремарка, пантомималаргача қамраб олади. Зоро, драмада узвий яхлитликни сақлаш ва тўла намоён этишда драматик ҳаракат спектаклнинг қон томири вазифасини ўтайди. Ремарка сўз орасида келганда қавс билан берилади. Алоҳида келганда эса ўқувчига тушунарли бўлиши учун унга тушунтирувчи восита сифатида қўлланилади.

Сценарист қаҳрамонлар, бошловчилар сўзларини ёзиш билан бирга ремаркада ижро чиларнинг вазифаларини ҳам белгилаб бериши мумкин. Ремаркада берилган изоҳ саҳналаштирувчилар, тадбир ташкилотчилариға шпаргалка вазифасини ўташи мумкин.

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, сценарист драма асосларини, унинг қонуниятларини яхши билиши шарт. Чунки сценарий ҳам аниқ саҳна учун мўлжалланган бўлиб, ҳужжатлар, фактлар, сўз ва хатти-ҳаракат уйғунлиги, турли санъатвоситаларидан тўғри фойдаланиш, тадбирни яхлит композицияга ёъналтириш каби вазифаларни ўз ичига олади. Маданий тадбирларни ташкил этиш жараёнларида ҳам бу хусусиятлар инобатга олиниши зарур.

Амалий машгулот

1. Эркин мавзуда ёки педагог томонидан бирон-бир адабий асарни танлаб, саҳнага кўчиришига ҳаракат қилинг.

Драматургия жанрлари

Драматик турнинг асосий жанрлари сифатида трагедия, комедия ва драма ("драма" атамаси ҳам адабий тур маъносида, ҳам ўша турнинг бир жанри маъносида қўлланилади) кўрсатилади. Драматик асарларни жанрларга ажратишида уларнинг асосий эстетик белгиларига таянилади. Трагедиянинг асосий эстетик белгиси - трагиклик, комедиянинг асосий эстетик белгиси - комиклик, драманинг асосий эстетик белгиси драматиклик саналади. Айтиш керакки, адабиётшуносликка оид ишларда биз "асосий эстетик белги" деб атаган нарса кўпроқ пафос деб юртилади. Пафос деганда тасвирланаётган характерларни миллий ва умуминсоний аҳамиятини эътиборда тутган ҳолда

ғоявий-ҳиссий идрок этиш ҳамда баҳолаш натижаси ўлароқ юзага келган, асарнинг бутун тўқимасига сингдириб юборилган рух тушунилади. Бу жиҳатдан қаралса, трагедия трагик пафос билан, комедия сатирик ёки юмористик пафос билан, драма драматик пафос билан йўғрилган бўлади. Пафос атамасини қўллашдаги маъно турличалигини эътиборга олиб, биз "асосий эстетик белги" тушунчасини қўллашни маъқул кўрамиз.

Трагедия (гр.-"эчки қўшиғи") қадимдаёқ шаклланган драматик жанр бўлиб, генетик жиҳатдан у маъбуд Диониснинг ўлими ва қайта тирилиши муносабати билан ижро этилган маросим қўшиқлари асосида юзага келган. Трагедиянинг жанр хусусиятлари трагик конфликт, трагик ҳолат ва трагик қаҳрамон тушунчалари билан белгиланади. Трагик конфликт деганда моҳияттан ечими йўқ, мавжуд шароитда ҳал қилиб бўлмайдиган зиддият тушуниладики, у ҳар вақт қаҳрамон онгida кечади. Қадимги трагедияларда конфликт шахс ва тақдири азал ўртасида (мас., "Шоҳ Эдип") кечган бўлса, кейинроқ бу конфликт томонларининг иккинчиси ўзгарди: тақдири азал ўрнини энди шахсдан юқори турувчи олий маънавий кучлар (бунда ёзилмаган, бироқ инсон ҳаётини муайян тартибга солувчи маънавий қонун-қоидалар, масалан, бурч хисси кабилар назарда тутилади) эгаллайди.

Комедия (гр. "комос" - оммавий қўшиқ номи) драматик турнинг комикликка асосланган жанридир. Комедиянинг марказида комик характер туради. Одатда комик характер деганда ўзида идеалга тамоман зид иллатларни жам этувчи ёки улардан айримларини намоён этувчи персонажлар назарга олинади. Бу ўринда асосий шартлардан бири шуки, комик персонаж ўзининг мавжуд ҳолатини идрок этмайди, ўзига реал баҳо беришдан ожиз. Аксинча, у ўзини бор ҳолига нисбатан тамоман тескари баҳолашга мойил: фирт тентак бўлгани ҳолда ўзини ақлли санайди, маънан тубан бўлгани ҳолда ўзини покдомон билади - ўзини ўзгаларга шундай сифатларда тақдим этишга чиранади. Масалан, "Парвона"даги Ўткурий: у ўзининг маънан тубанлигини, ахлоқан бузуқлигини, плагиатлигини, оддий маҳмаданалигию фирибгарлигини тан оладими? Йўқ, аксинча, у ўзини ақлли, сўзамол, уддабуро, яшашни биладиган ва ҳ. фазилатлар эгаси деб билади, шундай кўринишга уринади. Натижада характернинг моҳияти билан мавжудлиги орасидаги номутаносиблиқ, зиддият комикликни юзага чиқади. Комедияда характер комиклиги билан ҳолат комиклиги кўпинча уйғунлашиб келади, бир-бирини тўлдиради. Комедия сатирик ёки юмористик руҳда бўлиши мумкин.

Биринчи чиқиши гурухига сўз (нутқ) чиқишини қўямиз. Ундан кейин мусиқали — хореографик-пластиқ, аралаш, «оригинал» чиқишилар қўйилади. Гурух балки қўп бўлиши мумкин. Номлари аниқроқ бўлиши мумкин. Бу билан ҳеч нарса ўзгармайди. Лекин томошавийлик алматисиз турнинг ўзига хослигини аниқлаб бўлмайди.

Шундай қилиб, биринчи гурухда күпроқ қайси чиқишилар театрлаштирилган томошаларда учраб туради?

Театрлаштирилган томошалар сценарийсида кенг тарқалған драматургик жиҳат яхши ишланған. Чиқишилардан бири кичик саҳна (сценка) ҳисобланади. Бу француз тилида «этуд», «кроки»га түғри келади. Инглизча «скетч» деб аталади. Ўтган асртарда «сценка» драматик ва балетристик асар ҳисобланарди. Унда ҳаракатдан кўра күпроқ гап материали бўларди. Саҳнада ҳаракатли «сценкани» интермедија деб аташган. Ҳозирхам «интермедијани» инглизча скетч («сценка») деб аташлари учрайди. Машхур рус сатириги В.Ардов интермедија воқелик давомлилиги жиҳатдан «скетч» ва «сценка»дан қисқа. Лекин тузилиши жиҳатдан скетч мураккаброқ. Драматик воқелик жиҳатидан ва курилиш структураси жиҳатдан воқеликнинг ривожланиши ва якунланишидан Ардовнинг сценкасига қўшилиши мумкин. Сценка билан «кичкина пьеса» беш-йигирма дақиқа давом этиши мумкин, масалан, икки қатнашчи билан. Драма назариясига қараганда сценка (интермедија), драматик мелод- рамма комик, трагик ва фарслун бўлиши мумкин. Лекин сатирик-юмористик шакли күпроқ кўлланилади.

Интермедија шакли театрлаштирилган томошаларда серҳаракат, ёқимли қилиб сценарийга киритилади. Баъзан у театрлаштирилган фельетон, мусиқали ва насрий шаклда ижро этилади. Баъзан қатор пародиялар ва бошқа кўринишларда ҳам ижро этилади.

Маълумки, интермедијани яратиш учун алоҳида дикқат-эътиборқаратилади. Сценарийда театрлаштирилган томошанинг воқелик ҳаракатини тўлдиради. Бошқача қилиб айтганда, интермедија энг кутилмаган хулосалар билан зални ҳайратга солади. Кулдиради ва катта маънавий озуқа беради. Интермедија драматуигия қонунияти асосида ривожланади.

Сценарий яратии босқичлари. Сценарий ёзишигача бўлган қадам

Сценарий – ҳозирги замон шароитида маданий-маърифий муассасалар фаолиятини яхшилашнинг ҳам асосий мезонидир. Бинобарин, маданий-маърифий муассасалари ишини янада такомиллаштиришнинг мухим вазифаси – томошабинга ғоявий таъсир қилишни кучайтиришдан иборатdir.

Маданий-маърифий муассасалари сценарийси – бўлғуси томошанинг сўзлар, далиллар орқали тизимлаштирилган мантиқидир. Оммавий-бадиий тадбирларнинг баъзилари, масалан, мавзувий концертлар, савол-жавоб учрашув, рақс кечалари, «Аския», «Беллашув»лар ўз лирик табиатига кўра деталлаштирилган сенарийни талаб қилмайди. Улар учун сенарий режаси тузилади. Бундай тадбирларда кечада сўзга чиқувчиларнинг номлари, чиқишилар, нима ҳақида сўз бориши қисқача ёзилади. Сенарий режаси – турли

чиқишиларнинг қисқача баёни, аниқ драматик ҳолатларнинг қисқа қайдларири.

Сценарий режасида импровизация муҳим ўрин тутади. Маданият муассасалари тайёргарликка эга бўлган кишиларгина қатнайди. Масалан, савол-жавоб, дам олиш кечаларини олайлик. Уларда олиб борувчи – бошловчи тадбир мазмунини, саҳнада ёки аудиторияда зуҳур этилаётган воқеаларни бошқариб боради, кишилар диққатини бир эризоддан иккинчи эризодга жалб этади, олдиндан белгиланган мунозара қилувчиларга фикр алмашишга имкон беради, томошабинларга бадиий-публицистик сўз воситасида таъсир кўрсатади, сўзга чиқувчиларнинг саҳнага ёки минбарга чиқишиларини уюштиради. Шундай қилиб, олиб борувчи тадбир мазмуни, воқеалари, эризодлари билан олдиндан таниш бўлиши ва шу асосда импровизация қилиши мумкин. Сенарийда муассаса тадбирнинг ёъналиши белгиланади. Олиб борувчи тадбир жараёнида вазият тақозоси билан сенарийни тўлдириши, бойитиши, жонлантириши лозим. Аммо импровизатия сенарийни инкор этмайди. Кўпчилик маданий-маърифий муассаса тадбирлари, масалан, маданий-оммавий тадбирлар, бадиийлашган публицистик кечалар, муаллиф тафаккури асосида ўтказиладиган тадбирлар учун мукаммал сценарий ёзиш шарт. Бу тадбирларда ҳам томошада режиссура, тасвирий санъат мусиқа, нур, шовқин ва бошқа воситалардан кенг фойдаланилади.

Ҳар бир янги, мустақил сценарий – ижодий меҳнат маҳсулидир. У шу турдаги олдинги сценарийларнинг нусхаси бўлмаслиги керак. Албатта, сенарий муаллифи бутунлай янги бетакрор сценарий яратса бебаҳо иш бўлади, Лекин олдин яратилган сценарийларни янги мавзу ва хужжатлар талабига биноан ўзgartириш, бойитиш, таҳрир этиш, хуллас, мумкин қадар янгилаш керак. Сенарийда образ яратиш учун асос бўлган реал ҳаётдаги шахс прототип дейилади.

Хозирги санъат турлари бўйича сценарийлар қўйидагича характерланади:

1. Кино санъати тасвирий воситалари ёрдамида экранда кўрсатишга мўлжалланган адабий асар;
2. Импровизация театрида спектаклнинг сюжет қурилмаси (бунда реса мазмунни диалог ва монологларсиз қисқача баён этилиб, воқеанинг муҳим томонлари, персонажларнинг саҳнага чиқишилари кўрсатилган қўшимча кўринишлари аниқ белгиланган бўлади);
3. Балет сюжетининг батафсил баёни;
4. Операда либереттонинг драматургик режаси.

Маданий-маърифий муассаса ҳамиша конкрет аудиторияга эга. Бирор муассасада ўтказилган тадбирни иккинчисига айнан қўчириб бўлмайди.

Анъанага кўра, кечалар кўринча ушбу тартибда тузилади: бошқарувчи қисқача кириш қиласи (гоҳида у мусиқа билан мустахкамланади), сўнгра бир неча киши сўзга чиқади. Орада мусиқий чиқишлилар жойлаштирилади. Бундай тадбирлар шакл жиҳатдан икки қисмга бўлинади:

- 1) маъруза, қатнашувчилар нутқи, табрик (тантанали қисм);
- 2) концерт, табриклар (бадиий қисм).

Баъзан сенарий муаллифи ёки режиссерлар кечада бадиий воситалардан – шеърлар, қўшиқлар, кинотасмалар, жонли сўз, нур, шовқин, мусиқа, техник воситалар ва бошқалардан керагидан ортиқча фойдаланадилар. Бу ҳолда ҳам томошабин кечанинг мавзуу ва ғоясини, ҳатто гар нима ҳақида кетаётганлигини ҳам яхши англашга қийналади.

Шунингдек, мукаммал муштарак ҳарактердаги сенарийлар ҳам мавжуд. Улардан ишлатилавериб сийқаси чиқкан эризодлар, матнлар, яхши ҳолда ҳар хил монтаж қилиниб, «янги» сенарий тайёрланади. Кўр ҳолларда эса янги жойга тўғри келиш келмаслигига қарамай шу туришича фойдаланилади. Муштарак сценарий, стандартлик, санъатга ёт бундай сенарийларнинг бадиий савияси раст, таъсир қилиш қуввати суст бўлади, маърифий ва тарбиявий аҳамиятини ёъқотади.

Маданий-оммавий тадбирлар сенарийсида ижтимоий ҳаётнинг воқеа-ходисалари тасвирланади.

Сценарий драматургияси муалифлар, тарбиботчилар, журналистлар ва газета таҳририяти ҳайъати ва маҳаллий радиоканали ҳамкорлиги мухитида юзага келади. Уюшмаларга, шунингдек, тўгараклар ва мактабларда маънавий-маърифий ишларни олиб борувчиларни ҳам таклиф қилиш мумкин.

Адабий сценарий ёзишга қизиқувчи, қобилиятли кишиларни маданий-маърифий муассасага жалб қилиш лозим. Уларни бир жамоага уюштириб, маданий-маърифий ишнинг воситалари, шакллари ва методлари билан танишириш, торшириқ бериш, маданий ва маънавий рафбатлантириш керак.

Хозирги қунда маданий-маърифий муассаса драматургияси жанрида ижод этадиган муалифлар доираси анча кенгайиб бормоқда.

Муалиф сценарий устида ишлаш давомида зарур хужжатли ва адабий материалларни танлайди ва уларни таҳлил қиласи, турли хил сўровномалар ва ререртуар тўрламларидан фойдаланади, шеър, қўшиқ, кинофильмлардан лавҳалар олади, ранг-баранг тарихий материалларни ижодий монтаж қиласи, уларни муайян мавзуу, сюжет тизими ва ғоя асосида умумлаштириб томошабинга етказади.

Бадиий-оммавий тадбирлар сенарийси муаллифи мафкуравий ҳаётни чуқур билиши керак. У ўз сценарийсини шу куннинг долзарб масалаларига бағишилаб турли сұхбат-интервьюларни матнга сингдиради, ресрублика

миқёсига эга бўлган кўргазмали материаллар, рақамлар, иллюстратив воситалардан фойдаланади.

Ижод мураккаб жараён бўлиб, у изланишлар натижасидир. Драматург унинг воқеалари, эризодлари устида кўр ойлайди. Сценарий қоғозга тушгунга қадар драматург онгига риширилади. Ҳар қандай санъат асари сингари маданий-маърифий муассаса сценарийси ҳам ўз вақтида дунёга келади.

Тадбирлар сенарийсини тузиш ва ёзиш бир неча хафталар, ойларга чўзиладиган ижодий жараёндир. Шунинг учун режа тузишга муаллифларни жалб этиш зарур.

Хуллас, сенарий ёзилиши қуйидаги вазифаларни бажариш талаб этилади:

- 1.Сенарий ҳаётдаги муҳим масалани ифодалashi;
- 2.ҳаёт ҳақиқатини кўрсатиши;
- 3.янгиликни, илғор тажрибани кашф этиши ва уни халқчил талқин этиши;
- 4.мустақиллигимиз қаҳрамонларининг ёрқин образини бадиий-рублицистик гавдалантириши лозим.

Адабий сценарий устида ишлаш бир неча босқичларда олиб борилади. Бу ижодий жараён қуйидаги ёъналишларда бўлиши мумкин:

- 1) Сценарий ёзишдан мақсад (масаланинг қойилиши).
- 2) Сценарий тўқимаси устида ишлаш (мавзу, ғоя, материал, шакл, манзил).
- 3) Сценарий юзасидан иш режасини тузиш.
- 4) Ҳужжатли материалларни тўрлаш.
- 5) Бадиий материалларни тўрлаш.
- 6) Таъсирчан воситаларни танлаш.
- 7) Сценарий жанрини аниқлаш.
- 8) Сценарий сюжети устида ишлаш.
- 9) Сценарий ёъли (ранг-баранг ҳужжатли материалларни ягона «ўқ» атрофига уюштириш) устида изланиш.
- 10) Турли хил саҳнавий усууллардан фойдаланиш (иллюстрлаш, театрлаштириш).
- 11) Сценарийнинг тўлиқ адабий матнини қоғозга тушириш.

Республикамиз ҳукумати томонидан бундай ҳужжатларнинг амалий ижроси тадбирлар ташкилотчилари томонидан сўзсиз бажарилиб келмоқда.

Драматургиянинг барча қонун-қоидаларига риоя қилинган ҳолда яратилган асарлар тўлақонли асарлардан ҳисобланади. Пьеса танлангач, ижодий гурӯҳ билан таҳлил қилинади ва саҳналаштириш ишлари амалга оширилади.

Маданий тадбирларда эса асосий манба сценарий ҳисобланиб, у тадбирни ташкил қилишдаги илк жараёндир.

Амалий машгулот

- 1. Берилган мавзу асосида сценарий яратинг**
- 2. Сценарийни таҳтил қилинг**

Майдон томошаларини ўтказиш усуллари

Оммавий театрлаштирилган тадбирни саҳналаштираётган режиссёрнинг вазифаси, саҳнавий образли ечимни, булгуси тадбирнинг "йўли" - ривожланишини, яъни тадбирнинг саъй хатти-харакатини (етакчи хатти-харакатини), шакли, муҳитини ва услубини белгиловчи режиссёрлик иши режадан бошланади.

Модомики, бўлажак тадбирнинг бирламчи элемента пьеса ва мусиқали партитура эмас, балки режиссёрлик режа дейилса, демак, режиссёр бу ерда драматург вазифасини ҳам адо этади.

Режиссёрнинг бундай, мажбуран, иккинчи вазифани бажаришини мантиқан оқлаш мумкин. Чунки ҳали оммавий театрлаштирилган тадбир сценарийсининг ўзига хос хусусиятларини тушунадиган, профессионал (мутахассислашган) маҳсус драматурглар жуда кам. Шундай қилиб, режиссёрлик бурчининг асосий уч қиррасидан (В. И. Немирович-Данченко таълимоти), яъни саҳналаштирувчи, тарбиячи ва ташкилотчиликдан ташқари, режиссёр драматургга (тўртинчи қирра), яъни тадбир яратувчисига, "спектакль муаллифи"га айланади.

Булғуси тадбир услуби ва шаклини, саъй хатти-харакатини (етакчи хатти-харакатини) аниқ, белгиловчи режиссёрча режаларга мисоллар келтирамиз :

"Тошкент оқшоми" газетасининг саҳнавий нусхаси сифатида истироҳат боғида "Тошкент оқшоми" номли катта театрлаштирилган тадбир саҳналаштирилган. Чипта сотувчилар газета сотувчиларига ўхшаб кийинтирилган, бошқариб борувчилар киоскачилар (дўкончадаги газета сотувчилар) номидан сўзлашяптилар. Кордебалет (опера ва балет театрида оммавий рақсларни ижро этувчи ракурс ва раққосалар гурухи) "Жонли ҳарфлар"ни тасвирляяпти ва улар рақслар орқали эпизодлар сарлавхасини ёзишади ва хоказолар.

Режиссёрча режанинг пайдо бўлишида асосий туртки, бу берилган воқеа ва жойга (ўтказилмоқчи бўлинган) боғлиқ бўлган тадбирнинг мавзуси, ғоя ва олий мақсади, ўтказиладиган жой, мавжуд ижодий куч ва материалли

воситалар, хужжат ва ривоятлар, анъана ва урф-одатларни ўз ичига олган тадбирнинг аниқ берилган шарт-шароитларири.

"Санъат муассасаларида драматургик асар (пьеса) қачон ёзилганидан қатъи назар, лозим топилганида, замонавий талабларга жавоб берадиган бўлса, уни саҳналаштириш мумкин. Оммавий тадбир сценарийси эса белгиланган санага асосан ёзилиб бўлингандан кейин дархол намойиш қилиш учун ёзилади".

Демак, "сценарий ёзиш билан ким шуғулланмасин (албатта оммавий тадбир режиссёри купроқ сценарий устида ишлайди), у қуйидаги лаёқатларга эга бўлмоғи лозим:

а)Ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётни, маҳаллий аҳоли меҳнати ва турмушини чуқур тушуна оладиган ҳамда уни тўғри таҳлил қила оладиган шахс бўлмоғи;

б)адабиёт, айниқса драматургия соҳасида пухта (фундаментал) билимга эга бўлган , улардан самарали фойдалана оладиган киши бўлиши;

в) ҳаётий материаллар (маълумотлар) ва хужжатли далилларни йига оладиган, уларни адабий-бадиий шаклда баён қила биладиган ижодкор бўлмоғи лозим".

Режа режиссёрга номерларни саралаб, уларни кўриб чиқиш ва янгиларини тайёрлаш вазифасини юклайди. Маҳаллий материалларни батафсил билиш ва тайёрлаш, номерлар билан биргаликда ниятга асосланиб, бўлажак тадбирнинг режиссёрча режасини тузишда ёрдам беради. Ва ундан сўнг муфассал, режиссёрча адабий сценарийни яратиш босқичи бошланади.

Оммавий тадбир ҳаракатли, томошавий, ҳис-туйғули ва ифодали (образли) бўлиши керак. "Гапирувчи" эпизод саҳналардан иборат ҳаракатсиз — ифодали ўқиш (декламация) унда қатий ман этилади. Тадбир рамзий (символик) ва мажозий (метафоралар), образли мизансценалар, бир-бирини эслатадиган узаро боғлиқ товушлар ва хоказолардан иборат бўлади. Бир сўз билан айтганда, тадбир диалог ва монологларнинг ўрнини босувчи, аудио (эшитадиган) — кўз билан кўрадиган (визуал) образлар системасидан иборат бўлмоғи керак. Бу, айниқса, анъанавий спектакллар намойишига мослаштирилмаган биноларда ёки очиқ майдонларда тадбир саҳналаштирилганда кўзга яққол ташланади, чунки бундай жойларда матн умуман эшитилмайди. Бундай вақтларда томошабинларга фақатгина намойиш қилиш эмас, режиссёр нимадир "айтиши" зарур бўлса, у жарангдор сўзни ёзувга алмаштиради. Лекин ёзилиши зарур бўлган сўзлар баъзи ҳолларда бутун жумлалар, фақат шу санъат турига тааллуқли бўлган, ўзига хос воситалар орқали ёзилади, яъни уйингоҳ майдонидаги иштирокчиларнинг муайян ҳолатлари ёки ҳаракатлари, реквизитларнинг бир бўлаги билан,

бадиий ўйновчи трибуналар рангли байроқчалар билан, электротабло (бирор маълумотни ёруғлик ёки электромагнит воситасида қўрсатадиган лавҳадаги ёниб турадиган лампочкалар билан, катта экранларда намойиш этиладиган маҳсус титр (сўзлар) билан ва хоказолар.

Эпизод (лавҳа)ларнинг образли ечимини излаётган режиссёrlар яна битта хатога йўл қўйишида, яъни адабий матнларни "жонли кўринишилар" (расм) билан алмаштиришида. Афсуски, харакатдан ташқаридағи образ кутилган эфект (тасир)ни бермайди, қарама-қаршиликсиз, курашсиз, фаол хатти-харакат чизифисиз оммавий тадбир яхши танланган иллюстрация (расм, сурат)лар тўпламига айланиб қолади ёки содда қилиб айтганда, зерикарли томошага айланади. Бу эса томошавий санъатнинг барча турининг ҳалокатидир. Айниқса, оммавий театрлаштирилган томошалар учун, кўпинча, бундай янглишишларни театрлаштирилган юришларни (тантанали ёки карнавал, яъни катта халқ, сайили-бунинг фарқи йўқса, кўриш мумкин. Хатти-харакат оддий харакат билан алмаштирилади, яъни либосли гуруҳ ва безатилган машиналарнинг ўтиши амалга оширилади. Балки бундай нарсалар зерикарли бўлмас, чунки кўринишилар, таассуротлар тез-тез алмашиб туради. Лекин барибир булар суст ва харакатсизdir. Ҳар бир гуруҳнинг унчалик қийин бўлмаган ўзининг сюжети ёки концерт номери, хатти- харакати, жўр бўлаётган мусиқаси бўлиши зарур. Ҳар битта машина кичик театрга ёки ғилдиракли минбарга айланиши керак. Қарама-қаршилик номер ичида ёки номерлар орасида бўлиши мумкин. Лекин, албатта, бўлиши зарур.

Амалий машгулот

1. Сиз истиқомат қилаётган вилоят, туман, шаҳарда ўтказилган майдон томошаларидан бирини таҳлил қилинг.

.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

“Ақлий ҳужум” методи

Ақлий ҳужум (брейнстроминг - ақллар түзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жавоавий юзага келтириш.

Ақлий ҳужум ва масалани ечиш босқичлари

1. Мустақил фикрлантырылған ғоя, фикрларни қоғозга ёзинг.
2. Барча ғоя ва фикрларни ёзинг, agar улар тақрорланаётган бўлса, маҳсус белги қўйинг.
3. Ғояларни баҳоланг.
4. Энг мақбул ғоя гурӯҳ ғояси сифатида шакллантиради.
5. Барча ёзилган ғоялар гурӯҳ муаммосини ечиш
6. Гурӯхнинг умумий жавоби шакллантирилади.

“SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.

S – (strength)

- кучли томонлари

W – (weakness)

- заиф, кучсиз томонлари

O – (opportunity)

- имкониятлари

T – (threat)

- тўсиқлар

Намуна: Бошқарувчилар учун SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Бошқарувчи раҳбар ким	Интеллектуал ва жисмонан комил бўлган доимий равища бошқарув лавозимини эгаллаб турувчи ва фаолият юритувчи ташкилот фаолиятининг айрим турлари бўйича қарор қабул қилиш ваколати берилган шахс.
W	Бошқарувчи раҳбар заиф томонлари	Бошқарувда ходимлар ишончининг йўқотиши
O	Бошқарувчи раҳбар имкониятлари	ижтимоий–иқтисодий категория, бошқарув фаолиятининг натижавийлиги, моддий, молиявий, меҳнат ва одам ресурсларидан фойдаланишининг мувофиқлик даражаси. Бошқарув натижалари ва уларга эришишга сарфланган ресурсларни солиштириш воситасида аниқланади. Бошқарув самарадорлигининг вазифавий роли–унинг ривожланиши даражаси ва динамикасини, ушбу жараённинг сифати ва миқдорий томонларини акс эттиришdir.
T	Тўсиқлар (ташқи)	Ҳар хил ижтимоий сиёсий тўсиқлар, бюрократия, коррупция, ички тартиб мувозанатининг бшзилиши

“Инсерт” методи.

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмuni ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- Бошқарув бўйича янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, рангтасвир бўйича ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қўйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт яқунлангач, таълим олувчилик учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар профессор - ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот яқунланади.

“Брифинг” методи.

“Брифинг” - (инг. Briefing - қисқа) Рангтасвир бўйича бирор – бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишлиланган қисқа пресс - конференция.

Ўтказиш босқичлари:

1. Тақдимот қисми.

2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг яқунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, бирор бир асарни чизищдан олдин бир шакл сифатида олдин чизилган биор асар масалан: “Монализа” портретини олайлик тингловчилар билан бирга шу асар қачон ва ким томонидан яратилганлиги муҳокама қилинади ва бошқа рассомларни чизган портретитаҳлил қилинади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган янги асар тақдимоти ўтказилади.

“Портфолио” методи.

“Портфолио” – (итал. Portfolio - портфель, ингл. хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув - методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, ҳар бир тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қуидаги турлари мавжуд:

Фаолият түри	Иш шакли	
	Индивидуал	Гурүхий
Таълимий фаолият	Талабалар портфолиоси, бити्रувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ.	Талабалар гурүхи, тингловчилар гурүхи портфолиоси ва бошқ.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.

Ҳар бир тингловчи курс мобайнида ўзининг шахсий портфолиосини киритиб борадилар.

VI. ГЛОССАРИЙ

VI. ГЛОССАРИЙ

Атама	Ўзбек тилидаги изоҳи	Инглиз тилидаги изои
Алоқа	бу бошқарув тизими элементларининг ўзаро ҳамкорлиги учун муҳим элементлардан бири бўлиб, унинг воситасида ушбу тузилма учун маълум муносабатлар шаклланади. Бошқарув тизимларидағи алоқани лойиҳалаштириш ахборот назарияси усуллари, ҳамда ахборотларнинг техник манбаларини танлаш ва алоқа каналларини лойиҳалаштириш усулларига асосланади. Бошқарув шаклларига эга бошқарув тизимларининг таркибий тизимларидан тўғридан тўғри ва тескари алоқалар занжирлари ажратилади. Улар ахборотларни ҳаракатланиш йўналишлари бўйича фарқланади.	This is one of the most important elements for the interaction of the elements of the control system, through which a certain relationship is formed for this structure. Communication design in management systems is based on methods of information theory, as well as methods of selecting technical sources of information and designing communication channels. Direct and inverse communication chains are distinguished from the structural systems of control systems that have control forms. They differ in the direction of information flow.
Ахборот	бу маълумот ва хабарлар тўплами бўлиб, мазмунан, янгилик унсурларига эга бўлади ва бошқарув вазифаларини хал этиш учун ўта зарурдир.	it is a collection of information and messages, with content, elements of novelty, and is essential for solving management tasks.
Бошқарув (умумий кўринишида)	бу иккита обьектлар ўзаро ҳамкорлигининг маълум тури – бунда улардан бири бошқарув субъекти ҳолатида, бошқаси эса – бошқарув обьекти ҳолатида бўлади.	these two objects are a known form of interaction - one of them is in the state of control and the other is in the state of control.
Бошқарув вазифалари	бу бошқарув фаолиятининг нисбатан мустақил, ихтисослаштирилган ва ажратилган турлари.	these are relatively independent, specialized, and segregated types of management.
Бошқарув жараёни	ташкилот ресурсларини у томонидан ўзининг мақсадларига етишиш учун шакллантириш ва улардан фойдаланиш бўйича узлуксиз ўзаро боғлиқ ҳаракатларнинг мажмуаси.	a set of continuous interrelated efforts to shape and use the organization's resources to achieve its goals.
Бошқарув иерархияси	мураккаб турли-туман ва ўзаро боғланган жараёнларни бошқаришнинг асосий тамойилларидан бири. У бошқарувнинг даражалари билан таърифланади, уларнинг сони қанчалик кўп бўлса, тизим шунчалик йириkdir. Иерархия бўйича, масалан, корхона, цех, участка ва х.к. бошқаруви ажратилади. Ҳар бир даражанинг бошқарув тизими юқорироқ даража учун бошқарув обьекти бўлади. Умумий ҳолда бошқарув иерархияси хар бир даражадаги бошқарувни автоном	One of the main principles of the management of complex and interconnected processes. It is defined by levels of government, and the larger their number, the larger the system. By hierarchy, for example, an enterprise, workshop, site, and so on. control is disconnected. The control system of each level is the object of control for the higher level. In general, the management hierarchy assumes that

	холда белгиланишини кўзда тутади. Кўпинча бу бошқарув мақсадларини амалга оширишнинг воситалари ва усулларини танлашга тегишли бўлади. Иерархия бошқарувнинг мураккаб тизимидағи бошқарув тизимчаларининг биргалиқда бўйсунишидан иборат бўлади.	each level of management is autonomous. Often it is a matter of choosing the means and methods of achieving management objectives. Hierarchy consists of the joint subordination of control systems in a complex system of management.
Бошқарув объекти	бу бошқарув субъекти томонидан бошқарувчи таъсиrlарни қабул қилувчи идора. У импульслар (бошқарув бўйруқлари) ни олади уларга мувофиқ ҳаракат қилади. Ходим, меҳнат жамоаси, товарлар, ресурслар, хужжатлар ва х.к. бошқарув обьекти сифатида бўлади.	it is the management that receives the managerial influences from the management entity. It receives impulses (control commands) and acts accordingly. Employee, labor community, goods, resources, documents, etc. as an object of management.
Бошқарув субъекти	бошқарув тизимининг бошқарув обьектига таъсиr кўrsatiш манбай бўлган бўғини ёки қисми. Бошқарув субъекти сифатида фирманинг бўлимлари ва хизматлари мажмуасини ёки алоҳида бўлинма, якка шахс ва бошқаларни кўриб чиқиш мумкин. Бошқарув субъектини ажратиш бошқариладиган ижтимоий-иктисодий тизимнинг кўламлри ва ундаги бошқарув тизимини таърифловчи алоқалар билан чеклангандир.	the link or part of the control system that is the source of influence on the control object. As a governing body can be considered a set of departments and services of the firm, or a separate division, individual and others. The separation of the governing entity is limited to the scope of the socio-economic system under management and the relationships that define the governing system.
Бошқарув тизими	1. Одамларни биргаликдаги фаолиятини мувофиқлаштириш учун зарур ҳаракатлар йиғиндиси. 2. Бошқарувни амалга оширувчи бўғинлар ва улар ўртасидаги алоқаларнинг йиғиндиси.	1. A set of actions necessary to coordinate the activities of people together. 2. A set of links between the governing bodies and between them.
Бошқарув усули	бу раҳбар томонидан фойдаланадиган вазифаларни ҳал қилишнинг энг характерли ва барқарор усулларининг йиғиндиси, унинг қўли остидагиларга нисбатан одати. Ташкилотларни стратегик бошқариш – инсон салоҳиятига суюнвчи, ишлаб чиқариш фаолиятини истеъмолчилар сўровларига қаратувчи, ташкилотда атрофдагилар томонидан қаршиликларга жавоб қайтарувчи ва рақобот афзалликларига эришишга имкон берувчи эпчилик билан тартибга солишлар ва ўз вақтидаги ўзгаришларни амалга оширувчи бошқарув бўлиб, у ташкилотни омон қолиши ва истиқболда мақсадларига эришишга имкон беради.	it is a collection of the most characteristic and sustained methods of solving the tasks used by the leader, his habit in relation to his subordinates. The strategic management of organizations is based on human resources, the ability to organize production in a way that responds to consumer demand, the ability to respond to pressure from others in the organization, and the ability to achieve competitive advantages. .

Бошқарув қарори	бу харакатларнинг маълум вариантини топиш, фаолият жараёнининг ўзи, унинг якуний натижаси.	finding a known variant of these actions, the process of action itself, its end result.
Бошқарувнинг мақсади	ишлаб чиқаришнинг ижтимоий-иктисодий тизим сифатидаги эришилиши керак бўлган исталган, эҳтимол бўлган ва зарур ҳолати. Бошқарув мақсадини белгилаш – бошқарув жараёнининг бошланғич босқичидир. Бошқарув мақсади раҳбар фаолиятини йўналтирувчи омил бўлади. Бошқарув мақсади талаблар, қонунларга мос келиши ва тизим ривожланишининг ҳақиқий имкониятларини ҳисобга олиш билан белгиланиши керак. Бошқарув мақсади истиқболли ва бевосита умумий ва хусусий, оралиқ ва якуний сифатида тавсифланади.	the desired, probable and necessary condition of production to be achieved as a socio-economic system. Defining a management goal is the initial stage of the management process. The purpose of management is to guide the activities of the leader. The purpose of management should be determined by the requirements, compliance with the law and taking into account the real possibilities of system development. Management is characterized as a prospective and direct public and private, intermediate and final goal.
Корпорация	бу ривожланган йирик акционерлар жамияти ва трестлар бирлашмасидир.	it is a union of prosperous large shareholders and trusts.
Коммуникация	бу кишилар ўртасидаги ўзаро ахборот алмашувиdir.	it is the exchange of information between these people.
Мониторинг	тизим ёки обьект ҳолатини кузатиш, баҳолаш, башорат қилиш, унинг фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш.	monitoring, evaluating, forecasting, monitoring and analyzing the state of the system or object.
Мотивация	инсонни аниқ мақсадларга эришиш ва ўз эҳтиёжларини қондириш учун харакатга ундовчи амалдаги ички ва ташқи кучлар мажмуи.	a set of internal and external forces in action that motivate a person to act in order to achieve specific goals and satisfy his needs.
Мотивлаштириш	бу руҳий омил бўлиб, шахс фаолиятининг манбаи, сабаби, далили ва ҳар хил эҳтимоллариdir. У ходимларни жонли меҳнат фаолиятига рағбатлантируvчи кучли воситадир.	it is a spiritual factor, the source, the cause, the evidence, and the various probabilities of a person's activity. It is a powerful means of motivating employees to work.
Рағбатлантириш	ташкилот олдидаги турган масалани ечишда кишининг уриниши, харакати, матонати ва ҳалоллигига мақсадли ёндашиш.	purposeful approach to the person's efforts, actions, perseverance and honesty in solving the problems facing the organization.
Тадбиркор	ташкилотга фойда келтирадиган иш берувчи.	an employer who benefits the organization.
Ташаббускорлик	тадбиркорлик, яратувчанлик, тажрибачилик.	entrepreneurship, creativity, experience.
Обрў	бу ҳамма томонидан тан олинган ҳамда меҳнат эвазига ортирилган, раҳбар учун зарур ишонч ва қалқондир.	it is a universally recognized and rewarding work, a necessary confidence and shield for the leader.
Психология	инсоннинг руҳиятини ўрганувчи фандир. Инсон руҳиятига сезиш, идрок этиш,	is a science that studies the human psyche. Human spirituality includes

	тасаввур, тафаккур, таассуф жараёнлари, хотира, диккат, эътибор, ирода, шунингдек, инсон шахсининг рухий хусусиятлари, чунончи, қизиқиши, қобилияти, феъл-атвор ва мижоз киради.	the processes of perception, perception, imagination, contemplation, regret, memory, attention, attention, will, as well as the spiritual qualities of the human person, such as curiosity, ability, behavior and clientele.
Стратегия	грекча «стратегос» иборасидан олинган бўлиб, «генерал санъати» маъносини билдиради.	is derived from the Greek word "strategos", meaning "art of the general".
Фазилат	бу ижобий хислат, яхши сифат ёки хусусиятдир.	it is a positive quality, a good quality, or a quality.
Қарор	бу бажарилиши мумкин бўлган ишнинг аниқ йўлини танлаб олишдир.	it is a matter of choosing the exact course of action that can be taken.
Етакчилик	бошқаруви ўзаро ҳамкорликнинг, хукмронликнинг ҳар хил манбаларини самаралироқ бирлашишига асосланган ва одамларни умумий мақсадларга эришишга ундашга қаратилган ўзига хос одоб.	governance is based on a more effective combination of different sources of cooperation and dominance, and is aimed at encouraging people to achieve common goals.
Етакчининг касбга эгалиги	менежер томонидан ишлаб чиқариш (тижорат)ни ташкил қилиш ва бошқарув соҳасидаги маҳсус билимлар ва кўнимкамаларни эгаллаши, ҳар хил соҳалардаги одамлар билан ишлаш маҳорати.	the manager has specialized knowledge and skills in the field of organization and management of production (business), the ability to work with people in various fields.
Иқтисодий бошқарув усуллари	бошқарув субъекти ва обьекти ўртасидаги муносабатларни мамлакат ва худуднинг солиқ тизими, молия – кредит механизми, божхона тизим, фирмани фаолият юритишининг иқтисодий нормативлари, сифатли меҳнат учун мотивация тизими, менежмент мақсадларини мувофиқлаштириш усуllibарини қўллаш ёрдамида иқтисодий тартибга солиш усуllibаридир.	methods of harmonization of relations between the subject and object of management in the tax system of the country and the territory, financial and credit mechanism, customs system, economic standards of the firm, the system of motivation for quality work, methods of harmonization of management goals.
Коммуникацион тармоқлар	маълум коммуникацион жараён иштирокчиларини тегишли ахборот оқимлари ёрдамида бирлаштириш.	to unite the participants of a known communication process with the help of relevant information flows.
Маъмурий бошқарув усуллари	бу аниқ мақсадларга эришиш учун ташкилий муносабатларга таъсир кўрсатиш усулидир. Биттагина ишни ҳар хил ташкилий шароитлар, уни ташкил қилишнинг ҳар хил турлари: қатъий тартибга солиш, хозиржавоблик билан жавоб қайтариш, умумий вазифаларни кўйиш, фаолиятнинг йўл қўйиладиган чегараларини белгилаш ва ҳ. к. Жамоага	it is a way of influencing organizational relationships to achieve specific goals. Different organizational conditions of a single case, different types of its organization: strict discipline, prompt response, setting common goals, setting limits on activities, etc. k. Organizational methods

	ташкилий таъсир кўрсатишнинг ишлари самарали ва сифатли бажарилишини таъминловчи маълум шароитлари учун энг ҳақиқий турларини аниқлашда ташкилий усуулар ўзларини намоён қилади.	manifest themselves in determining the most real types of organizational influence on the community for certain conditions that ensure the effective and high-quality performance of work.
Маънавий – руҳий ҳолат	ижтимоий турухнинг қадриятли мўлжалланиши ва шахслараро муносабатларнинг характеристини акс эттирувчи барқарор руҳий ҳолат. У ходимларнинг қайфияти, уларни меҳнатдан қаноатлангани даражасига бевосита таъсир кўрсатади ва бу орқали пировардида ходимлар қўнимсизлиги, меҳнат унумдорлигига таъсир қилади. Қулай муҳитнинг энг муҳим аломатлари: гурух аъзоларининг бир-бирларига ишончи ва юқори талабчанлиги; самимий ва ишга доир танқид; фикрни эркин ифодалаш; кўл остидагиларга босимнинг йўқлиги; жамоа аъзоларининг унинг вазифалари ва ишларнинг ҳолати ҳақида етарлича хабардорлиги; жамоага тегишли эканликдан қаноатланиш; жамоа аъзоларининг ўзаро ёрдами; жамоанинг ҳар бир аъзоси томонидан гуруҳдаги ишларнинг ҳолати учун жавобгарликни ўзига олиши.	a stable state of mind that reflects the value of the social group and the nature of interpersonal relationships. It directly affects the mood of employees, their level of job satisfaction, and in the end affects the dissatisfaction of employees, productivity. The most important features of a comfortable environment are: team members' trust and high expectations of each other; sincerity and work criticism; free expression of thought; lack of pressure on subordinates; adequate awareness of community members about their responsibilities and status; community satisfaction; mutual assistance of community members; each member of the team assumes responsibility for the state of affairs in the group.
Менежер	доимий равишда бошқарув лавозимини эгаллаб турувчи ва бозор шароитларида фаолият юритувчи ташкилот фаолиятининг айрим турлари бўйича қарор қабул қилиш ваколати берилган шахс. Менежерлар ташкилотда ҳар хил ўринларни эгаллайди (директор, гурух раҳбари, ишларнинг маълум турининг ташкилотчиси, бошлиқ, мудир ва ҳ.к.), бутунлай бир хилда бўлмаган масалаларни ҳал қиласи, ҳар хил вазифаларни бажаради.	a person who is permanently in charge of management and is authorized to make decisions on certain types of activities of the organization operating in market conditions. Managers occupy different positions in the organization (director, team leader, organizer of a certain type of work, boss, manager, etc.), solve completely different problems, perform various tasks.
Менежерни ўзини ўзи назорат қилиши	менежерни ўз фаолияти натижалари устидан назорат қилиши, шу туфайли меҳнат жараёни яхшиланади, қўйилган мақсадга эришилдими ёки йўқлиги текширилади ҳамда керакли тузатишлар киритилади	The manager monitors the results of his work, which improves the work process, checks whether the goal is achieved and makes the necessary adjustments.
Менежмент	бу ишлаб чиқариш ёки тижоратни бошқариш; ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш ва фойдани кўпайтириш мақсадида ишлаб чиқилган	it is the production or management of a business; is a set of management principles, methods, tools and forms developed and applied to increase

	ва қўлланиладиган бошқарув тамойиллари, усуллари, воситалари ва шаклларининг мажмуасидир.	production efficiency and profitability.
Менежментнинг самарадорлиги	ижтимоий–иктисодий категория, бошқарув фаолиятининг натижавийлиги, моддий, молиявий, меҳнат ва одам ресурсларидан фойдаланишининг мувофиқлик даражаси. Бошқарув натижалари ва уларга эришишга сарфланган ресурсларни солиштириш воситасида аниқланади. Менежмент самарадорлигининг вазифавий роли – унинг ривожланиши даражаси ва динамикасини, ушбу жараённинг сифати ва миқдорий томонларини акс эттиришдир.	socio-economic category, the effectiveness of management, the degree of adequacy of the use of material, financial, labor and human resources. It is determined by comparing the results of management and the resources expended to achieve them. The task of management effectiveness is to reflect the level and dynamics of its development, the qualitative and quantitative aspects of this process.
Меҳнат жамоаси	ходимларни биргалиқда меҳнат амалга оширувчи бирлашмаси.	an association of employees working together.
Мотивация	менежментнинг, инсон хулқининг мотивациясидан уни фаолиятини бошқариш амалиётида фойдаланишин кўзда тутувчи вазифаси. Ҳар бир кишининг хулқи мотивация, яъни одамнинг маълум харакатларни амалга оширишга ундовчи ички кучлар билан белгиланади. Мотивация унинг ички ҳолатининг омиллари ёки атроф-муҳит, ташқи ҳолат, вазият, шароитлар таъсирига жавоби кўринишида намоён бўлади. Ҳар бир одам мотивациянинг шахсий тузилишига эга, бу унинг ривожланиши, ўз қобилияtlари, қандайдир натижаларга эришишини намоён қилиш ва ўзича баҳолаши жараённida шаклланади. Мотивация одамнинг эҳтиёжлари, уларни қаноатлантирилиши даражаси ва имкониятларини ҳис қилиш билан белгиланади.	The task of management is to use the motivation of human behavior in the management of its activities. Everyone's behavior is determined by motivation, that is, the inner forces that motivate a person to perform certain actions. Motivation is manifested in the form of a response to the factors of his internal state or the influence of the environment, external conditions, situations, conditions. Each person has a personal structure of motivation, which is formed in the process of its development, the manifestation of their abilities, the achievement of certain results and self-assessment. Motivation is determined by a person's needs, the degree to which they are satisfied, and the sense of opportunity.

VII. АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

VII. АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуг, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 январда қабул қилинган “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги ЎРҚ-668-сонли Қонуни
8. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3920-сон Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли [Фармони](#).

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февраль “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-6166-сонли Фармони

Ш. Махсус адабиётлар.

17. А.Ҳайдаров “Ҳаракатлар стратегияси ва маънавий юксалиш”. “Донишманд зиёси” нашрёти. 2020 йил

18. Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқаришга доир меёрий ҳужжатлар тўплами. Тузувчи А.Ҳайдаров. – Тошкент: Faafur Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016.

19. Азамат Ҳайдаров. Ижодий фаолиятини режалаштириш ва бошқариш. – Т.: “Камалак” нашрёти, 2019.

20. Азамат Ҳайдаров. Маданият ва санъат соҳасини бошқариш асослари. –Т.: “Камалак” нашрёти, 2019

21. Маҳмудов И. “Бошқарув психологияси”. Ўқув қўлланма. Т.: «Академия», 2010

22. Ф.Равшанов “Раҳбар ва раҳбаршунослик”. Ўқув қўлланма Т.: «Академия», 2009

23. Д.Раҳимова ва бошқалар “Ташкилотда иш юритиш”. Ўқув қўлланма. Т.: «Академия», 2008

24. У.Сайдов “Бошқарув ва нотиқлик санъати”. Ўқув қўлланма. Т.: “Академия” 2010

Интернет сайтлар

25.<http://www.lex.uz>

26.<http://www.ziyonet.uz>

27.<http://www.gov.uz>

28.<http://www.nopma.uz>

- 29.<http://ed.sjtu.edu.cn/ranking.htm>
- 30.<http://education.guardian.co.uk>
- 31.<http://www.aboutstudy.ru>
- 32.<http://www.reitor.ru>
33. <http://management.ru>